

332
Ш 45

ИСЛОМ ИҚТИСОДИ

Глобал икқиоздан чиқиши



Эҳсон Шеножак

Эҳсон Шеножак

**Глобал инқироздан чиқиши:
ИСЛОМ ИҚТИСОДИ**

**«IQRO-NASHR» нашриёти
Тошкент – 2022**

УДК 86.38

ББК 65.01

Ш 45

Эҳсон Шеножак. Глобал инқироздан чиқиш: Ислом иқтисоди. – Тошкент: «Iqro-Nashr» нашриёти, 2022. – 192 б.

Кейинги бир неча ўн йилликда молиявий ва иқтисодий низом ҳамда унинг меъёрларини замонавий таҳдилий атамалар нуқтаи назаридан изоҳлаш учун жиддий саъй-ҳаракатлар қилинган бўлса-да, аммо “Ислом молияси” ёки “Ислом иқтисодиёти” тушунчаларини кенг оммага етказиш мушкул иш бўлиб қолмоқда.

Кўлингиздаги ушбу китоб Туркияниң машҳур илоҳиётчи олими доктор Эҳсон Шеножакнинг мазкур мавзудаги узоқ йиллик изланишлари меваси бўлиб, унда “Ислом иқтисодиёти” мавзуси содда тарзда, аниқ далиллар асосида шарҳлаб берилган.

Таржимон ва нашрга тайёрловчилар:

Муҳаммадолим Муҳаммадсiddиков
сиёсий фанлар доктори, Ўзбекистон халқаро ислом
академияси профессори
Зокиржон Ҳайдаров
мустақил тадқиқотчи

Муҳаррир:

Абдулла Улугов
филология фанлари номзоди, профессор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 15 мартағи
01-07/1706-сонли холосаси асосида нашрга тайёрланди.

ТАКДИМ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳозирги пайтда дунёда амал қилаётган фоизли иқтисодий тизим ўрнини Ислом дини тамойилларига асосланган молиявий ва иқтисодий тизим эгаллаши мумкинми? Таклиф қилинаётган ушбу тизим иқтисодий ресурсларни жойлаштириш, тақсимлаш ва айирбошлаш масалаларини қандай ҳал қила олади?

Фақиҳлар оят ва ҳадислар, амалдаги қоидалардан келиб чиқсан ҳолда, ишлаб чиқариш ва тижоратнинг қандай бўлиши кераклиги, амалиётда улар билан боғлиқ муаммолар қандай ечилиши мумкинлигини диққат билан ўрганиб чиқишган. Улар турмушда ҳамиша муҳим ўрин тутадиган ушбу мавзуларни ўзларининг ҳукм ва фатво китобларида, шунингдек, бошқа асарларида батафсил изоҳлаб беришган.

Ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиёт моделенини илгари сурган Ислом иқтисодиёти капитализмининг фоизга таянган иқтисодий моделларини инкор қиласи. Чунки Исломда сармоя меҳнатнинг натижаси бўлса, ҳалол ҳисобланади. Унда капитализм каби пулдан пул чиқарив даромад олиш тақиқланади. Инсониятга берилган энг мукаммал дин бўлган Исломда келгусида фоиз олиш учун шароит, муҳит яратадиган пул жамғариш ҳам маъқулланмайди.

Ислом дини пулдан пул чиқаришни тақиқлаб, сармоянинг камбағаллардан судхўрларга бир томон-

лама оқиши олдини олган ва пул барча одамлар орасида айланишини таъминлаган.

Фоизга асосланган иқтисодий тизим эса банклар орқали тўплангандар пулни озчиликнинг ихтиёрига топширади. Ислом бундан фарқли ҳолда закот воситасида пулнинг бир қисмини камбағалга қайтариб беради. Фоиз бойни янада бой, камбағални янада камбағал қиласди. Закот эса камбағал кишини оёққа турғазади. Шу тариқа жамиятда ўзаро ёрдамлашув пайдо бўлиб, мувозанат таъминланади.

МУНДАРИЖА

Тақдим	3
Муқаддима	10
ФОИЗСИЗ ЁКИ МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ	14
1. Қадимги дунёда фоиз.....	14
Сармоя ва ҳалол меҳнатнинг муқаддаслиги.....	15
Фоиз – қонсиз ва қуролсиз қарам қилиш тизими	16
2. Либерализм.....	17
3. Капитализм.....	18
2. Ислом иқтисоди	22
ПУЛ ЎЗИ НИМА?	25
1. Пулнинг таърифи	27
2. Пулнинг хусусиятлари	29
3. Пулнинг функциялари	30
4. Пул турлари.....	31
5. Пулнинг тарихи	33
6. Пулнинг сифати	40
7. Пул ва товар (маҳсулот) ўргасидаги фарқлар....	43
8. Пул тижоратининг ҳукми.....	48
9. Сохта пул (фиктивные деньги).....	48
Хулоса.....	52

**ФОИЗ НИМА УЧУН ҲАРОМ, ТИЖОРАТ НЕГА
ҲАЛОЛ? 55**

A) Капитализмнинг тоғасидағы қарздан туриб, фойда күрішни, Ислом дини эса охират соясидаги дунёни обод қилишdir.	57
B) Капитализмнинг ўлчовлари худудийдир, Ислом иқтисодининг асослари эса умумисонийдир 58	
B) Капитализмда ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатлари.....	59
II. Ё инқилоб ё мағлубият 60	
III. Капитализмда фоиз нега ҳалол, Ислом динида эса ҳаром дейилади? 62	
IV. Капитализм билан Ислом дини ўргасидаги асосий фарқлар.....	62
A) Фоиз тизими ишлаб чиқармасдан туриб, фойда күрішни, Ислом дини эса, ишлаб чиқаришни ташвиқ қиласы 65	
B) Капитализмда икки тарафлама даромад олиш, Ислом динида эса адолатли тақсимотта эришиш асосий мақсад қилиб күйилади 66	
C) Капитализм соясидан даромад келмайдиган дарахтни ҳам кесишігі уринади, Ислом дини эсá, ҳатто, Қиёмат куни яқынлашганда ҳам ниҳол экишігі амр қиласы 67	
D) Капитализм барқарор фойдани күзласа, Ислом дини хатардаги тавакқал қилиб бажарылған ишдан олинған фойдани ўзаро бўлишишга буоради 68	
E) Ислом дини “қарзи ҳасана”ни, капитализм эса фоизли қарзни афзал деб билади 69	

Ё) Капитализмда сотиб олган одам бой, Ислом динида эса ишлаб чиқарувчи одам бойдир	70
3) Капитализм кўнгилни оғритади, давлатта зарар келтиради, Ислом дини эса иккаласини ҳам обод қиласди.....	71
 ПУЛНИНГ ТЎРТ ШАКЛИ.ИНФЛЯЦИЯ ВА ФОИЗ 74	
Инфляция.....	74
Инфляция ва пул	75
Фулус.....	77
Пулнинг тўрт ҳолати	77
Ҳанафий мазҳаби	79
2) Пулнинг инқито (амал қилиш муддатининг тўхташи) ҳолати	88
3-4) Пулнинг “руҳс” ва “фало” ҳолати	90
Моликий мазҳабида пулнинг тўрт шакли.....	92
Шофеъий мазҳабига кўра пулнинг тўрт шакли ...	94
Ҳанбалий мазҳабига кўра пулнинг тўрт шакли	95
Хулоса.....	108
 ФОИЗСИЗ БАНК ТИЗИМЛАРИ..... 110	
1. Фоизга асосланган банк тизими	110
2. Исломий финанс (молия) тизимининг кўринмас тарихий режаси.....	115
А) Мадина бозори	116
Б) Байтул мол/Давлат хазинаси	116
В) Сарроф	118

Г) Мөхнат-сармоя шерикчилиги	118
Д) Фоизсиз молия муассасалари	119
3. Яқин даврлардаги ислом молияси (финанси)	120
4. Исломий молия муассасалари механизми.....	122
А) Фойда-заарга шериклик/мушарака.....	123
Б) Мөхнат-сармоя шерикчилиги / Музораба	124
В) Нақд олиб насияга сотиш.....	127
Г) Қарзи ҳасана	128
5. Фойданинг фоиздан фарқлари.....	133
6. Фоизсиз банк тизимининг қийинчиликлари ва ечимлари	135
7. Инқирозлар ва исломий молия	138
Хулоса.....	146
ИЛОВА.....	149
Ислом иқтисодининг оламшумуллиги	149
Тижорат	151
Фойданинг чегараси	152
Закот	154
Мулк ҳукуқи.....	156
Ашё ва одам муносабати.....	156
Илоҳий назорат	157
Ижтимоий кўмаклашув ва марҳамат	158
Иқтисод ва дин.....	160
Раҳбар ва ишчи муносабатлари.....	160
Касаба уюшмаси	162
Ишлаб чиқариш	163

Раҳбарлар ва тараққиёт агентликлари.....	165
Саноат	166
Тижорат ва ибодатнинг ўзаро муносабати.....	167
Пул ва зуҳд	169
Иқтисоднинг уч қутби	170
Таваккул ва азм (ғайрат).....	171
Пул топиш ғояси.....	174
Натижа	175
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	178

МУҚАДДИМА

Аллоҳ Таоло юборган барча илоҳий китобларда фоиз ҳаром эканлиги таъкидланган. Инсоннинг пешона тери – меҳнатини қадрлаган, одамни иззат-хурмат қилиб эъзозлайдиган барча кишилар ҳар доим пулдан пул орттириш йўли фоизга қарши чиқишигандан. Сармоясидан мўмайгина даромад топгани боис, уни ёқловчи кучлар эса фоизга асосланган иқтисодиётни ҳаёт давомийлигининг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблайдилар. Куръони Карим одамларни ишлаб чиқариш билан машғул бўлиш ва шу йўл билан кишиларни иш билан банд қилишга даъват қиласди. Мазкур илоҳий китобда фоиз билан шуғулланиш Аллоҳ ва Унинг Расули (с.а.в.)га қарши жанг олиб боришга қиёсланади (Баъзи ояти карималар ва ҳадисларнинг шарҳи тафсир шаклида берилган). Қадимги Юнондан тортиб, Римгача инсоният саодатга эришиши учун жафо чекиб, ҳаракат қилган барча инсонпарвар давлатлар эса азал-азалдан пулдорларнинг халқни эзишига асосланган фоизли тизимга қарши курашиб келишигандан.

Иқтисодиёт ҳаётнинг талаб ва таклиф мувозанати устига барпо қилинганини иддао қиладиган капиталистик мафкура кўпроқ ишлаб чиқариб, кўпроқ даромад топиш учун оммавий ахборот воситалари (ОАВ) дан фойдаланган ҳолда, одамларни кўпроқ истеъмол қилишга чорлайди. Натижада у уйига нон олиб боришга қийналаётган ота-оналар рекламалардан таъсиранган фарзандларининг талабларига чидай ол-

масдан маркетлардан ўйинчоқ ва ўқув қуроллари со-тиб олишга мажбур бўлади.

Капитализмда ҳар қандай йўл билан пул топиш, даромад қилишга томон олиб боради. Ишлаб чиқа-рувчи наздида инсон харид қилиш кучига кўра ҳурмат қозонади. Капиталист камбағалга инфоқ-эҳсон қилиш зарурлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Шу сабабли одамлар очликдан ўлаётган бу дунёда капиталистлар даромадлари камайиб кетмаслиги учун мўл ҳосил олган йилларида ҳам маҳсулотларининг маълум қисмини денгизга улоқтириб юборишса, юбориша-ди-ю, лекин одамларга текинга беришмайди.

Капитализмда “ахлоқ” тушунчasi бўлмайди. Шу боис капиталистлар ахлоқсиз фильмлардан, туризм ниқоби остидаги меҳмонхоналарда аёллар савдоси-дан улкан даромад топишни ўзлари учун жоиз деб билишади.

Капитализмнинг виждони бўлмайди. Миллион-лаб одам қурбон бўлган биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг ортида ҳам капитализмнинг эксплуата-ция қилиш (эзиб ишлатиш) ва маҳсулотлар учун бо-зор топиш илинжи ётган эди.

Яқин пайтларгача Фарбда фоизнинг қонунийли-ги тўғрисида баҳс-мунозара қилиб келинган бўлса, эндиликда фоиз иқтисодиётда муҳим аҳамиятта эга эканлиги мутахассислар томонидан қабул қилин-ган. Улар ўртасида фоизнинг миқдори қанча бўлиши ҳакида қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Капитализм сингари социалистик мафкура ҳам фоизни қонуний даромад манбай деб ҳисоблайди ва иқтисодиёт назарияларининг фоизли тизимини маъ-

куллади. Исломий давлат усмонийлар салтанати кулаганидан кейин бутун дунёда фоизга асосланган иқтисодий тизимлар ривожланиб кетди. Натижада капиталистлар тўғридан-тўғри ва билвосита эзган, эксплуатация қилган мамлакатларда қарз олинган даврда туғилган фарзандлар бир умр ишласа ҳам жамият қарздан кутула олмайдиган даражага етди.

Завод ва фабрикалар қуриб, иш ўринлари яратишга қурби етадиган йирик сармоядорлар фоиз воситасида ҳеч қандай қийинчиликларсиз, яъни корхона курмай туриб, ишлаб чиқарган маҳсулотига харидор қидириб ўтирумай пул топади. Шу тариқа жамиятда ишсизлар сони ортади. Оқибатда эса, мамлакатда эзувчи ва эзилувчилардан иборат бир-бирига душман икки синф пайдо бўлади.

Омонатчилардан пул тўплаган банклар тадбиркорга фоизли қарз беради. Тадбиркор ҳам ўз навбатида, ишлаб чиқарган маҳсулотининг таннархига банкка тўлаган фоизини қўшади ва маҳсулот нархини оширади. Пулини банкга кўйган омонатчи эса қўлга киритган фоизини ишлаб чиқарувчидан қимматга олган маҳсулоти учун тўлашга мажбур бўлади. Бундай ҳолатда ўз-ўзидан аниқки, фойда кўрган тараф битта, яъни банк бўлиб қолади.

Ислом инфоқ-эҳсон, закот, садақа каби тушунчалар билан бойлар ва камбағаллар ўртасида мустаҳкам мувозанат ҳосил қиласидиган ва одамлар ўртасида ўзаро тартиб ўрнатадиган диндир. Бундай жамиятда икки синф, яъни бойлар ва камбағаллар ўртасида можаро, низолар юзага келмайди. Шу боис тарихда Исломий давлатлар хукмрон бўлган даврларда капитализмдан

социализмнинг ажраб чиқиши каби ҳолатлар юзага келмаган, Исломга мухолиф ҳеч қандай тизим унинг ичидан ўсиб чиқмаган.

Капитализмни курган ва уни қўриқлаган фоя тарафдорлари Исломнинг ишлаб чиқариш ва бандлик атрофида жислашган иқтисодий тизими эксплуатацияга нуқта қўйишини англаб етган. Улар шунинг учун Ислом динини асос қилиб олган бошқарув тизимларини хукуматдан узоклаштириш учун қаттиқ уринадилар.

Империялар қақшатқич зарбага учраган иккинчи жаҳон урушида мусулмонлар ҳар қандай вазиятга тайёр туришганида эди, бугун улар муҳим сиёсий мавқеда турганидек, иқтисодий жиҳатдан ҳам фаронлиkkка эришган бўлар эди.

Капитализм ривожланаётган ҳозирги пайтда мусулмонлар миллий ва халқаро иқтисодий пойdevор яратиб, исломий иқтисоддан хабардор олимларни етиштира олса, янги дунё исломий мамлакатлардан андоза олиши мумкин.

Ҳаракат биздан, тавфиқ Аллоҳдандир.

*Эҳсон Шеножак
2021 йил январь*

ФОИЗСИЗ ЁКИ МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Талаб ва таклиф устига барпо қилинган инсон ҳәёти иқтисодий жиҳатдан ҳам инсоният тарихи каби қадимийдир. Аллоҳ Таоло Ҳазрати Одам (а.с.)га барча номларни ўргатган. “(Аллоҳ) Одам (Ато)га барча номларни ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!” (*Бақара сураси, 31-оят*)¹. Бу билан Аллоҳ Таоло бандаларига нима нарса ҳалол ва нима нарса ҳаром эканини билдирган.

Куч ва сармоя эгаларининг тазиикى остида баъзи дин арбоблари ҳаромни ҳалол деса ҳам, динлар тарихи билан боғлиқ кўплаб манбаларда кўплаб раввин, руҳоний ва роҳиблар фоиз ҳаром эканини айтгани қайд этилган. Фоиз ҳақида файласуфлар ва роҳиблар жуда кўп таъкидлаган хукм сўнгги бора Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан айтиб ўтилган.

Фоизнинг тарихий келиб чиқиши жараёнини куидагича тартиблаш мумкин:

1. ҚАДИМГИ ДУНЁДА ФОИЗ

Қадимги Юнонистонда Афлотун (м.о. 427–347) ва Арасту (м.о. 384–322) етакчилигига кўплаб файласуфлар ва давлат арбоблари фоиз нима экани ҳақида бош қотиришган ва унинг одам ҳаётига таъсирини таҳлил этиб, фикр баён қилишган. Сармоя тарафдори

¹ Қаранг: Бақара сураси, 31-оят.

бўлган кишилар фоизни маъкуллашса, одам меҳнатини қадрлаганлар фоизга қарши чиқишган.

Сармоя ва ҳалол меҳнатнинг муқаддаслиги

Афлотун фоиз олиш ахлоқий жиҳатдан мақбул иш эмас, деган ва уни рад этиб, фоиз беришни тақиқлашни талаб қилган. Чунки Афлотун фикрича, комил жамиятдаги шахслар бошқалардан моддий манфаатдор бўлишга интилмаслиги, йўқчиликка қарши кураш олиб бориши, шунингдек, ҳаддан зиёд мўлликка, исрофгарчиликка қарши чора қўриш лозим эди. Унингча, пул мулк эмас, балки мулк пулни кўлга киритиш учун восита бўлиши керак. Шу боис у фақат ўзини ўйлаш ва даромад топиш йўлидаги адолатсизликка сабаб бўладиган фоиз олиш-беришни тақиқлашни талаб қилган¹.

Фоиз олиб бой бўлиш инсонийликка хилоф, зид ҳаракат эканини таъкидлаган Арасту алмашиш воситаси бўлган пулни бойлик воситаси сифатида ишлатиш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Арасту турган жойида қўпаймаган бир металл бўлагининг фойда келтириши ғайритабиий ҳодиса ва бу адолатга зид эканлигига алоҳида урғу берган. Арасту пулни тухумламаган товуқقا ўхшатиб “пул туғмайди”, деган. Юонон мутафаккирининг фикрича, пул айни хусусиятига кўра, инсондан, ўсимликдан ёки ҳайвондан тамомила фарқ қиласди².

¹ Эрол Зайтунўғли. Исломда ва бошқа тизимларда фоиз. – ИСАВ, Истанбул.

² Islamreligion.com/articles/542/interest and its role in economy and life part-3

Юнон файласуфлари пулни фақат ўзаро алмашиш воситаси сифатида қабул қиласанликлари учун уни ижарага олишдан келадиган даромадни рад қилишган. Арасту яна бир ўринда пул инвестиция воситаси сифатида кўпаймаслигини таъкидлаган¹.

Аҳоли кенг қатламлари вакиллари фоиз олиш пулдорлар учун даромад манбаига айланиши мумкинлигини кўришгани учун фоиз олиш учун беришга ҳам, фоиз тўлаш учун пул олишга ҳам пул тижоратига ҳам қарши чиқишишган.

Инсониятнинг бахт-саодати учун қайфурган, кашфиётлар қилиб, бу йўлда заҳматлар чеккан жағоқашлар фоиз олиш қўлида катта пули бор бойлар кўпчиликни ўзига қарам қилиш, эзиш воситаси бўлганлигини тушунганлиги боис бундай иқтисодий моделга қарши чиқишишган.

Фоиз – қонсиз ва қуролсиз қарам қилиш тизими

Рим салтанатининг дастлабки даврларида ҳам фоизли олиш-бериш тақиқланган эди. Аста-аста савдогарларнинг ҳурмати ошиши ва уларга турли имтиёzlар берилиши натижасида кейинчалик бу тақиқлар бир оз юмшатилган. Аммо фоиз билан боғлиқ турли жазолар қонунан ўз кучида қолган². Аллоҳга ишонмайдиган жамиятдаги тизим ҳам ўзи каби динсиз сармоя эгалари билан иттифоқ қургач, хато нарсани ҳам энг тўғри деб қабул қилиши оддий ҳолдир. Шунинг

¹ Islamreligion.com/articles/542/interest and its role in economy and life part-3

² Islamreligion.com/articles/542/interest and its role in economy and life part-3

натижасида қон тўқмасдан ва қурол ишлатмасдан одамларни қарамга айлантириш тизими бўлган фоиз олишнинг йўли буткул очилди.

Фоиз олиш тизими шумерларда, Бобил, Оссурияда бўлгани каби Мисрда ҳам бойлар номидан камбағаллар қатламини ўз домига тортган. Динга эътиқод қилмаган тизимлар ҳам фоиз олишни тўлиқ тақиқламаса-да, унга тўла эркинлик бермасдан, қарздорлар фойдасига баъзи чекловлар ўрнатишган. Масалан, Миср фиръавнлар томонидан бошқарилган пайтларда фоизнинг асосий пул миқдоридан ошиб кетиши тақиқланган. Қадимги Юнон ва Римда ҳам қарзини тўлай олмасдан қарз берганинг қулига айланган қарздорнинг жавобгарлиги унинг барча қарзлари миқдори ўн икки фоиздан ошиб кетмаслиги белгиланган. Шарқий Рим императори Юстиниан тижорат учун шу фоиз миқдорини ўзгартирмасдан зодагонлар учун бу миқдорни тўрт фоизга туширган.

2. ЛИБЕРАЛИЗМ

Янги даврда фоизли олиш-беришнинг гуноҳ эмаслиги тўғрисида черков чиқарган фатволар ўрта аср Европасининг иқтисодий шаклинни ўзгартириб юборди. Саноатда содир бўлган инқилоб туфайли ишлаб чиқариш кучайди. Бунга боғлиқ равишда унга талаб ҳам ўсади. Фоизли олиш-бериш тўғрисида берилган фатволар XVIII аср Европасида аввал либерализм, унинг ортидан эса унга ўзгариш ва тузатишлар киригтан капитализмнинг пайдомбилийхагамтибонидан

TOSHKENT AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

491821
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Либерализм шахс, жамият ва давлат муносабатларида шахс эркинлигини ёқладиган, кишиларнинг шахсий турмуши ва жамиятнинг иқтисодий ҳаётига давлат аралашувини маъқулламайдиган фалсафий, сиёсий ва иқтисодий фикрлар оқимиидир. Унинг замирида шахс манфаатига асосланган “қўйиб беринг, қиласверишсин”, шиори ётади.

Мустамлакачилик сиёсати ва ташқи тижорат йўли билан қўлга киритилган сармоянинг кўпайиши, дехқончиликнинг ҳам тижоратга айланиши, қофоз пулнинг пайдо бўлиши, банк тизимининг ривожланиши, саноат худудларининг вужудга келиши капитализмнинг асоси бўлган либерализмнинг кучайишига олиб келди.

Иқтисодий ҳаётда мутлоқ эркинлик бўлишини хуш кўрадиган либерализм саноат инқилоби туфайли пайдо бўлган сармоядорларнинг янада кучайиши, ишчи синфининг аҳволи эса янада ёмонлашишига олиб келди. Бу ижтимоий фалокат бир томондан социализм, иккинчи томондан капитализмнинг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Социализм либерализмнинг бутунлай йўқ бўлишини ёқласа, капитализм унинг “қўйиб беринг, қиласверишсин”, гоясини ўзгартириб, талаб-таклиф мувозанати давлат томонидан назорат қилинишини мақсад қилиб олди¹.

3. КАПИТАЛИЗМ

Ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк бўлиши ва улардан фойда олиш мақсадида фойдаланишга

¹ “Ҳайъат” ижтимоий билимлар энциклопедияси. – Истанбул, 1990.

асосланган капитализм либерализмнинг давлат иқтисодий ҳаётига аралашувининг очиқ кўринишидир. Капитализмда мулк бутунлай шахсга тегишли бўлади. Киши эса ўз мулкини қўлга киритганидан сўнг, бошқаларни унинг соясидан ҳам узоклаштиришни истайди¹. Фарб давлатларида одамларнинг жамият ичida бўлгани ҳолда, алоҳида якка бир шахс сифатида яшаши, бошқалар учун бегоналашиши ва ёлғизланишининг асосий сабаби юқоридаги тушунчага бориб тақалади.

Капитализм кўпроқ ишлаб чиқариш учун одамлардан кўпроқ истеъмол қилишни сўрайди. Шу боис ҳозирги замонда медиа (ОАВ) майдони истеъмолни жозибали қилиб кўрсатувчи reklamalар билан тўлиб тошган. Чунки капитализмда истеъмол қилиш ортгани сари ишлаб чиқариш ҳам кўпаяди. Иқтисодиёт талаб ва таклиф мувозанатига боғлиқ бўлади. Катта компанияларнинг реклама бўлимлари йил давомида ўз маҳсулотларининг истеъмолини орттиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширади. Ваҳоланки, ортиқча истеъмол инфляцияга, яъни пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Бундай шароитда мамлакат иқтисодиётини бошқараётганлар пулнинг қадри тушиб кетмаслиги учун фоиз олиш даражасини кўтарида. Ҳаром ҳисобланган исроф ўз ортидан яна бир бошқа ҳаромни, яъни фоиз олишни бошқа бир йўл билан озиқлантиради. Капиталистик иқтисодиёт кўп истеъмол қилишга, у инфляцияга, инфляция эса фоиз олишнинг олиб келади. Шу боис капиталистик иқтисодиётни олиб келади.

¹ Сазойи Қарақоч. Ислом жамиятининг иқтисодий структураси. Тирилиш нашриёти. Истанбул, 2003.

листик мамлакатлар иқтисодиётида ҳар ўн йилда, камда бир марта инқироз пайдо бўлиши кузатилади¹.

Дунёвийлашиш ўзининг чўққисига кўтарилган ҳозирги пайтда ўрта ва паст даромадли оиласарни қийнайдиган асосий муаммолардан бири юқори даромадли оиласар каби сарф-харажат қилишга интилишларидир. Шу боис капиталистик тизимларда коррупция, ўғирлик, фирибгарлик, бой маҳаллаларда жойлашган хусусий мулкларга тажовуз каби жиноятлар жамият учун жиддий муаммога айланиб қолди.

Капитализм доимий равишда ўзига бозор қидиради. У янги бозорлар учун, ҳатто урушлар чиқаради. Бозор топиш ва мустамлакачиликнинг янги кўриниши туфайли биринчи ва иккинчи жаҳон урушида 74.5 миллион одам ҳалок бўлган². Бу эса “чегараларни маҳсулот очолмаса, урушлар очади” деган фояга асосланган капиталистик тузум учун оддий ҳолдир.

Капитализм ҳаётни иқтисодиётга, одамни эса ишлаб чиқаришга боғлайди. Капитализмда инсон истеъмол қилишни орттиришига қараб қадрланади. Капиталист ўзи билан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарганни рақиб ҳисоблайди, истеъмолчини эса у қанча маҳсулот сотиб олганига қараб баҳолайди. Капитализмнинг турли ўйин ва мультфильмлардан мақсади ҳам болалардан фойдаланиб, истеъмол қилишга тарғиб қилишдир. Капитализм кўпроқ фойда олиш учун нафақат жамиятга, балки оиласарга ҳам салбий таъсир ўтказа олади.

¹ 2008 йилдаги глобал инқироздан 10 йил ўтиб, дунё яна бир инқироз ёқасига келиб қолган.

² www.onediocom/haber/kanli_bir_tarih_2-dunya_savashi.

Капиталистик давлатлар ўзлари учун бозор бўлган давлатларга фақат ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиб олиш шарти билан ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб олишга етадиган миқдорда қарз беради. Лекин улар ҳам ривожланиб ўзлари каби ишлаб чиқарувчи бўлишига асло йўл қўймайди. Масалан, АҚШ Туркияга Маршал ёрдами доираси (дехқончилик ва кончиллик ривожлантириш мақсади)да 72 миллион доллар қарз берган. Шартномага кўра эса, Туркия дехқончилик ва кончиллик учун берилган кредит эвазига АҚШдан у ишлаб чиқарган ускуналарни сотиб олишга мажбур бўлган эди. Шу тариқа АҚШ ҳам маҳсулотларини сотадиган бозор топди, ҳам Туркияда шундай ускуналар ишлаб чиқарилишининг олдини олди. Шунинг баробарида АҚШ Туркияга берган қарзини фоизи билан қайтариб ҳам олди¹.

Фарбда XV ва XVI асрларда пайдо бўлган ва XVIII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг шиддат билан ёйилган фоиз назариялари фоиз олишни маъқуллаш баробарида баъзи масалаларда бир-бирлари билан ихтилофга тушган.

Эндилиқда иқтисодчилар фоиз олиш тўғри ёки нотўғрилиги хусусида эмас, балки унинг миқдори устида мунозара қилишмоқда. Бунинг асосий сабаби эса иқтисодчилар фоизнинг ҳар қандай шаклини тақиқлаган Исломий иқтисод тизимини яхши билмаслигидир. Шу боис улар бу ҳаётда яхши яшаш учун капитализмдан ўзга чора йўқ, деган фикрга ёпишиб олишган.

¹ www.dunyabulteni.net/tarikh_dosyasi

Фарб ва Шарқ, ривожланган ва ривожланмаган мамлакатлар ўртасида юзага келган иқтисодий адолатсизликнинг асосий сабаби ишлаб чиқаришни қадрсизлантирган, пулдан пул топишни таъминлаган ва уни рағбатлантирадиган фоиз тизимиdir. Фоиз тизими туфайли фақат бир ҳафта ичидан Шарқдан Farbga 2.2 миллиард доллар пул чиққан¹. Агар бир йилда 52 ҳафта борлигини ҳисобга олсак, бир йилда 114 миллиард доллар Шарқдан Farbga пул ўтказмаси амалга оширилиши аён бўлади.

Сармоя кам сонли кишилар қўлида тўпланган жамиятларда фоиз олиш озчиликнинг кўпчилик устидан зулм қилиш, бошқача қилиб айтганда, одамларни эзиш воситасига айланган. Сармоя кишиларнинг руҳияти ва ҳаётига истеъмол қилиш ҳирси воситасида чукур сингишиб кетган.

2. ИСЛОМ ИҚТИСОДИ

Ислом иқтисодиётида “Асосий ишлаб чиқариш омиллари” деганда сармоя назарда тутилмаган. Чунки ишлаб чиқариш воситаси саналмаган нарсадан фойда кутиш ва сармоядан келган меҳнатсиз даромад билан кун кўрадиган синф пайдо бўлишига йўл очиш Ислом иқтисодиётида мумкин эмас. Шу боис Исломий иқтисодиётда фоиз олишни пул сиёсати воситаси сифатида қабул қилиш тақиқлаган².

Куръони Каримда судхўрлик билан шугууланиш қатъий шаклда тақиқланган, бу иш юқорида қайд қи-

¹ www.dunya.com/finans/haberler

² Аҳмед Табақўғли. Исломда пул сиёсати ҳақида рисола. ИСАВ, Истанбул.

линганидек, Аллоҳ ва Унинг Расули билан жанг қилишга тенглаштирилган. Чунки: “Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гапларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидилар ва улар унда абадий қолувчилардир” дейилган (*Бақара сураси*, 275-оят).

Куръони Каримда фоизнинг ҳар қандай кўриниши қатъий тақиқланиб, жумладан, яна шундай дейилган: “Эй, иймон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам қўпайтириб, устама ила еб юбормангиз! Аллоҳдан кўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангизлар” (*Оли Имрон сураси*, 130-оят).

Бу ояти каримадан кўриниб турибдики, Аллоҳ Табо Ислом дини даврида фоизларнинг асосий қарзга қўшилиб, сўнг ҳисобланган шакли, яъни қўшфоизни (мураккаб фоиз) ҳам тақиқлаган¹. Бу эса оддий фоиз жоиз деган тўшунчани келтириб чиқармаслиги керак. Бундай фикр билдириш оятнинг асл маъносини бузишга уриниш каби катта гуноҳ ҳисобланади. Зоро, оятда келтирилган “устамаси билан еб юбормангиз” ибораси жоҳилият даврида арабларнинг фоиз устидан

¹ Қўшфоиз (мураккаб фоиз) кишидан олинган фоизларни асосий қарзга қўшиб унинг устида яна бир марта фоиз олиш.

ҳам фойз олиш одатлари қаттиқ танқид қилинганини билдиради¹.

“Мабодо (бу буйруқقا итоат) қилмасангиз, у ҳолда, Аллоҳ ва пайғамбари томонидан (сизларга қарши бўлажак) урушни (азобни) эшитингиз! Агар тавба қилсангиз, дастмояларингиз ўзингизга. Зулм ҳам қилмайсизлар, зулм қилинмайсизлар ҳам”² (*Бақара сураси*, 279-оят).

Юқоридаги ояти карима ҳар қандай ҳолатда асосий қарздан ортиқча пул олиш жоиз эмаслигини кўрсатиб турибди.

Дунёнинг энг катта ва энг бой иқтисодиёти ҳисобланган АҚШ иқтисодиёти миқдори 19 триллион доллар эканини ҳисобга олсак, дунёдаги қарздорлик бунинг 11.5 баробарида экани ойдинлашади. Бу эса жуда катта рақамдир³.

Ислом дини капитализмдаги ортиқча истеъмолни “исроф қилишдир”, деб тўхтатади. Камайган ишлаб чиқаришни эса инфоқ-эҳсон, закот, садақа каби тушунчалар билан кучайтириб, ишлаб чиқариш олдидаги тўсиқларни бартараф этади.

¹ Мұхаммад бин Мұхаммад Абуссууд. Иршодул ақлис салим ила мазаял китабил карим. Дорул Кутубил Илмия. Байрут, 1999.

² Бақара сурасининг 279-ояти каримасининг маъноси Насафий тафсиридаги изоҳларга асосланган.

³ www/egezegen/com/ekonomi/dunyanin_en_büyük_ekonomisi_sıralaması

ПУЛ ЎЗИ НИМА?

Замонавий фанларда жуда кўп термин ва тушунчалар бир-бирига аралаштириб юборилганлиги туфайли жуда кўп инсон пайғамбарларнинг Аллоҳдан олган илмлари орқали ҳаёт кечиришни осонлаштирувчи ишлар бажарганлигини тушуниб етмадилар. Пайғамбарлар эса моддаларнинг таркиби ва улар бажарадиган вазифаларни ҳам амалда исботлаб беришган эди. Сувнинг кўтариш кучи ҳақида гапирган Архимедни билган болалар Аллоҳдан олган илми билан биринчи кемани ясаган Нуҳ (а.с.)нинг буюк кашфиёти ҳақида ҳеч нарсани билмайдилар. Ваҳоланки, Куръони Каrimда: “**Бизнинг ҳимоямиз ва ваҳиймиз билан кемани ясагин ва зулм қилганлар ҳақида Менга (асрагин деб) хитоб қилмагин! Улар, албатта, гарқ қилинувчилардир!**” дейилган¹ (*Худ сураси*, 37-оят).

Барча пайғамбарлар одамларни меҳнат қилиб ҳаёт кечиришга чақиришган. Улар ўзларининг баъзи кашфиёт ва ижодлари билан ишлаб чиқариш йўлларини топиб беришган. Бу борада Аллоҳ Расули (с.а.в.): “Ҳеч ким ўз қўли билан ишлаб топган нарсасидан кўра лаззатлироқ нарса емаган. Аллоҳнинг пайғамбарларидан Довуд (а.с.) ҳам фақатгина ўз кучи билан ишлаб топган нарсасини ер эди”, дея марҳамат қиладилар².

Абдуллоҳ Ибн Аббос пайғамбарларнинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни ҳақида шундай дейди: “Ҳазрати Одам (а.с.) деҳқон, Нуҳ (а.с.) дурадгор, Идрис (а.с.)

¹ Худ сураси, 37-оят

² Бухорий, Ҳадис 2072

тикувчи, Довуд (а.с.) темирчи, Мусо (а.с.) чўпон, Иброҳим (а.с.) деҳқон, Солиҳ (а.с.) савдогар каби касблар билан машғул бўлганлар. Ҳазрати Исо (а.с.) эртанги куни учун бирор нарса қолдирмайдиган шаклда ҳаёт кечирган. Ҳазрати Мустафо (с.а.в.) эса ўз оиласарининг кўйларини боқсан эдилар”¹.

Буюк саҳобалар ҳам бозор ривожланишига катта ҳисса қўшишган. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) мато, ҳазрати Умар (р.а.) тери, Ҳазрати Усмон (р.а.) озиқ-овқат маҳсулотлари сотишарди. Ҳазрати Али (р.а.) эса кунлик иш билан шуғулланган эдилар². Фақиҳлар оят ва ҳадислар, амалдаги қоидалардан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш ва тижорат аслида қандай бўлиши кераклиги, амалиётда улар билан боғлиқ муаммолар қандай ечилиши мумкинлигини синчилаб ўрганиб чиқишишган. Улар бундай мавзуларни ўзларининг фурӯъ (хукм) ва фатво китобларида, шунингдек, бошқа асарларида батафсил изоҳлаб беришган.

Ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиёт моделини илгари сурган Ислом иқтисодиёти капитализмнинг фоизга таянган иқтисодий моделларини инкор қиласди. Чунки Ислом динида сармоя меҳнатнинг натижаси бўлса, ҳалол ҳисобланади. Унда капитализмдаги каби пулдан пул чиқариб, даромад олиш тақиқланади. Инсониятта нозил қилинган энг мукаммал дин Исломда келгусида фоиз олиш учун шароит, мухит яратадиган пул жамғариш ҳам маъқулланмайди.

¹ Ҳаким, Мустадрак, Ҳадис 4165

² Мұхаммад бин Ҳасан аш Шайбоний. Китобул Касб. Байрут. 2005.

Социализм хусусий мулкчиликка рухсат бермасдан меҳнат орқали топилган сармояга нисбатан адолатсизлик қилган.

Социализм одамни ишлаб чиқаришга, меҳнат қилишга ундовчи мулк хуқуқини бекор қилиб, меҳнаткаш билан дангасани бир хил даражага келтириб қўйган. Капитализм эса меҳнатдан топилган сармояни меҳнаткашга хўжайин қилиб, ҳалол меҳнатга асосланган ишлаб чиқаришнинг йўлини тўсади. Ислом эса меҳнат орқали тўпландиган сармояни фақат пешона тери орқали қўпайтириш шарти билан одамларни ундан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришга чорлайди. Демак, Исломда сармоя меҳнатнинг рақиби эмас, балки натижасидир.

Пулни мустақил равишда тижорат қилиш мумкин бўлган маҳсулот сифатида қабул қиласак, у ишлаб чиқаришга таянган сармоянинг йўқ бўлишига олиб келади. Ёки барча бойлик айрим кишилар қўлида тўпланиб қолишига замин тайёрлайди.

Навбатдаги бўлимда пул аслида нима эканлиги, нима учун Ислом пулни мубодала (алмашиш) воситаси сифатида кўриши ва у мустақил равишда тижорат юритишини тақиқлагани тўғрисида сўз юритилади.

1. ПУЛНИНГ ТАЪРИФИ

ПУЛ — ҳамма товарлар ва хизматлар айирбошлиладиган, шу боис умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган маҳсус товар; бозор иқтисодиётининг

энг асосий воситаси¹. Пул ўз табиатига кўра, 3 хил хусусиятга эга: ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси; бойлик тимсоли; меҳнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита².

АҚШлик иқтисодчи профессор Жон Галбрейт-нинг таърифига кўра, “Одамлар пул сифатида ишлатадиган ҳар бир нарса пул ҳисобланади”.

Бирор нарса пул бўлиши учун у тўлов воситаси сифатида фойдаланиши ва одамлар томонидан қабул қилиниши лозим. Жамият томонидан қабул қилинмаган, тўлов воситаси сифатида ишлатилмаган объект пул ҳисобланмайди. Шунга кўра, олтин, кумуш каби қадимдан пул сифатида фойдаланиб келинган моддалар билан бир қаторда, пул тарзида кўлланиладиган қимматбаҳо қофозлар, электрон ҳолатда картага жойлаштирилган қийматлар ҳам пул ҳисобланади.

Тарихий жараёнларда турли шаклларда ўзини намоён этганлиги боис пулга қатъий таъриф бериш мушкул. Шунинг учун пулнинг барча замон ва мақонлар учун бир хилдаги бўладиган тарифи мавжуд эмас. Чунки пул турғун эмас, балки ҳаракатчан хусусиятга эга. Юз йил олдин пул деб қабул қилинмаган объектлар ҳозирги пайтга келиб, алмашиб воситасига айланган ва улардан пул сифатида фойдаланилмоқда. Технологик ривожланишга мос равишда келгусида йилларда турли фарқли тушунчалар (биткоин ва бош-

¹ Википедия

² Википедия

қа криптовалюталар) ҳам пулнинг қамров доирасига қўшилиши тахмин қилинмоқда¹.

Пул тўғрисидаги оид бўлган барча таърифларда биринчи кўзга ташланадиган хусусият унинг ўзаро алмашув воситаси бўлишидир. Пулни моддий алмашиш воситаси сифатида қабул қилгандар бухгалтерия тизими доирасида қайд қилинган қийматларни эмас, балки моддий шаклда мавжуд пулни назарда тутишади. Унга кўра, банклар орқали ҳисобга олинган пуллар пул эмас.

2. ПУЛНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бир объект пул деб қабул қилиниши учун у ҳамма томонидан қабул қилинган, чидамли, майдаланадиган, бир хиллик, стандарт ва тақлид қилиб бўлмайдиган хусусиятларга эга бўлиши лозим².

Олиб юриш мумкинлиги хусусияти пулни олиб юриш ва уни бошқа тўлов нуқталарига ўтказиш жиҳатдан афзалликларини таъминлайди. Чидамлилик хусусияти пул сифатида кўлланиладиган нарса чидамли бўлиши зарурлигидан келиб чиқади. Чунки чидамсиз моддалардан ясалган ва тўлов воситаси сифатида фойдаланиладиган нарса кўп марта ишлатилганида ейилиб, яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Майдалаш мумкинлиги хусусияти эса пул ҳар қандай савдо амалиётини бажариши мумкинлигидан келиб чиқади. Бир хиллик пул сифатида ишлатиладиган восита бир хил бўлиши кераклигини англатади. Пул-

¹ Пул хусусиятларига эга бўлмаганлиги сабабли, биткоин шу ҳолатида пул ҳисобланмайди ва уни ишлатиш жоиз эмас.

² www.ekonomihukuk.com/para-banka

нинг тақлид қилиб бўлмаслиги сифатида пул сифатида ишлатилган тўлов воситаси уни ҳамма томонидан таниши мумкинлиги хусусиятидир. Акс ҳолда, пулни сохталаштириш ҳолатлари юзага келиши мумкин¹.

3. ПУЛНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Тўлов воситаси ҳисобланган пул айни пайтда алмашув воситаси, қийматни аниқлаш воситаси ва жамғариш воситаси каби функцияларга ҳам эга бўлиши лозим. Пулнинг алмашув воситаси функцияси маҳсулот ва хизматларни ишончли шаклда алмаштириш учун зарур. Пулнинг қиймат аниқлаш воситаси функцияси маҳсулот ва хизматларни баҳолашда ўлчов пул воситаси орқали бўлишини ифодалайди. Пул бу ўринда тўлов воситаси вазифасини бажарувчи, маҳсулотларнинг баҳоси (нархи) белгиланишида қўлланиладиган қийматдир².

Пулга ўлчов бирлиги вазифасининг берилиши савдо-сотикда унинг бошқарилиши (иқтисод қилиш) га сабаб бўлади. Одамларнинг маҳсулот эвазига бошқа бир маҳсулот бериш ўрнига пулга алмашиши ва бу уни дарҳол ишлатмасдан ўзида ушлаб туриши пулнинг жамғариш воситаси функциясини ифодалайди. Пулнинг бу шаклда ушлаб турилиши унда сотиб олиш кучи тўпланиши демакдир³. Лекин пул қиймат сақлаб туриш функциясини сақлаб қолиши учун у ўз қадрини йўқотмаслиги керак.

¹ Ўрхон. Ў. З, Эрдоған. С. Пул сиёсати, Овчи оғсёт, Истанбул, 1922.

² Аҳмед Эртуғрул. Пул назарияси. Анқара. 1994.

³ Мериҳ Пая. Пул назарияси ва пул сиёсати. Филиз нашриёти. Истанбул, 2002.

4. ПУЛ ТУРЛАРИ

Алмашув воситаси сифатида ишлатиш билан бир қаторда, мол (маҳсулот) сифатида ҳам қийматга эга нарса “мол-пул” деб аталади. Пул вазифасини бажарышни ўз зиммасига олган айрим нарсалар ҳам баъзи ўринларда пул сифатида ишлатилиши мумкин. Бунинг энг машхур мисоли олтиндер. Зеро, олтин турли моддалардан ясалган тангалар ишлатилган даврда ҳам алмашув воситасида ишлатилган.

Олтин ва кумуш тангалар пулнинг барча функциеларини бажарган ва алманишдаги ноқулайликларни бартараф қилган илк воситадир¹.

Қимматбаҳо қофозлар: Қийматли тангаларга айлантириш мумкин бўлган воситалар сирасига қимматбаҳо қофозлар ҳам киради. Дастроб фақат олтинга алманириш мумкин бўлган қимматбаҳо қофозлар кейинчалик ўз ўрнини қофоз пулларга бўшатиб берган.

Қимматбаҳо қофозлар олти гуруҳга бўлинади:

1) **Олтин ва кумуш сертификатлар:** Олтин ва кумуш пул сифатида ишлатилган даврларда олиб юриш ва ушлаб туриш (жамғариш) билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида бу пуллар банк эгаларига берилиб, эвазига сертификат олинган. Бу хужжатлар тўлақонли пулни ўрнини босиши дастробки қимматбаҳо қофознинг вужудга келишига сабаб бўлган. Сертификатларнинг энг асосий хусусияти бу хужжатни берган муассаса уни юз фоиз қайтариши аниқлигидир.

¹ Аҳмад Жомий. Ан назариятул иқтисодийя. Коҳира, 1976.

2) Банкнот: Олтин ва кумуш сертификатларни берган банклар ўзларига омонат қилинган олтин ва кумушнинг катта қисми қайтариб олинмаётганини кўргач, улардан қарз сўраётганларга пул ўрнига сертификат бера бошлашди. Шу тарзда исталган пайтда олтин ёки кумушга айлантирилиши кафолатланган бўлган сертификатлар пайдо бўлди. Бу сертификатлар “банк. ноти (белгиси)” маъносини англатувчи “банкнот” деб атала бошланди. Дастребки даврларда ҳар бир банк ўзи банкнот чиқара оларди. Лекин кейин вужудга келган турли муаммоларнинг олдини олиш учун банкнот чиқариш ваколати фақат марказий банкларга берилади.

3) Қофоз пул: Ҳозирги пайтда пул дейилганда, албатта, хаёлга биринчи бўлиб қофоз пул келади. Чунки бу пул тури босилган давлат томонидан қабул қилинган, мамлакат ичида ишлатилиши мажбурий бўлган тўлов воситасидир. Марказий банклар банкнотларни олtinga айлантириш ўрнига, уни қофоз пул билан алмаштириш тизимини яратди. Эндиликда ҳар бир давлатнинг пулинни ўша давлатнинг марказий банки босиб, муомалага чиқармоқда.

4) Танга пуллар: Майда тўловларни амалга ошириш ва ҳақларни ундиришда қулайлик яратиш мақсадида маълум микдордаги қофоз пул ўрнига, унинг эквивалентида танга пуллар чиқарилган. Танга пулнинг қиймати устида ёзган қийматга тенгdir.

5) Депозитлар: Тўлов амалиётларида ишлатилган банк омонати бўлиб, ҳисоб рақамдан ҳисоб рақамга пул ўтказиш тарзидаги тўлов шаклида фойдаланилади. Кишилар пулларини муддатсиз депозит ҳисоб

рақамларига ўтказиб, тўловларни чек, кредит карталари орқали амалга оширишади. Депозит ҳисобидан фойдаланиш нақд пулни олиб юриш ва уни нақд тарзда тўлашдан кўра афзалроқдир.

6) **Пул ўрнига қабул қилинадиганлар:** Банк хизматлари такомиллашуви натижасида банкдаги ҳисоб рақамда пул бўлмаса ҳам савдо қилиш мумкин бўлмоқда. Масалан, банклар томонидан берилган кредит карталари шундай тўлов воситаларидан биридир¹.

5. ПУЛНИНГ ТАРИХИ

Инсон дунёда яшаши, турмуш кечириши учун бошқа бир инсоннинг ёрдами, кўмагига эҳтиёж сезади. Новвой дурадгорга, дурадгор қассобга, қассоб устага муҳтождир.

Одамлар эҳтиёжларини қондирадиган маҳсулот ёки иш кучини сотиб олиш учун бутун тарих давомида турли йўл ва воситалардан фойдаланишган. Иқтисодиёт тарихчилари дастлабки даврларда одамларнинг ўзаро маҳсулот айирбошлишгани, анча замон ўтгач, эса пул кашф қилингани ҳақида ёзишади².

Пулнинг тарихий айланиш жараёнида одамлар доимий равишда изланишда бўлишган. Улар маҳсулотлари қийматини аниқлаш учун пул ўрнини босувчи маълум моллардан фойдаланишган. Қиймат ўлчови ҳисобланган бу моллар уларни сақлаш имконияти бўлмагани учун турли муаммоларни келтириб чиқарган. Турли вақтларда қаҳва, тирик ҳайвон, дон

¹ www.muhasebedersleri.com/ekonomi/para

² ДИА, Пул. Вилдан Серин. Пул сиёсати. – Мармара университети, Истанбул, 1982.

маҳсулотлари, мидия, молюска қобиги ва гуруч каби нарсалар ҳам пул ўрнида ишлатиб келинган¹.

Бу маҳсулотларнинг барчаси бир хил сифатда бўлмаслиги, жўнатиб бўлмаслиги ва сақлаб бўлмаслиги каби салбий хусусиятлари туфайли танга пуллар муомалага кирган. Дастрраб бронза, кейин темир ва мисдан ясалган танга пуллар ишлатилган. Қиймати баландлиги ва ишлатишга қулайлиги туфайли кўпроқ олтин ва кумуш пулларни маъкул топишган. Аввалла-ри тарозида тортиб ишлатиладиган бу моддалар алдана-ниб қолиш хатари мавжудлиги сабабли танга шаклида босила бошлаган².

Тарихдаги илк танга пул милоддан аввалги VII асрда Анатолияда лидияликлар томонидан босилганлиги тахмин қилинади. Тарихдаги биринчи танга пул ҳисобланган Лидия пули зарб усули билан босилган³.

Илк қофоз пул чек-акт сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик бу чеклар қофоз пулларга айланган. Манбаларга кўра, милоддан кейинги VI асрда Хитойда босилган бу пуллар 1279-йилга қадар ўз кучини йўқотмаган⁴.

Исломнинг илк даврларида муомалада алманиш воситаси сифатида танга пуллар мавжуд эди. Араб ярим оролида савдо бирлиги сифатида Куръони қаримда ҳам номи зикр қилинган динор ва дирҳам

¹ Р.Гоннард. Мухтасар пул иқтисоди. Университет нашриёти. Истанбул, 1939.

² Аҳмад Ҳасан. Ал Аврокун Нақдийя фил Иқтисадул Ислами қийматуҳа ва ҳакамуҳа. – Дамашқ, 2002. 107 – 114-бетлар.

³ www.darphane.gov.tr

⁴ www.para.durumu.com

ишлиатилар эди¹. “Аҳли китоблар орасида шундайи (ҳам) борки, унга катта миқдордаги пулни омонат берсанг, сенга (хиёнатсиз яна) қайтаради. Лекин, шундайи (ҳам) борки, унга бир динор (пул)ни омонат берсанг, то устида қаттиқ туриб олмагунингача, сенга қайтариб бермайди. Бунинг сабаби: “Омийлар (араб мусулмонлар)га бизга (даражамизга етишга)ча йўл бўлсин”, – дейишлариридир. Улар била туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон гапирадилар”.

“Уни (Мисрда) арzon-саноқли дирҳамларга сотдилар ва (бу ишда гўё) тарки дунёчилардан бўлдилар” .

Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ва ҳазрати Абу Бакр (р.а.) даврларида пул борасида деярли ўзгариш қилинмаган. Устидаги файри исломий ишоратлар ўчириб ташланиб, кичик ўзгаришлар қилинган бу пул бирлиги Абдулмалик бин Марвон томонидан пул бо силгунга қадар амал қилган².

Исломиятдан олдинги даврда ишлиатилган динор ва дирҳам Абдулмалик замонигача қиймат ўлчови, алмаштириш, сақлаш ва тўловни амалга ошириш, қарзни тўлаш каби тўрт функцияни бажарган³.

Пулнинг дастлаб маҳсулот айирбошлаш, сўнг қофоз пул ва охири банк пули шаклида давом этган пулнинг ўзгариш жараёни Араб ярим оролида ҳам худди бошқа мамлакатларда бўлгани каби шаклланган⁴.

¹ Оли Имрон сураси, 75-оят, Юсуф сураси, 20-оят.

² Эрол Зайтунўғли. Ислом ва бошқа тизимларда фоиз. ИСАВ. Истанбул. 93-96

³ Башир Гўзибенли. Пул тушунчасига Исломий ёндошув.

⁴ Микоил Алтан. Фоизсиз банкчиликнинг асослари. Ислом ҳуқуқи тадқиқотлари журнали, 2010 йил, 16-сон

Дастлабки усмонийлар пули 1326 йилда Ўрхонбей номи ёзилган ақчадир. Ҳақиқий маънодаги илк пул эса Бурса ва Эдирнада босилган. Дунёниг энг катта зарбонаси Фотиҳ Султон Мұхаммад томонидан Истанбулнинг Симкашхона ҳудудида курилган¹. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, “куруш” деб аталадиган йирик кумуш тангалар ҳам Усмонийлар давлатида муомалага кирган. Европа банклари Усмонийлар давлатида филиаллар очиб, фаолият бошлагунларига қадар Фалота банкирлари Европадаги сармоя эгаларидан олган паст фоизли ва узоқ муддатли кредитларини давлатга қисқа муддатли ва юксак фоизли кредитлар шаклида бериб, катта даромадлар күлга киритиши. Усмонийлар Империясининг Фалота банкирлари билан бошлаган кредит қарздорлиги жараёни Европа давлатлари усмонийларнинг кўп мулкларини олиб қўйиши билан якун топган.

1840 йилда босилган биринчи қофоз пул “қоима” 1927 йил 5 декабрда Туркия Республикаси қофоз пули муомалага киритилиши билан ўз кучини йўқотган².

Бугун муомаладаги пул дейилганда хаёлимизга, албатта, дастлаб қофоз пул келади. Қофоз пул асрлар давомида ўзаро алмашиниш воситаси бўлиб келган динор ва дирҳам ўрнини эгаллаб, уларнинг жойига маҳкам ўрнашиб олган.

Қофоз пул ижод қилингунига қадар (аввал ҳам айтиб ўтилганидек) олиб юришдаги хатар боис турили тангалар банкирларга омонат қилиниб, ўрнига

¹ www.darphane.gov.tr/content...

² Аҳмед Ақғундуз. Усмонийлар тарих ва ҳуқуқ истилоҳлари қомуси. Истанбул. 2018 ДИА.

исм-шарифи ёзилган сертификатлар берилган. Олтин ва кумуш пул сифатида ишлатилган даврларда эса олиб юриш ва ушлаб туриш (жамғариш) қийинчилигини бартараф қилиш учун бу пуллар банк әгаларига берилиб, эвазига сертификат олинган. Бу ҳужжатларнинг тўлақонли равишда пул ўрнини босиши дастлабки қимматбаҳо қофознинг вужудга келишига сабаб бўлган. Сертификатларнинг энг асосий хусусияти бу ҳужжатни берган муассаса уни юз фоиз қайтариши имкони мавжудлигидир. Олтин ва кумуш сертификатларни берган банклар ўзларига омонат қилинган олтин ва кумушнинг катта қисми қайтариб олинмаётганини кўргач, уларга пул ўрнига сертификат бера бошлашди. Шу тарзда исталган пайтда олтин ёки кумушга айлантириш кафолати бўлган сертификатлар пайдо бўлди. Бу сертификатлар “банк ноти (белгиси)” маъносини англатувчи “банкнот” деб атала бошланди. Дастлабки даврларда ҳар бир банк ўзи банкнот чиқара оларди. Лекин кейинчалик вужудга келган турли муаммоларнинг олдини олиш учун банкнот чиқариш ваколати фақат марказий банкларга берилди. Қофоз пул қайтариб бўлмайдиган, давлат томонидан босишига рухсат берилган, мамлакат ичїда ишлатилиши мажбурий бўлган тўлов воситасидир. Марказий банклар банкнотларни олtinga айлантириш ўрнига уни қофоз пул билан алмаштириш тизимини яратди. Эндиликда ҳар бир давлатнинг пулини ўша давлатнинг марказий банки босиб, муомалага чиқармоқда¹.

¹ Аҳмад Ҳасан. Ал Авроқун Нақдийя фил Иқтисадул Ислами қийматуҳа ва ҳакамуҳа. Дамашқ, 2002.

Ҳозирги шаклдаги қофоз пул дастлаб XX асрда ишлатилған. Бириңчи жағон уруши даврида олтін заһиралари әхтиёжларни қондира олмай қолганида пулға бўлган талабни қондириш учун муомалага банкнот чиқаришга тўғри келган. Халқ қўлидаги банкнотларни олтін тангаларга алмаштириш учун банкларга мурожаат қилгач, талабни қондира олмаган муассасалар қофоз пулларни олтинга айлантириш мумкинлигини вақтингчалик хусусиятини бекор қилиб, ўрнига қофоз пул тизимини йўлга қўйиши. Урушдан сўнг олтін пул тизимига яна қайтилди.

Фақат 1929 йилдаги катта инқироздан сўнг доимий равишда қофоз пул тизимидан фойдаланилди. 1968 йилда юзага келган доллар инқирози туфайли долларни олтинга айлантириш расмийлаштирилди. 1971 йилга келиб эса АҚШнинг Вьетнам билан уруши туфайли харажатларни қоплаш муаммога айланди. Шу боис қофоз пулнинг олтин билан алоқаси бутунлай тутатилди.¹ Шундан сўнг ўрнига олтін олиш мумкин бўлмаган пул босиш бошланди. Аввалги даврда бир доллар ўрнига АҚШ марказий банкига унинг қийматига мос олтин қўйилар эди. Бу усулда пул чиқариш, яъни пулнинг олтин билан алмаштириб бўлмаслиги унинг оддий қофоз парчасига айланниб қолиши демак эди.

Ҳозирги пайтда ҳам халқаро тўлов жараёнларидан, баъзи ҳолатлардан ташқари, қофоз пулнинг олтин билан алоқаси қолмаган. Жуда кўп хатарлар мавжуд бу вазият пул босишга ўз таъсирини кўрсатган. Банк

¹ Аҳмад Ҳасан. Ал Аврокун Накдийя фил Иқтисадул Ислами қийматуҳа ва ҳакамуҳа. Дамашқ, 2002.

тизимининг ўсишига мос равишда банк пули – турли депозитлар тобора кенг тарқалиб бормоқда. Қофоз пулдан сўнг электрон пул ҳам тизимли равишда ривожланмоқда.

Пулнинг асосий функцияларини бажарадиган ҳар қандай нарсани пул деб қабул қилиш мумкин. Бу ўринда асосий эътибор қилинадиган жиҳат пулнинг қандай моддадан қилингани, шакли ёки номининг нима эканлиги эмас, балки унинг қандай вазифа бажарганидир.

Авваллари шаръий пул воситаси сифатида олтин ва кумуш қабул қилинган. Шу боис улар амалда бўлган замонларда ҳозирги шаклдаги қофоз пул бўлмагани учун ўтган асртагача аксарият фақиҳлар қофоз пулни пул сифатида қабул қилишмаган ва у орқали закот тўлашни жоиз билишмаган¹.

Аксарият ҳинд олимлари ҳам шундай фикр билдиришган ва қофоз пулга закот шарт эмаслиги, у билан закот тўлаб бўлмаслиги, у билан олтин ва кумуш сотиб олиш жоиз эмаслиги хусусида фатво беришган².

Ҳозирги замон фақиҳлари билан аввалги асрларда яшаб ўтган олимлар орасида сўз борасида ихтилоф бор. Шу боис олтин ва кумушдан ясалган пул ўрнида ишлатилаётган ҳозирги пайтдаги пул у даврда қўлланилмагани, шунинг учун қофоз пул тўғрисида фикр билдирган ўша давр олимлари ҳам нотўғри фатво беришмаган. Ҳозирги пайтда пул дейилганда кўз олдимизга, биринчи навбатда, қофоз пуллар келгани

¹ Юсуф Қарзовий. Фикхуз закот. Мактабаи Ваҳба. Қоҳира, 2003.

² Тақий ал Усмоний. Буҳус фи Қадая фиқҳийя Муосира. Дирҳорул қадам. Дамашқ, 2011.

ва давлатлар қоғоз пулни ўз ҳимоясига олгани, бу пул ҳар қандай маҳсулот ёки хизматни алмаштириш воситаси сифатида қабул қилингани учун ҳозирги давр олимларининг фикрларига ҳам эътиroz билдириб бўлмайди. Эски ва янги давр олимлари ўртасидаги ихтилоф ва зиддият далил ва исботга эмас, балки замонга боғлиқдир. Урф-одатга асосланган бу хукм улар ўзгариши билан ўзгарган¹.

6. ПУЛНИНГ СИФАТИ

Замонамиз иқтисодчилари ҳам пулнинг савдо-сотиқ учун восита ва маҳсулот қийматини белгилашда ўлчов эканлиги борасида ўзаро ҳамфирдир. Муҳаммад Фаззолийнинг пулнинг сифати тӯғрисидаги фикрлари ўша даврда бу борада айтилган фикрлар орасида энг яхшиларидан биридир, дейиш мумкин.

Жумладан, у шундай деган: “Аллоҳ Таолонинг динор ва дирҳамни яратиши биз учун бир лутфдир. Чунки одамларнинг ҳаёт кечириши улар туфайли қулайлашади. Аслида бир металл бўлган бу икки жисмнинг ўзида ҳеч қандай фойда йўқ (яъни олтин ва кумушни еб-ичиб бўлмайди). Лекин одамга ейиш-ичиш, кийим-кечак ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжларини қондириши учун пул зарурдир. Одам баъзан муҳтоҷ бўлган нарсаларига эришолмагани каби баъзида ўзига керак бўлмаган нарсаларга эга бўлади. Бундай нарсаларни ўзгага бериб, эҳтиёж сезган нарсани олиш эса ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Бу шаклдаги

¹ Ал Қорадогий Али, “Бухус фил Иқтисадил Ислами, Дорул Башаирил Исламий”, Байрут, 2010. 50-54

ҳолатнинг ечими савдо билан тижорат муаммолари-га тақалиб қолади. Шу боис Аллоҳ Таоло нарсаларнинг қийматини аниқлаш ва тижоратни осонлаштириш учун динор ва дирҳамни яратган. Товар (маҳсулот)лар ўртасидаги адолат шу тарзда таъминланади. Аммо булар асосий мақсад эмас. Чунки агар динор ва дирҳам фоя бўлганида эди, кимдир пулни танлар, бошқа бир киши эса пулни истамаган бўларди. Шу тариқа ишлар чигаллашиб кетиши мумкин эди. Бундан кўриниб турибдики, Аллоҳ Таоло пул (динор ва дирҳам)ни одамларнинг қўлида айланиб юриши ва товарлар орасида ҳакам бўлиши учун яратган.

Динор ва дирҳам яратилишидаги яна бир ҳикмат улар воситасида бошқа нарсаларни қўлга киритишдир. Чунки динор ва дирҳам қийматли бўлса-да, лекин улар мақсад ҳисобланмайди. Кимки пулга эга бўлса, демак, у бошқа нарсаларга ҳам эга бўлади. Аммо бу бир матога эга бўлиш сингари эмас. Чунки матога эга киши фақат матонинг ўзига эга бўлади.

Масалан, мато эгаси бирор ошхонада овқатланмоқчи бўлса, олган овқати ўрнига мато бера олмайди. Негаки ошхона эгасининг матога эмас, бошқа нарсага, масалан, уловга эҳтиёжи бўлиши мумкин. У кўринишда ҳеч нарса эмасдек туюлган, фақат маъно жиҳатидан ҳар ишга қодир нарсага, яъни пулга эҳтиёж ҳис қиласи.

Бир нарсанинг бошқа нарсаларга нисбати тенг бўлиши мумкин. Чунки у нарсанинг маълум бир қолипи мавжуд эмас. Ўзи рангсиз, лекин унга рангли нарсалар кўрсатилганида ўша нарсаларнинг рангларини ўзида акс эттирган ойна каби... Пул ҳам айнан шунга

ўхшайди. Унинг ўзи мақсад эмас, лекин мақсадга элтuvчи воситадир.

Кимки пулдан унинг яратилиш тоясига зид равишда фойдаланса, у Аллоҳ Таолога нонкўрлик қилган бўлади. Яъни ким пулни хазина каби тупроққа кўмса, пулнинг яратилиш ҳикматларини бузган ва унга зулм қилган саналади. Бу киши худди мусулмонлар қозисини қамоққа ташлаб, унинг ҳукм чиқаришига тўсқинлик қилган гуноҳкор кабидир. Пул воситасида фоиз олиш билан шугулланган киши ҳам Аллоҳ Таолога нонкўрлик қилган ҳисобланади. Чунки пулдан унинг яратилиш ҳикматларига зид равишда фойдаланиш одамларга зулм қилиш экани олдин ҳам айтиб ўтилди. Кўлидаги пулидан фойдаланиб, пул олиб, пул сотган кишининг мақсади пулдир. Бу пулни тупроққа кўмиб қўйиш билан тенглаштирилади. Бу эса хат ташувчини қамаб қўйиб, унинг ишига қаршилик кўрсатиш ёки унга зулм қилиш демакдир. Худди шундай пулни қамаб қўйиш ҳам зулмдир¹.

Имом Фаззолийдан кейинги иқтисодчилар ҳам пул қийматни аниқловчи ўлчов ва савдо-сотиқ учун восита эканини айтишган. Лекин уларнинг ҳеч бири бу мавзуни мантиқий жиҳатдан Фаззолий каби таҳлил қилишмаган. Ҳозирги замон иқтисодчилари пулни товар айирбошлаш воситаси сифатида эътироф этган ҳолда, унга бир тижорат маҳсулоти ва товар деб қарашмоқда.

¹ Фаззолий. Ихёу улумиддин. Байрут, 1997.

7. ПУЛ ВА ТОВАР (МАҲСУЛОТ) ЎРТАСИДАГИ ФАРҚЛАР

Қўлга киритилиши ва оддий тарзда ундан фойдаланиш мумкин бўлган ҳамма нарса¹ ёки одам табиатан эҳтиёж сезади ва бу эҳтиёжни қондириш учун ўзида сақлаш мумкин бўлган нарсалар товар деб аталади². Бунга кўра, товарда қуйидаги икки хусусият бўлиши керак:

- 1) Қўлга киритиб сақлаш мумкинлиги.
- 2) Ундан фойдаланиш мумкинлиги ва бунинг жоиз бўлиши.

Бундан одамлар қўлга киритиб фойдаланаётган уй, ҳовли ва машиналар, жисман қўлда бўлмаган, лекин эга бўлиш имкони бўлган сувдаги балиқ, ҳаводаги қуш, чўлдаги ҳайвон, ҳали кондан қазилмаган металл каби нарсалар ҳам товар ҳисобланиши ойдинлашади. Фойдаланилаётган, аммо қўлда ушлаш мумкин бўлмаган қуёш ва ой нури; жисман қўлда бўлса ҳам фойдаланиб бўлмайдиган бир томчи сув ёки битта гуруч донаси ёхуд ўлган ҳайвоннинг гўшти ва ёғи, ҳукм қилувчи (Аллоҳ Таоло) томонидан тақиқланган нарсалар эса товар ҳисобланмайди³.

Одамлар айнан фойдаланиш мақсадида олиб согган товарлар билан тўғридан-тўғри фойдаланилмаган, фақат алмashiш воситаси сифатида ишлатилган пул ўртасидаги фарқларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

¹ Абдулкарим Зайдон. Ал Мадҳал ли Дираети ш Шариатул Исломия. Байрут, 1999.

² Ибн Обидин. Раддул Мухтор алад Дуррил Мухтор.

³ Зайдон. Ал Мадҳал ли Дирасатиш Шариатул Исломийя. Муассасатур Рисола. Байрут. 1999. 184-бет.

1) Пулнинг инсонга тўғридан-тўғри фойдаси йўқ. Чунки пул бирон-бир инсоний эҳтиёжни қондириш учун нон ва сув каби бевосита ишлатилмайди. Пул баъзи нарсалар ва хизматларни сотиб олиш учун билвосита ишлатилади. Шу боис бу хусусда Ҳасан Басрий ҳазратлари шундай деган эди: “Динор ва дирҳам жуда ёмон дўст. Сендан кетмагунча, сенга фойдаси бўлмайди”¹.

Пул товар эмаслиги, ундан бевосита фойдаланиб бўлмаслигига ишора қиласан Ҳасан Басрий пул фақат бирор нарса сотиб олиш учун сарф қилинганида инсонга фойда келтириши мумкинлигини таъкидла-моқда. Товар эса ҳақиқий маънода инсонга фойда бера олади. Зеро, одам бирон бир товарни қайси мақсадда сотиб олган бўлса, ўша мақсад доирасида ундан бевосита ва билвосита фойдаланади.

Фойдаланиш мақсади жиҳатидан пул билан тижорий ашёлар орасидаги энг катта фарқ шуки, пулдан бирор эҳтиёжни қондириш учун эмас, балки эҳтиёжни қондирадиган товар ва хизматларни қўлга киритиш учун фойдаланилади.

2) Товарлар турли шакл, ўлчам ва хусусиятларига кўра ишлаб чиқарилади.

Пул, қандай бўлишидан қатъий назар, бирор товарнинг қийматини ўлчаш учун қабул қилинган алмашиб воситасидир. Шу сабабли бир хил миқдорни кўрсатган барча банкнотлар юз фоиз тенг ҳисобланади. Эскириб кетган ва янги босилган 100 лиралик пулнинг қиймати бир хил бўлади.

¹ Аз Заҳабий. Сияру Аъламун Нубало. Байрут, 1998.

3) Савдо-сотиқ аниқ бир товар устида амалга оширилади. Масалан, А киши қўли билан кўрсатиб, аниқ бир машинани сотиб олганида ва сотувчи сотганида оловучи ўзи қўли билан кўрсатган ўша машинанинг эгаси бўлади. Бу ўринда сотувчи шу машинадан бўлак бошқа машина бериши мумкин эмас ва оловчини бунга мажбурлай олмайди. Со-тuvchi қайсаrlик билан таклиф қилаётган машина оловучи танлаган машина билан ҳар томонлама бир хил бўлса ҳам бу вазият ўзгармайди. Бу ҳолатни пул билан солиштирамиз: А киши ўнг чўнтағидан чиқариб кўрсатган 100 доллар эвазига бир кийим сотиб олмоқчи бўлса, айнан ўша кўрсатган пулини беришга мажбур эмас. У чап чўнтағидан бошқа 100 доллар бериб ҳам ўзи истаган кийимни сотиб олиши мумкин. Ҳатто 100 доллар бир неча купю-ралардан иборат бўлиши ҳам ҳеч нарсани ўзгарти-майди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, аклан ва мантиқан пул товар бўла олмайди. Чунки товарлар иқтисодий жиҳатдан иккига ажратилади:

А. Истеъмол товарлари.

Б. Ишлаб чиқариш товарлари¹.

Пул бу икки грухга ҳам кирмайди. Чунки пулдан ҳақиқий ва табиий йўллар орқали фойдаланиш мум-

¹ Бирор товар тўғридан-тўғри одам эҳтиёжини қондириш учун фойдаланилса, истеъмол товари, ундан ишлаб чиқариш учун фойдаланилса, ишлаб чиқариш товари ҳисобланади. Масалан, уй, машина, мебель ва бошқалар истеъмол товарлари, фабрикага сотиб олинадиган ускуна ишлаб чиқариш товари бўлади.

кин бўлмагани каби ундан бевосита йўллар билан ҳам фойдаланиш мумкин эмас.

Пулнинг бир ўзи одамлар эҳтиёжларини бевосита қондира олмайди. Шунингдек, пул ўзи бирор нарса ишлаб чиқара олмагани учун у ишлаб чиқарувчи товар ҳам бўла олмайди. “Пул ишлаб чиқарувчи товар” дейдиганлар эса буни исботлайдиган далилларни тақдим қилишмайди. Ҳозирги кундаги иқтисодиёт мутахассисларидан Людвиг фон Мизес “Пул ишлаб чиқарувчи товар” деб иддао қилувчиларнинг далиллари тўғрисида мунозара қилганидан сўнг шундай дейди: “Иқтисодчиларнинг аксарияти пулни ишлаб чиқарувчи товар деб қабул қилганлиги тўғри. Шунинг баробарида уларнинг бу фикрларини исбот қилишга уриниб келтирган далилларидан бирортаси асосли ва мантиқли эмас. Шуни айтиш керакки, бирон бир фикрнинг исбот қилиниши ўша фикрни қўллаб-қувватлаган ва тасдиқлаган кишиларнинг кўплигига эмас, аксинча, бу фикрнинг ақули ва мантиқли изоҳларига асосланади. Бу соҳанинг барча мутахассисларига хурматимни билдирган ҳолда, улар айтаётган фикрларини аниқ исботлай олмаётганлигини очиқ айтишим зарур”¹.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, пул товар эмас. У фақат алмashiш воситасидир. Пул тижоратда айланадиган товарлардан бири ҳисобланмайди. Шу сабабли бир хил пуллар алмаштирилганида улардан фойда олиш қатъяян ҳаромдир. Пулга

¹ Людвиг фон Мизес. The theory of money and Credit. Liberty Classics Indianapolis, 1980.

тижорат молларини алмаштирган ҳолда фойда кўриш жоиз ҳисобланади.

Аксарият иқтисодчилар пул алмашиш (мубодала) воситаси эканини эътироф этишса-да, улар бундан англашиладиган ақлий ва мантиқий хulosани тушуниб этишмаган. Шунинг оқибатида улар “Пул янада кўпроқ пул топиш воситаси сифатидир” деб келишади.

Пул алмашиш воситаси эканлигини ҳар томонлама чукур ўрганиб, асослаб берган илк олим Имом Фаззолийдир. У бу фикрнинг асосчиси бўлиш баробарида унинг мантиқий натижасини ҳам исботлаб берган.

Фаззолий таъкидлаганидек, пулдан пул ишлаб топиш ёки фоиз олиш учун пул бериш пулнинг яралиш ҳикматига зид ҳаракат қилиш демакдир. Пул мақсад эмас, балки бир воситадир. Пулни мақсад сифатида қабул қилган иқтисодий тизимда ишлаб чиқариш ривожланмайди, ишсизлик ортади. Чунки сармоя эгалари бирор ишлаб чиқаришга пул тикиб хатар (таваккал)га киришдан кўра фоиз олиш учун пул бериб, камроқ хатар билан даромад қилишни афзал билишади. Пул тижорати Имом Фаззолий айтганидек, пулни кўмиб қўйишдан ўзга нарса эмасдир¹.

Бу ҳолатда одамлар ундан фойдалана олишмайди. Фоиз олишнинг ҳаром қилиниши сабабларидан бири ҳам шудир. Чунки фоизли муносабатлар истеъмол

¹ Фаззолий. Ихёйи улумиддин. 843-бет.

кредитларида бўлса ҳам¹, тижорий кредитларда бўлса ҳам² пул тижорати сифатида баҳоланмоқда.

8. ПУЛ ТИЖОРАТИНИНГ ҲУКМИ

Ислом ҳукуқида пулнинг пул билан алмасиши муносабати “сарф шартномаси” дейилади. Сарф савдо-сотиқ турига киради.

9. СОХТА ПУЛ (ФИКТИВНЫЕ ДЕНЬГИ)

Банкка қоғоз пулларини топширган мижозлар омонатларининг фақат бир қисмини захирада тутиб, қолган қисмини кредит ва бошқа шаклларда тадбиркорларга бериши ва муомалага чиқаришига асосланган банк тизими пайдо бўлди. Бу тизим қуйидагича ишлайди: айтайлик, 10 долларнинг бор ва бу пулни банкка топширдингиз. Топширган омонатингиз муддатсиз ва фоизсиз бўлсин. Банк бу 10 долларнинг 10 фоизини, яъни бир долларини разнада сақлаб, қолган 9 долларини бошқа бир кишига кредит сифатида бериб юбориши мумкин. Банкнинг ҳисоб рақамида исталган пайт сиз олишингиз мумкин бўлган 10 доллар ва ундан фойдаланиш учун кредитга берилган 9 доллар ҳам бор. Шу тариқа у пул 19 долларга айланди. Яъни ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қалбаки 9 доллар пайдо бўлди. Пулнинг жисман мавжуд бўлишининг аҳамияти йўқ. Бу мавзуни кенгроқ изоҳлашга ҳаракат қиласиз: айтайлик, сиз банкдаги 10 дол-

¹ Одамларнинг қиммат истеъмол товарларини юксак фоиз эвазига сотиб олган кредитдир.

² Савдогарларга фоиз эвазига берилган кредит.

ларингизни қайтариб олмоқчи бўлдингиз. Банкнинг фазнасида эса 10 доллар йўқ. Банк эса дарҳол Марказий банқдан 10 доллар кредит олади-да, сизнинг пуллингизни қайтариб беради. Шу зайлда жисман мавжуд бўлмаган пуллар ҳам банкнотга айланиб қолади. Бундай ҳолатда пул банкнинг захира қисми деб аталадиган мантиққа кўра босилади. Аста-аста сохта пулнинг ҳажми ҳақиқий пул ҳажмидан бир неча баробарга қўпайиб кетиши мумкин. Бунга боғлиқ равишда XX аср охирларига бориб, малакали иқтисодчилар ҳам тушунмайдиган даражада чалкашлик ва таваккалчиликка асосланган молиявий муҳандисликнинг математика бўлими пайдо бўлди.

Бу чалкаш шартномалар барча чегаралардан ошиб ўтгач, сохта пулларнинг салмоғи ўта юқори даражага чиқди. Вазият шу даражага етдики, хаёлий пулларнинг миқдори дунёдаги давлатлар ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 12 баробарига тенглашди.

Масалага янада аниқлик киритамиз. Ҳозирги замон иқтисодиётида пулнинг муомалага кириши икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда марказий банк пул босиб, қарз сифатида фоизи билан бозорга – муомалага чиқаради. Банк бу пулни фоизи билан биргаликда чиқарганидан кўпроқ қилиб қайтариб олади. Шу тариқа банқдан кредит олгандар қарздорлик тизимиға кириб қолади. Иккинчи босқичда эса имконларидаги пулдан ортифи билан одамларга кредит бериб уларни қарздор қилиб қўяди. Бунга кўра, 100 долларга эга бўлган банк 1500 доллар қарз бериб 1400 доллар қалбаки пул яратган бўлади. Марказий банк муомалага 100000 доллар пул чиқар-

са, банклар уни 1000000 доллар қилиб тарқатади. Шу ўринда “банклар қолган пулни қаердан топмоқда?” деган ўринли савол пайдо бўлади. Банклар эндиликда молиявий воситачи муассаса сифатидаги вазифасини бажаришдан кўра, қалбаки пул билан шугулланадиган ва унинг устидан қарз берадиган муассасага айланаб улгурди¹.

Мавзуни қуйидаги рақамлар билан янада ойдинлаштириш мумкин. 2008 йилда деривативларнинг қиймати² 741.1 триллион доллар эди. Бу пайтда эса дунёдаги барча давлатларнинг ялпи ички маҳсулоти³ 60.6 триллион доллар эди⁴.

Яъни деревативларнинг қиймати дунёдаги барча давлатларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмидан бир неча баробар баланд эди.

741.100.000.000.000 рақамнинг катталигига эътибор қилинг. Бу миқдор 1996 йилда 64 триллион доллар бўлган. Ўша йили Ричард Томпсон бу ҳақда шундай деган эди: “Бу даҳшатли рақамни шундай тасаввур қиласангизыва унинг катталигини ҳис қила оласиз. Доллар банкнотларини устма-уст қўйсангиз, ердан қуёшгача 6 марта, ойга эса 25900 марта етиб боради”⁵.

¹ Ричард Вернернинг мақоласидан қисқартирилган.

² Дериватив – хусусиятларига кўра қиймати бошқа нарсага (валюта, облигация, индекслар, фоизлар, кредит лаёқати каби) асосланган молиявий воситалардир.

³ Бир мамлакатда маълум бир вақт ичида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг пул ўлчовидаги қийматини ифодалайди.

⁴ Дунё банки, дунёнинг ривожланиш кўрсатгичлари.

⁵ Тақий Усмоний. Асбабул Азмо. 43-44-бетлар.

Энди ўзингиз 1996 йилдаги миқдорнинг катталиги шунча бўлса, 2008 йилдаги қанча бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

Бу миқдор олдида қарзга таянган қофоз пул шаклида пайдо бўлган пулларнинг умуман қиймати қолмаган. Ҳозирги пайтда қофоз пул дунёдаги мавжуд пул қийматининг жуда оз қисмини ташкил этади. Булардан бошқа пуллар эса компьютерлардаги рақамлардан ўзга нарса эмас. Улар аслида мавжуд эмас. Шу боис улар хорижий давлатларда ҳеч қандай қийматта бўлмайди. Буларнинг барчаси ҳақиқий иқтисод билан алоқаси бўлмаган чалкаш шартномалардан иборат сохта жараёндан иборат. Бу ҳолат Имом Фаззолий тўққиз аср аввал пул тижорат учун қўлланмаслиги кераклигини таъкидлаган ҳолат билан бир хилдир.

Имом Фаззолий бу масала ечимини тушунтириб, тадбиркорларнинг пулни товар ва тижорат мулки каби ишлатишлари натижасида юзага келадиган қўрқинчли ва таҳликали оқибатлардан огоҳлантирган.

Немис иқтисодчиси профессор Ричард Вернер 2013 йил 31 декабрда Германиядаги 24 соатлик банк айланмаларини ўрганиб чиқиб, ўтказган тадқиқот натижасида сохта пул беҳад ёмон аҳволга етиб келганини аниқлаган. Ричард Вернер тизимдан 200000 евро кредит олади. Тизим эса унга 200000 евро кредит очади ва ҳужжатларни бухгалтерия тизимиға киритади. Аммо бу вақт ичида 200000 евро маблағ банк ҳисоб рақамиға киритилмайди. Бу эса банк бирон бир манбаси бўлмасдан туриб ҳам 200000 евро кредит бера

олиши, яъни шунча миқдорда сохта пул пайдо қила олишини кўрсатган¹.

ХУЛОСА

Сармояни ўзида ушлаб турган озчиликнинг кўпчиликни эзиш воситаси бўлган қалбаки пул тизими аслида ишлаб чиқаришни секинлатиб, ишсизликни орттириб, капиталистик тузумга ҳам таҳдид қиласди.

Имом Фаззолий ҳазратлари бир неча асрлар аввал нима учун Ислом динида фоиздан пул топиш тақиқлангани, инсоният саодатга эришиш учун қаерга ва қандай бориши кераклигини аниқ баён қилган. Шарқнинг буюк мутафаккири: “Бир динори бўлган шахс фоиз олиш воситасида (муддатидан қатъий назар) яна бир динор фойда кўриш имконини топса, ҳаёти унинг учун осонлашади. Бундан кейин бу шахс на ишлаб чиқариш, на тижорат ва на пул топишнинг бошқа ҳалол йўлларига яқинлашмайди. Пул эгалари фабрика қурмаса ва тижорат қилмаса, ўз-ўзидан аниқки, ишсизлар сони ортади, одамларнинг даромади пасаяди. Чунки ҳаммага маълум, одамлар ҳаёти қийинчилксиз давом этиши учун улар касбга ва тижоратга, ишлаб чиқариш ва қурилишга муҳтождир”, деган.

Барча замонларнинг муаммоларига кенг қамровли ечимлар тақдим қилган Қуръони Карим талабаси Имом Фаззолий замон ва макон ўзига омонат эканига ишонган бир мўмин кишига хос масъулият, жавобгарлик ҳисси билан худди ўша пайтда кўриб тур-

¹ Ричард Вернер.

гандек, ҳозирги иқтисодий тизимга қарши курашиш зарурлиги түғрисида одамларни огоҳлантириб, инсиятта йўл кўрсатган.

Ҳозирги замоннинг баъзи иқтисодчилари ҳам фоиз чамбарига тушиб қолган иқтисодий тизимларни худди Имом Фаззолий фикрларига монанд фикрлар билан танқид қилишмоқда. Бир гуруҳ иқтисодчилар 1930 йилдаги инқирознинг асосий сабабларидан бири пулни товар сифатида кўриш деб ҳисоблашган. Масалан, Хамптон¹ Тижорат палатаси ташкил қилган Иқтисодий инқирозни бошқариш қўмитаси муаммонинг сабабларини таҳлил қилиб: “Пулнинг тарқатиш ва алмаштириш воситаси каби асосий вазифаларини бажара олишини кафолатлаш учун пулнинг тижорат воситаси сифатида ишлатишга чек қўйиш керак” деган хуроса чиқарган².

Афсуски, сармоя эгаларининг кучи бу каби огоҳлантиришларни писанд қилмайди. Қалбаки пулнинг айланиш ҳажми катталашгани сари аҳоли даромадлари тенгизлиги катталашиб кенгайиб бора-веради. Пулнинг алмаштириш воситаси сифатидаги функциясига умуман эътибор бермаслик ва пулдан пул топиш жараёнининг кучайиб кетиши 2008 йилдаги инқирозларга йўл очган. Ўша пайтда капитализм, таъбир жоиз бўлса, ўлимдан қайтган эди. Далиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтдаги мавжуд иқтисодий тизимлар билан ишлашда давом этилса, бўлажак тахминий инқироз барча тизимларни ишдан

¹ АҚШнинг Виржиня штатидаги шаҳар.

² Иқтисодий инқирозни бошқариш қўмитаси ҳисоботи. Асуттемптон тижорат палатаси, 1993, 3-бўлим.

чиқариши ва у жуда катта фалокатларга йўл очиши мумкин.

Аҳоли даромадларидағи тенгсизликнинг ўта катталиги ва сармоя жуда озчиликнинг қўлида эканига асосий сабаб фоиздир. БМТ ҳисоботларига кўра, дунёдаги бойликнинг 45 фоизи дунё аҳолисининг 1 фоизига тегишлидир¹. Қалбаки пул эса мавжуд бойликнинг фоизидан қониқиши ҳосил қилмаган озчилик томонидан кашф қилинган тизимдир. Бундан халос бўлиш учун бошқа моддалардан фойдаланган ҳолда, турли шаклларда ясалган пул ўзининг ҳақиқий вазифасини бажариши ва қалбаки пул тизимига якун ясалиши керак.

¹ www.youtube.com/watch?v=T_xvG4zOOAfa

ФОИЗ НИМА УЧУН ҲАРОМ, ТИЖОРАТ НЕГА ҲАЛОЛ?

Ислом дини пулдан пул топишни тақиқлаш орқали сармоянинг камбағаллардан судхўрларга бир томонлама оқишининг олдини олган ва пул барча одамлар орасида айланишини таъминлаган.

Капитализм фоиз сифатида тўланган пулни озчиликнинг ихтиёрига топширади. Ислом эса закот воситасида унинг бир қисмини камбағалга қайтариб беради. Фоиз бойни янада бой, камбағални янада ҳолсизлантиради. Закот эса камбағал кишини оёқقا турғазади. Шу тариқа жамиятда ўзаро ёрдамлашув пайдо бўлади. Мувозанат таъминланади.

1. Дунёвий тузумлар фаровонликни ваъда беради, Ислом эса уни амалга оширади.

Фоизли олиш-беришга асосланган тизим бошда тузилган шартнома билан берилган пул ёки бирон нарсани замон омилига боғлиқ равишда ортиғи билан қайтаришни талаб қиласди. Ислом эса қарз бериш орқасидан келган жуда кичик манфаатни ҳам “фоиз” деб қабул қиласди. Зеро, Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай марҳамат қиласдилар: “Фойда келтирган ҳар бир қарз фоиздир”¹.

Аллоҳ тиҷоратни ҳалол, фоизни ҳаром қиласди². “Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам қаби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гапларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ

¹ Хайсамий. Бугятул Баҳис.

² Бақара сураси, 275-оят.

байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда, аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир” (*Бақара сураси*, 275-оят) мазмунидаги ояти каримада Исломга хос иқтисодий тизимнинг асосий қоидала-ридан бирини ифодаланган. Капитализмда тиҷорат ҳам, фоиз ҳам ҳалол. Социализмда ҳам тиҷорат, ҳам фоизни ҳаром қилган. Ислом дини тиҷоратни ҳалол дейиши билан социализмдан, фоизни тақиқлаши билан капитализмдан фарқ қиласди¹.

Капитализм иқтисодиётда фоизга рухсат бериб, бой одамни заиф кишини эзишига йўл очиб берди. Социализм эса одам иродасини ва унинг мулкка эга бўлиши туйғусини эътиборга олмасдан одам табиатига тескари foяларни илгари сурган. Ислом эса фоизни ҳаром қилиб одамни одамга қарам бўлишига тўсиқ яратди, тиҷорат қилишга ташвиқ этиб², одамларни мулкка эга бўлишга ва уларнинг яшashi учун тайёрланган ер юзини³ обод қилишга⁴ чақирди.

“Бас, қачонки, намоз адo қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингизлар! Аллоҳни кўп ёд этингизлар, шояд (шунда) нажот то-пурсизлар” (*Жумъа сураси*, 10-оят).

¹ Сезай Қарақоч. Ислом жамиятининг иқтисодий структураси. Тирилиш нашриёти. Истанбул, 2003. 47-бет.

² Жумъа сураси, 10-оят.

³ Мулк сураси, 15-оят.

⁴ Худ сураси, 61-оят.

“У (Аллоҳ) сизларга ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверинглар ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан енглар. Тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир” (*Мулк сураси, 15-оят*).

“Самуд (қабиласига) биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик). (У) айтди: “Эй, қавмим! Аллоҳга сифинингизлар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи қилиб сайлади. Бас, Ундан кечирим сўрангизлар, сўнгра Унга тавба этингизлар! Албатта, Раббим яқин ва (дуоларни) ижобат этувчиидир” (*Худ сураси, 61-оят*).

А) КАПИТАЛИЗМНИНГ ФОЯСИ ФАҚАТ БУ ДУНЁНИ ОБОД ҚИЛИШ, ИСЛОМНИНГ ФОЯСИ ЭСА ОХИРАТ СОЯСИДАГИ ДУНЁНИ ОБОД ҚИЛИШДИР

Капитализмning ҳам, социализмning ҳам бош фояси шу дунё. Улар ваъда қилган ҳаётда мукофот ҳам, жазо ҳам шу дунёда бўлади. Шу боис капитализмда ҳам, социализмда ҳам камера ёки полиция назорат қилмаган жойда бир новвойнинг тунда ҳожатхонадан чиқиб қўлинни ювмасдан хамир қоришининг олдини оладиган куч мавжуд эмас. Фақат мусулмонларни эмас, балки бутун инсониятни қамраб оладиган ва уни фароғатта етаклайдиган фояларни илгари сурган Исломий иқтисод низомининг асосида эса охират шуури мавжуд. Бунга кўра, қишлоқлик бир киши сутини сотаётганида, дўкондор ун сотаётганида, уста девор ураётганида Аллоҳ Таоло уни кўриб турганини ҳис этиб ҳаракат қиласди. Шу сабабли камералар

бўлмаган жойларда ҳам давлатнинг ва одамизоднинг ҳукуқини фақат Ислом дини ҳимоя қиласди. Чунки ваъда қилган жазо ёки мукофот фақат бу дунё учун-мас, балки охиратга ҳам тегишилидир.

Б) КАПИТАЛИЗМНИНГ ЎЛЧОВЛАРИ ҲУДУДИЙДИР, ИСЛОМ ИҚТИСОДИННИНГ АСОСЛАРИ ЭСА УМУМИНСОНИЙДИР

Либерализм, капитализм ёки социализм каби тизимлар муайян синфнинг талаби ёки бир тизим юзага келтирган аҳолининг даромад тенгсизлигидан кутилиш мақсадига мувофиқ пайдо бўлгани учун улар ваъда қилган иқтисодий тизим бутун инсоният учун амал қиласди, дейиш боланинг бўйига мослаб тикилган куйлакни катта бир одамга кийдиришга ўхшайди. Баъзи гурӯҳ ёки кишиларнинг талабига кўра қурилган тизимни бутун инсоният учун амал қилдириш маълум бир синфнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, қолган синфларнинг барчасига нисбатан адолатсизлик қилинишига олиб келади. Социализмда давлат номидан сармоя тортиб олинса, капитализмда сармоя эгалари халқнинг пулини бошқа йўллар билан тортиб олади. Зеро, капитализмдаги даромад тенгсизлигига қарши кураш натижасида юзага келган социализм технократлар ва ишчилар ўртасида мувозанат ўрната олмагач, “Капитализм адолатсизликда биздан анча юқоридадир”, – деган сўзлар билан ўзига тасалли бериб келди.

2008 йилда АҚШда бошланган ва жуда кўплаб давлатларга ёйилган иқтисодий инқироз ҳудудий, Ер юзидағи барча мамлакатларда ўн йиллар давом этади-

ган инқирозга айланди. Бу ҳодиса глобал инқироз деб аталади. Афсуски, АҚШдаги инқироз учун бутун дунё ОАВлари сафарбар қилинган бўлса-да, халқаро инқироз муаммосига ечим қидириш учун бир неча конференциядан бошқа ҳеч қандай тадбир ўтказилмади. Масалан, Африкадаги инқироз авлоддан авлодга ўтиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бир маҳаллар бундай инқирозларга панжা ортидан қараган дунё ҳамжамиятлари 2008 йилга келиб, тилга кирди. Чунки худди шу йилдан бошлаб, Африка мамлакатларига озиқовқат етказиб беришни ваъда қилган уларнинг капиталистлари бўлган катта мулк эгаларини ҳам инқироз таҳликага сола бошлаган эди. Бу инқироз бутун дунё иқтисодига салкам 45% зарар келтирди¹.

Катта мулк эгалари дунёни ўз қаричлари билан ўлчаганлари боис инқироз келтирадиган зарарни унчалик катта ҳисобламадилар. Шу сабабли энг юқори ташкилотлар бу инқирозга қарши чора қидирмадилар. Янги чоп этилган пуллар мулк эгаларининг ҳаммёнларини тўлдирди. Инфляция (пул кучининг пасайиши ва нархнинг ошиши)га сабаб бўлган бу ҳолат мулкдорларни қувонтирди, йиллар давомида эзилиб ва қийналиб келган миллиардлаб одамнинг ҳаёти эса яна эски тос, эски ҳаммомлигича қолди.

В) КАПИТАЛИЗМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИСТЕЙМОЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Иқтисодий асослар “ишлаб чиқариш ва чексиз давом этадиган истеъмолга боғлиқ” деган тушунчага таянади. Капитализм иқтисодиётига кўра, инқи-

¹ This description of events is summarized

роз туфайли истеъмол пасайса, харидорини йўқотган ишлаб чиқариш ҳам чўкади. Ишлаб чиқариш корхоналари инқирозга учрайди. Миллионлаб одамлар ишсиз қоладилар. Ислом динида эса бунинг акси. Унда капитализмдаги каби ишлаб чиқариш ва истеъмол орасида бири иккинчисини талаб қиласиган мажбурият йўқ. Давлат раҳбари вазифасини бажарган Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) ва Хулафои Рошидин (р.анхум.)нинг ҳаёт йўллари йўқсиллардан ҳам камхаржли эдилар. Ислом Низоми ҳукм сурган жамиятда яшаган мўминларнинг орзуларидаги ҳаётда ҳам ношаръий муносабатлар, бузуқлик, дабдабали ҳаёт, исроф, бир ашё эскирмасдан туриб янгисини олиш каби ҳою-ҳавасларга берилиш асло кузатилмайди. Агар шу қоидага қатъий амал қилинса, жамият ҳеч қандай инқирозга учрамайди.

Ислом динида мўминлар орасида бир хил ва содда турмуш тарзи одатий ҳолдир. Эҳтиёждан ортган мол-у мулк белгиланган закот орқали муҳтоҷ оиласаларга, етим-есирларга тарқатилади. Ёки янги иш ўринлари очилади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва ишсизликнинг камайишига олиб келади. Усмонийлар империясининг мадрасалар, сарой ва ҳаммомларни вақф қилиши (текинга бериш) ортида халқ манфаати турарди.

II. Ё ИНҚИЛОБ Ё МАҒЛУБИЯТ

Катта сармоядорлар билан қуий табақадаги одамлар ўртасида даромад тенгсизлигининг ортиши иқтисодиёт ривожи ва инсоният фаровонлигига раҳна

солади. Дунё иқтисодий ҳаётни тўлалигича қамраб оладиган иқтисодий инқилобга муҳтоҷdir. Ҳар йили Давос шаҳрида Дунё иқтисодий форумини ўтказиш анъанага айланган. 2006 йилда форумга раҳбарлик қилган спикер ўз нутқида, жумладан, шундай деган эди: “Бугун бизлар бир қарорга, яъни аниқ бир тўхтамга келиб олишимиз керак. Агар тубдан ўзгариш қилмасак, охири қўринмайдиган муаммолар гирдобида қолишимиз ёки тамомила чўкишимиз муқаррар”¹.

Энди капитализм янги инқирознинг олдини ололмайди. Социализм ҳам бир неча ўлкаларнинг камбағалликка юз тутишига олиб келди. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан дунёда ҳукмрон бўлган давлатлар Ислом иқтисодиётини ҳаётга татбиқ қилмаётгани ёки уни ўрганишга ҳам йўл бермаётганининг бош сабаби шуки, улар инсоният оламида янги дунё очилишидан қўрқишади.

Тарихий ҳодисалар шуни кўрсатадики, капитализм ва социализм ваъда қилган жаннат ҳаёти, аслида, Исломдадир. Капиталистик иқтисодиёт тарихига назар солсак, ҳар ўн йилда бир инқироз рўй бераверган. Охирги инқироз (2008) дан ўн йил ўтиб, дунё янги инқирозга юз тутди².

III. КАПИТАЛИЗМДА ФОИЗ НЕГА ҲАЛОЛ, ИСЛОМ ДИНИДА ЭСА ҲАРОМ ДЕЙИЛАДИ?

Дунё қатъий ислоҳотларга муҳтоҷ. Одамлар орасида даромад тенглиги қарор топиши, бир кишининг

¹ Тақий ал Усмоний. Асбобул Азма. 13-бет.

² <https://www.gazeteduvar.com.tr>

манфаати учун бутун жамиятни муҳтоҗликка маҳкум қиласидиган фоизли олиш-бериш тизимини бекор қилиш керак.

Ислом иқтисодий низоми бойнинг ҳам, камбағал-нинг ҳам қилган ҳар бир амали фаришталар томонидан қайд этиб борилишига асосланади¹.

“Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (ҳар бир ишингизни) ёд оловчи (фаришталар) бор. (Улар) ёзувчи улуг зотлардир. (Улар) сизлар қилаётган ишларни билурлар”.

Ислом динида бой одам закот бермагани учун, камбағал киши эса ҳаракат қилмагани учун ҳисоб-китоб қилинишини жуда яхши билади.

IV. КАПИТАЛИЗМ БИЛАН ИСЛОМ ДИНИ ҮРТАСИДАГИ АСОСИЙ ФАРҚЛАР

Капитализм билан Ислом дини ўртасида кескин фарқлар бор. Буларни шу шаклда ифодалаш мумкин:

1. Капитализмда манфаат, социализмда нафрат, Ислом динида эса иш устундир.

Капитализмнинг мақсади бойлар манфаатини ҳимоя қилишдир. Социализм эса ишчилар табақасига қуруқ ваъда бериш ва бойларга нафрат билан қарашга асосланади. Ислом динидаги ҳар бир амр ва ҳар бир тақиқнинг бир неча сабаби бор. Буларнинг баъзилари ояти карималарда, баъзилари ҳадиси шарифларда баён қилинган. Уларнинг баъзиларини англаш учун эса чукур мушоҳада ва кенг тафаккур керак бўла-

¹ Инфитор сураси, 10-12 оятлар.

ди. Масалан, намоз ўқиган одам фаҳшдан ва динда тақиқланган ишлардан тийилади¹. “(Эй, Мұхаммад,) Сизга Китоб (Куръон) дан вәхий қилингандар сани тиловат қилинг ва намозни мукаммал адо этинг! Албатта, намоз фаҳш ва ёмонликдан қайтарур! Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсадан) улуғдир! Аллоҳ қилаёттган ишларингизни билиб туурү”.

Рўза мўмин кишини тақвадорлар даражасига кўтаради².

“Эй, иймон келтирганлар, тақволи бўлишларингиз учун сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди” (Бақара сураси, 183-оят).

Илоҳий амр ва тақиқлар фақат бир киши учун эмас, балки барча одамларга – бутун жамиятга тегишилдири. Аллоҳ Азза ва Жалланинг тиҷоратни ҳалол, фоизни эса ҳаром қилгани шундай ҳикматларни кашф этадики, бунинг натижасида барча одамларнинг ҳақ-хуқуқи ҳимоя қилинади ва жамият ҳаёти тартибга солинади. Фоизга асосланган иқтисодиётда сармоя эгалари ҳеч бир нарса ишлаб чиқармасдан, ҳеч бир заҳмат чекмай, текиндан бойликларини кўпайтираверадилар. Ўтирган жойларидан қўзғалмасдан туриб, бойликлари миқдорини кўпайтириб, банкдаги ҳисоб рақамларини орттириб бораверадилар. Фоизли олиш-бериш асосида иш бажарадиган мулкдорлар учун тиҷорат қилиш ҳам қерак бўлмайди. Бундай одамлар бошқаларга ҳеч қандай фойда, наф ет-

¹ Анкабут сураси, 45-оят.

² Бақара сураси, 183-оят.

казмайдилар. Чунки улар на тиҷорат қиласидилар, на ишлаб чиқарадилар ва на янги иш ўринлари кашф этадилар. Бу, ўз-ўзидан маълумки, тиҷорат, санъат, ишлаб чиқариш, саноат ва қурилиш соҳаларининг янгиланиши ва ўсишига соя солади. Бу эса жамият ҳаётининг узилишига олиб келади¹.

2. Капитализм: “Аввал пул” дейди, Ислом дини эса: “Аввал инсон” дейди. Фоизли тизимда инсон иқтисодиёт учун керак. Банк ундан пул олган мижозининг устига, у қарзини тӯлаб бўлмасидан қарз юклайди. Шу боис Farbda ҳисоб рақам очган кишлардан пулни энг паст фоизда йиғиштириб олиб, баланд фоизда мижозларга берилади. Бу “Мижозга қуёшли ҳавода соябон тутиб, ёмғирли ҳавода ундан соябонни олиб қўйиш”га ўхшайди.

Ислом динида иқтисодиёт ахлоқ ва маънавиятга асосланиши ва у инсон учун хизмат қилиши талаб этилади. Ислом динида давлат кўп миқдордаги мол-мулкка эгалик қиласидиган саноқли одамни қашшоқликдан қийналадиган оммадан асло устун кўймайди. Бир кун келиб, ўзи ҳам муҳтоҷ бўлиб қолиши мумкинлигини англаган инсон қўшнисига бир сўм қарз берса, ўша қўшниси тўлай оладиган ҳолатга келганида берган қарзини яна ўша суммада қайтариб олиши мумкин.

Фоиз тизимида эса бир тийин икки тийинга сотилади. Натижада, ҳеч қандай заҳматсиз берилган пул унинг эгасига икки баробар кўпайиб қайтади.

¹ Визаратул авқоф. Ал Мавсуратул фикҳия. Рибо. XXII. 55

А) ФОИЗ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚАРМАСДАН ТУРИБ, ФОЙДА КЎРИШНИ, ИСЛОМ ДИНИ ЭСА, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАПВИҚ ҚИЛАДИ

Фоиз фақат бир тараф учун фойда келтиради. Бир киши қўлидаги бир тангани узоқ вақт ишлатса-да, у фойда қила олмаслиги мумкин. Аммо у тангасини кимгадир фоизга бериб қўйса, аниқ фойда кўради. Чунки фоиз орқали қўлга киритиладиган даромад ишлаб чиқаришдан келадиган даромаддан кўпроқдир. Фоиз сармоя тикмай, ишламай пул топишга имконият яратади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши эса бозорда нарх кўтарилишига ва иқтисадиётнинг ташқи бозорга қарам бўлиб қолишига олиб келади. Ишлаб чиқариш рағбатлантирилмаса, сармоя сарфланмаса, халқда ишсизлик даражаси ортади. Сармоя маълум кишилар қўлига ўтар экан, омманинг мол-у давлати куёш нурида эриган қоркаби тугаб битади. Чунки капиталистик мамлакатларнинг охирги хulosаси шундай: “Дунё бойлигининг 45%и аҳолининг 1%ига, 6% бойлик аҳолининг 80%ига тегишлидир”¹.

¹ <https://www.youtube.com/watch?v=TxvG4zOOAfA>

**Б) КАПИТАЛИЗМДА ИККИ ТАРАФЛАМА ДАРОМАД
ОЛИШ, ИСЛОМ ДИНИДА ЭСА АДОЛАТЛИ
ТАҚСИМОТГА ЭРИШИШ
АСОСИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚҮЙИЛАДИ**

Фоизга асосланган иқтисодий ҳамкорликдаги даромад тенглиги адолатли бўлмайди. Чунки сармоя тикмоқчи бўлган ширкатлар бозордан паст фоизга келишган банклардан баланд қийматга кредит олиши маҳсулот таннархини кўтаради. Пулини банкка қўйган истеъмолчи фоизнинг бир қисмини олиб, қолганини яна банкка қайтаради. Истеъмолчи ўзига керак бўлган хом-ашёни фоизли кредит ҳисобига фабрикандан олиб, банкдан олган фоизни ишлаб чиқарувчига беради. Бу ерда икки тараф эмас, балки уларнинг қонини сўрган банк фойда кўради. Яъни банкка икки тарафдан пул оқиб киради.

Капиталистик мамлакатларда нафақат банклар, балки бутун жамият ютқизади. Фоиз миқдорининг ортиши ширкатларнинг ўзини идора қила олмаслигини ва қийинчилик кўпайишини келтириб чиқаради. Банклар ортиб борган фоизлар ҳисобига кредитлар ёпилишини талаб қиласидилар. Фоизли кредитдан бўлак чора тополмаган ширкатлар инқирозга учрайдилар. Ишсизлик ортади, кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасаяди. Инфляция – пулнинг қадрсизланиши кучаяди. Ҳукумат инфляцияни назорат қилиш ва истеъмолни озайтириш учун ҳукумат солиқни оширади. Фоиз ва солиқларнинг ортиши ишлаб чиқарувчининг имкониятларини чеклайди. Халқ истеъмолини тортиб қўяди.

**С) КАПИТАЛИЗМ СОЯСИДАН ДАРОМАД
КЕЛМАЙДИГАН ДАРАХТНИ ҲАМ КЕСИШГА
УРИНАДИ, ИСЛОМ ДИНИ ЭСА, ҲАТТО, ҚИЁМАТ
КУНИ ЯҚИНЛАШГАНДА ҲАМ НИҲОЛ ЭКИШГА
АМР ҚИЛАДИ**

“Кўлидан келса, қилаверсин” қабилида иш тутиб, жамият ва давлатга зарар етказадиган мулк соҳиблари либерализм ёки капитализм кўлидаги сармоя, пайт топди дегунча, сиёсат, фикр, санъат ва иқтисод соҳаларини қамраб олиш ва улар устидан хукмронлик қилишни даъво қиласидилар. Масалан, Англия ва Франция ўртасидаги урушда Англия армияси учун 35 тонна олтин берган яхудийлардан бўлган Ротшилд оиласи Англия урушда енгилгач, пулни қайтаришни даъво қилди. Англия Марказий Банки эса бу пулни қайтаришга мажбур бўлган эди¹.

Сармоя соҳиблари давлатни фоиз ҳисобига кучсиз ҳолга солиб қўядилар ҳамда ҳалқнинг ишончи-ни сустеъмол қиласидилар. Капитализм хукм сурган жамиятлар “Ишлаганлар билан бирга шерик бўлишга эмас, балки ҳаммасини олишга фақат мен ҳақлиман”, деган фояга амал қиласидилар. Шунинг учун Карл Маркс: “Капитализм соясини сота олмаган дараҳтини кесади” деган фояни илгари суради ва фоизни ёқлади. Ислом дини эса, ҳатто, Қиёмат куни яқинлашган бўлса ҳам бир туп дараҳт эк, – дея амр қиласиди².

Битта тураржойда яшайдиган икки қўшни бир-бирлари билан кўришиб туришлари мумкин.

¹ Берккан Куршод. Инглиз яширин давлатининг маҳфий ташкилоти. Афтолия китоб уйи, Истанбул. 2018.

² Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад.

Лекин улар бироз нарироқда яшайдиган кўшниларини танимайдилар, бир-бирлари билан нима еб, нима ичишлари ҳақида фикр алмашмайдилар. Моддий аҳвол жиҳатидан тенг бўлмаган ҳамкасб одамлар кўшни бўлсалар-да, улар худди узоқда яшайдиган кишилардек бир-бирларини танимайдилар.

Фоизи билан тўлаш учун қарз олган ўлкаларда иқтисодий ҳаёт кундан кунга оғирлашиб боради. Иқтисодий инқироз тобора сиёсий ҳаётга раҳна солиб боради.

Фоиз тизими кам даромадли одамлар ёки инвесторларни эмас, балки сармоя соҳиблари манфаатларини ҳимоя қиласди. Паст фоизда олинган пулни баланд фоизда инвесторга берган банк нарх-навонинг ошиши ва инфляция¹ ўсишига йўл очади ва кам даромадли кишиларни баттар эзади. Бу ҳам етмагандай кам даромадли йўқсил кимсаларнинг топган пулини ҳам олиб қўяди. Капитализм тарозининг бир палласига буғдойни бир кўли билан кўйиб, бошқа кўли билан олиб қўйган кишига ўхшаб қолганини ҳис қилмайди.

Д) КАПИТАЛИЗМ БАРҚАРОР ФОЙДАНИ КЎЗЛАСА, ИСЛОМ ДИНИ ХАТАРДАГИ ТАВАККАЛ ҚИЛИБ БАЖАРИЛГАН ИШДАН ОЛИНГАН ФОЙДАНИ ЎЗАРО БЎЛИШИШГА БУЮРАДИ

Ислом дини фоизни маън қилиш билан бирга, фойда келтириши ҳали эҳтимолда бўлган даромадни сотувчи ва харидор ўртасида бўлишишга чақиради. Ислом дини одамни охиратда фойда топиш учун бу дунёда сарфлашга ундейди.

¹ Таннарх инфляцияси. Нархнинг ошиши.

Ислом динига кўра, бир товарнинг закотини бериш учун унинг устидан бир йил ўтиши ва у кўпаядиган ҳолатда бўлиши керак.

Товарнинг кўпайиши икки хилдир: ҳақиқий ва ҳукмий. Ишлаб чиқарувчи фойда ёки зарар қўришидан қатъи назар, фоизхўр даромад пулининг миқдори тайин бўлади. Бу эса тарафлар ўртасида даромаднинг адолатли тақсимотига тўсқинлик қиласи. Кўриладиган зарар фоиз олувчи ёки берувчининг ҳар бири учун тенг бўлмайди.

Е) ИСЛОМ ДИНИ “ҚАРЗИ ҲАСАНА”НИ, КАПИТАЛИЗМ ЭСА ФОИЗЛИ ҚАРЗНИ АФЗАЛ ДЕБ БИЛАДИ

Ислом динида шахсий эҳтиёжларни қондириш учун “қарзи ҳасана” жорий этилган. Бу дегани, мусулмон киши биродарига ёки қўшни қўшнисига битта тухумни битта тухум эвазига қарз бериши мумкин. Ёрдам ва мадад бериш бойни камбағалга боғлайди. Синфлар орасида табақаланишга асло йўл қўймайди.

Фоиз қадим замонлардан буён одамлар орасида давом этиб келаётган қарз бериш фазилатини йўққа чиқарди. Фоиз ҳаром ҳисобланадиган бўлса, судхўр ҳам мискин ва муҳтоҷ кишидан фойдалана олмайди. Фоизга қарз берадиган одам эса бир дирҳамни икки дирҳам қилишни кўзлайди.

Фоиз ўзаро кўмаклашиш ва яхшилик воситасида жамиятни фаровонлик ва саодатга элтувчи йўлни яксон қиласи¹.

¹ Фахриддин ар Розий. Мафотиҳул файб.

Истеъмол учун олинган фоизли қарзда истеъмолчининг фойда кўриш имкони бўлмайди. Ишлаб чиқариш учун олинган бундай қарзнинг эса ишлаб чиқарувчи обьект фойда кўрмай туриб, суммаси ортиб бораверади. Тадбиркор маълум бир муддатдан сўнг обьектни сотишгача бориб етади. Чунки фоизчи ундан қарз олган тадбиркордан у фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъий назар, белгиланган суммани ортифи билан ундириб олади. Исломда эса қарз олган тадбиркор ҳеч қандай устамасиз олган қарзининг ўзини ўша суммада тўлайди.

Жоҳилият даврида араблар “Рибо ан насия” (насия фоизи) йўли билан бир-бирларига қарз беришар эди.

Агар қарздор киши белгиланган муддатда қарзни тўлай олмаса ёки қурби етмаса, қарз берган тарафдан муҳлат сўрар эди. Лекин кечикирилган тўлов учун яна шунча миқдорда маблағ тўларди. Пул қанча кечикирилса, миқдор яна шунча ортиб бораверади. Натижада, қарзга олинган юз лира минг лирагача бориб етади. Буни ҳеч нарсаси бўлмаган камбағалга нисбатан татбиқ қиласар эдилар¹.

Ё) КАПИТАЛИЗМДА СОТИБ ОЛГАН ОДАМ БОЙ, ИСЛОМ ДИНИДА ЭСА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ОДАМ БОЙДИР

Бугунги кунда капитализмнинг бағрига сингиб кетган, ижтимоий қатламни кемириб адo қилган фоиз тизими аксарият одамларни сотиб олишга маж-

¹ Ибн Қайюм ал жавзийя. Иъламул Муваққин.

бур қилмоқда. Унинг домига илингандар қишлоқдаги бинойидек уйларини ташлаб, шаҳарларга кўчиб келмоқдалар. Шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида яшашга рози бўладилар.

Ҳар бир пайғамбарнинг ўзига хос бир касб-кори бўлганидек, Аллоҳнинг сўнгги ва суюкли Набийси Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ҳам кўйчивонлик билан шуғулланган. Бу эса Пайғамбар (с.а.в.) умматларини меҳнатга ва ишлаб чиқаришга даъват қиласди¹.

Капитализм заҳарлаган дунёда кўп қаватли уйда яшаш қишлоқда турмуш кечиришдан обрўлироқ, ишлаб чиқаришни ташвиқ этувчи Ислом иқтисодида эса оддий чўпонлик саройда катта харажат эвазига яшашдан афзалроқдир.

3) КАПИТАЛИЗМ КЎНГИЛНИ ОҒРИТАДИ, ДАВЛАТГА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ, ИСЛОМ ДИНИ ЭСА ИККАЛАСИНИ ҲАМ ОБОД ҚИЛАДИ

“Фоиз еювчилар, шайтон йўлдан урган кимсалар каби тирилтириладилар”² (*Бақара сураси*, 275-оят) дея марҳамат қилган Аллоҳ Азза ва Жалла фоизхўр кимсани ақлдан озган одамга қиёслаган. Ақлдан озган кимсалар нима қилаётганини билмайди, бунга ақли етмайди – фойда ёки зарар қилаётганининг фарқига бормайди. Фоизхўр ҳам худди шундай: одамларга зарар келтираётганини ҳис қилмайди, жамият бағрини нимталаётганини сезмайди.

Фоиз марҳаматни ва силайи раҳмни ўртадан кўтарилиши. Капитализм кўшнисига берган бир ҳовуч гу-

¹ Бухорий. Ҳадис. 2262.

² Бақара сураси, 275-оят.

ручни бир ярим ҳовуч қилиб қайтариб олиш пайдада бўлишга чақирса, ишлаб чиқариш ҳамда бўлишиб ейишга ундовчи Ислом дини бир бурда нонини очва муҳтоҷ қўшнисидан аямасликка буоради. Фақир кишининг бой кишида ҳаққи бор, дейди. Ислом оламидаги ҳокимлардан бири Умар ибн Абдулазиз замонида Африкада закот бергани одам топилмай қолган эди. Капитализм ҳукм сурган мамлакатларда эса ҳозир ҳам минглаб болалар очликдан жон бераётir.

Фоизчидан қарздор кимса қалбида унга нисбатан ғазаб ва нафрат туғилиши, табиий. Ўз навбатида, фоизхўр одамда ҳам ўзидан кўра мискинроқ кишига нисбатан кибр ва фурур ҳислари пайдо бўлади.

Ҳеч қайси миллат фоизчининг йиллар давом этадиган хўрлаш ва ҳақоратларига ҳамда фоизи билан қайтарилиши шаръий дея қабул қилинган пул муоммаласига чидай олмайди. Шу туфайли тарихда жуда кўп марта синфлар ўртасида қонли жанг-у жадаллар бўлиб ўтган. Охири йўқ, оқибати яхшилик билан тугамаслиги аниқ капиталистик тизимлардан фақатгина ғазаб, нафрат, гина ва ёмон ном қолди.

Замонамизнинг айрим Ислом ҳуқуқшунослари пулнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ва фоиз аралаштирмаслик учун ҳаракат қилаётirлар.

Фиқҳшунослар фоиз туфайли қадрсизлашиб бораётган қийматни сақлаб қолиш, ишлаб чиқариши кенгроқ йўлга қўйиш ва инфляциянинг олдини олишга ҳаракат қилиши зарур.

“Инфляциянинг олдини олиш учун фоизни йўлга қўйиш керак” деган иқтисодчилар фоизга қарши ку-

рашувчи құчлар фаолиятига зарар етказади. Бу билан улар катта йүқотишиларға йўл очадилар.

Товар айирбошлишда ҳар иккала томон ҳам зарар күрмаслик мақсадида фоиз қўйиши мумкин. Аммо бу ҳам ҳалол эмас. Миқдорлар teng бўлиб, бир турдаги товарлар олди-сотисида келишув мутлақо аниқ ва нақд бўлмоғи керак. Масалан, 100 грамм олтин 100 грамм олтин баҳосида сотилдими, пули ўша заҳотиёқ тўланиши керак...

ПУЛНИНГ ТЎРТ ШАКЛИ. ИНФЛЯЦИЯ ВА ФОИЗ

Куръони Карим ва саҳиҳ ҳадисларда фоизнинг ҳаром экани қатъий таъкидланган. Ушбу ҳолат эса олим ва фақиҳларни тижоратни фоиздан кутқариш учун ҳаракат қилишга ундаган. Шу боис мазкур масала уларнинг фиқҳ китобларидағи “Рибо” бўлимида алоҳида муаммо сифатида таҳлил қилинган. Мавзуга оид ояти карима ва ҳадисларнинг сони чекланганиги ва фоиз билан боғлиқ ҳодисаларнинг кўплиги олимларни ҳадислардан келишув йўли билан ҳозирги пайтимиздаги муаммоларга ечим излашга мажбур қилган. Инфляция мавжуд давлатлар иқтисодиётида пулнинг қадрсизланиши олдини олиш учун унга мос равишда ундириладиган инфляция фарқининг жоиз ёки жоиз эмаслиги хусусида узоқ вақтлардан бери олимлар ўргасида баҳс-мунозара бўлиб келмоқда.

ИНФЛЯЦИЯ

Инфляция – нархларнинг доимий тарзда ва катта микдорда ўсиб бориши, унга боғлиқ равишида пулнинг сотиб олиш кучининг камайишидир, деб таърифланади¹.

Бу бўлимда дастлаб фақиҳларнинг мумтоз иқтисодий тизимларда пул айланишининг тўхташи ва қадрсизланиши хусусидаги фикрларига мурожаат қиласиз. Сўнг ҳозирги пайтдаги инфляция муҳити билан “инфляция фарқи”ни қиёслаган ҳолда бу ҳақда

¹ Халил Сайдўғли. Иқтисодий терминлар энциклопедияси. Гузем Жан нашриёти. Истанбул, 2002. 171-бет.

фиқҳда қандай ҳукм қилинганинига жавоб қидирамиз.

Инсоният тарихида пул сифатида ишлатилган олтин ва кумуш мислий (айни пайтда ўхшаши мавжуд бўлган товар) товар сифатида қабул қилинган¹. Бу шаклдаги пул бутунлай муомаладан чиққанидан ва бозорда ўхшаши топилмай қолганидан сўнг эса, қиёмий товар (ҳеч нарсага ўхшамайдиган товар)га айланган². Пулнинг қадрсизланиши ёки қадрининг кўтарилишини ҳам шу нуқтаи назардан таҳлил қилган фақиҳлар ўртасида ихтилоф бўлган. Пул ўхашашлик сифатини сақлашини айтган фақиҳлар қадри пасайса ҳам пул қиёмий мол (ўхшаши мавжуд бўлмаган товар) га айланмаслигини таъкидлаган. Баъзи замонамиз олимлари эса қарз берувчининг зарарини бартараф этиш учун олди-сотди³ шартномасидаги баҳо устидан ҳисобланиши кераклигини айтишган.

ИНФЛЯЦИЯ ВА ПУЛ

“Савдо-сотиқ ёки бошқа йўллар билан пайдо бўлган қарзларни тўлаш жараёнида бир томон зарар кўраётган бўлса, пул қиёмий товарга айлананиши мумкин” деган фикрни илгари сурган фақиҳлар ўзларининг фиқҳ китобларида бундай пулнинг айланиш қобилиятини ёки қийматини йўқотиш ҳолатларини қарзларнинг истеъмол нархлари индекси устидан тўланишига ўхшатишади. Яъни пулнинг қадрсизла-

¹ Абдулкарим Зайдон. Ал Мадҳал. 188-бет.

² Пулнинг ўхшаш товар ёки ўхшамайдиган товар эканлиги ҳақида мақола алоҳида ёзилган.

³ Муҳаммад Амин бин Умар Ибн Обидин. Раддул Мужтор. Қоҳира.

ниш ҳолати юзага келганда тўланадиган қарз фоиз хисобланмаслигини айтишади¹.

Яратилиш нуқтаи назаридан пул деб қабул қилинган динор ва дирҳамнинг қиймати уларга бўлган эътиборга боғлиқ эмас, балки у ясалган модданинг қийматига боғлиқdir.

Барча замонларда одамлар олтиндан тайёрланган нарсаларга эгалик қилишга мойил бўлишган. Шу сабабли зарб қилинган олтин пуллар ҳар қандай шароитда ўз қийматини сақлаб қолган.

Тилла ва кумушдан ясалган танга пулларнинг бошқа моддалардан ясалган танталарга нисбатан қиймати барқарор бўлса-да, шартнома тузилгандан сўнг пул қадрсизланиши юзага келса ҳам ўша микдор тўланади. Бунга кўра, бир киши бир давлатда муомалада бўлган кумуш танга билан кийим сотиб олса, лекин пулнинг қадри ўзгаргунга қадар пулини тўламаган бўлса, кумуш танганинг муомаладан чиқарилиши шартнома бекор қилинишига сабаб бўлади. Чунки бундай ҳолатда товарнинг бадали йўқ бўлган. Пул муомалага қайтса, лекин қадри тушиб кетган бўлса, муомалада бўлгани учун шартнома бекор бўлмайди. Киши учун бундан бошқа йўл бўлмайди². Пулнинг қадри тушгани сабабли ҳам кумуш тангага кийим сотиб олган киши кечиккани учун фоиз тўламайди.

¹ Тақий ал Усмоний. Бухус.

² Ибн Обидин. Танбехур Рукуд аъла Месаилин Нуқуд. Байрут.

ФУЛУС

Шофеъийлар ва ҳанбалийлар олтин ва кумуш ара-лашмасидан ясалган фалс¹ (кўплиги фулус), яъни ме-талл пул (танга)ни шофеъийлар ва ҳанбалийлар ти-жорат товари сифатида қабул қилишгани учун бундай тангалар фақат тижорат учун ишлатилган тақдирда закотга тортилишини айтадилар. Ҳанафий ва моли-кийлардан иборат бир гурӯҳ олимларнинг фикрига кўра эса фулус² мутлоқ тарзда олтин ва кумуш пул деб қабул қилингани учун бундай тангаларнинг му-омалада бўлгани ҳам закотга тортилади³. Бунга кўра, ёнида қиймати 200 дирҳамга тенг келадиган фулуси бўлган кишига закот фарз эмас. Агар фулус тижорат товари сифатида ишлатилса, бу ҳукм ўзгаради⁴.

Фулус ўз қийматини ўзи ясалган модда – ол-тин ёки кумушдан ҳам кўра у амал қиласидиган давлат иқтисодиётининг кучидан, бозордаги ўрнидан олади. Шунинг учун тарихда турли замонларда босилган фу-луслар ҳукумат ўзгариши билан ўз қадрини йўқотган. Аввалги фулуслар янги шаклдаги фулуслар зарб қили-ниши натижасида тамоман муомаладан чиқарилган.

ПУЛНИНГ ТЎРТ ҲОЛАТИ

Ҳозирги пайтда муомаладаги қофоз пулларнинг қиймати олтин ва кумушга қараб эмас, балки бозор-

¹ Кўплиги фулус. Ибн Манзур. Лисанул араб. Дорул фикр, Байрут, 1994.

² Дирҳамлари бўлган бир одам сармоясини йўқотиб, фулус эгасига айланса, унинг дирҳамлари қадрини йўқотди деган маънода “одам ифлас этди (касадга учради)” дейилади. Тажул /Арус, лисанул араб.

³ Визаратул авкоф, ал Мавсуатул фикҳийя.

⁴ Ибн Обидин. Раддул мухтор. Байрут.

даги тижорий товарларнинг нархи кўтарилиши ёки пасайишига кўра белгиланмоқда. Тижорий товарлар нархи кўтарилиганда пулнинг сотиб олиш кучи ва бунга боғлиқ равишда унинг қиймати тушмоқда. Нархлар тушганида эса пулнинг сотиб олиш кучи ва бунга мос равишда унинг қиймати ҳам кўтарилимоқда¹.

Мавжуд пулнинг қиймати давлатларда юзага келган инфляция ва дефляцияга кўра аниқланмоқда. Инфляция ортса, пулнинг қадри пасаймоқда, дефляция бўлса, пулнинг қадри кўтарилимоқда.

Турли шаклларда тузилган шартномалар фулус билан амалга оширилган бўлса, сиёсий ва иқтисодий шартларга боғлиқ равишда, тўлов кунида пулнинг қийматига алоқадор бўлган касод, инқито (узилиш), руҳс² ва фало³ номи билан тўртта фарқли шаклдаги ҳолат пайдо бўлади. Бунга кўра, пул мамлакатнинг барча ерида муомаладан чиқиши касод, фақат пул майдаловчи марказлардан ташқари жойларда муомаладан чиқарилиши ёки бир давлат раҳбари у билан муомалани тўхтатишини буюрса, бу ҳолат инқито дейилади. Бир нарса қийматининг таназзулга учраши, яъни камайиши ҳолатини⁴ эса руҳс дейилади. Пул қадрсизланса, нархларнинг кўтарилиши ҳисобига пулнинг кучи пасаяди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқирозлар ўзини, асосан, нархлар кўтарилиши ва пул қадрсизланиши шаклида намоён қиласи. Олтин ва кумушга нисбатан танга пулларнинг қадрсиз-

¹ Тақий ал Усмоний. Бухус.

² Ибн Манзур. Лисонул Араб. Дорул Фикр. Байрут, 1994.

³ Ибн Обидин. Танbihur Рукуд. 98-99-бетлар.

⁴ Али Ҳайдар Афанди. Дурарул Ҳуккам.

ланишини ҳам “руҳс” дейилади¹. Шу боис инфляция ва руҳс ўртасида яқин алоқа мавжуд. Ҳар иккиси ҳам пулнинг товарга нисбатан қадрсизланиши шаклида ўзини кўрсатади².

Олтин ва кумушга нисбатан фулус қийматининг ортиши ҳолати “фало”³ эса “пул қийматининг ортишидир.”⁴ Муомалада пул миқдори камайишига боғлиқ равишда пулнинг қадри ўсади. Ҳозирги пайтда нархларнинг вақти-вақти билан пасайиш жараёни дефляция билан фало орасида ўзаро боғлиқлик бор. “Фало” ҳодисаси жуда кам ҳолатларда юз бериши боис бу китобда мазкур тушунчага алоҳида эътибор қаратилмайди. Мазкур мақолада эса фулуснинг ҳолатлари мазҳабларга кўра таҳлил қилинади. Пулнинг қадрсизланиши борасида берилган фатволарни ҳозирги пайтдаги иқтисодий ҳолат билан солиштирилади.

ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ

Ҳанафий мазҳабидаги фатво берувчи олимлар пулнинг муомаладан чиқиши ёки қадрсизланиши билан боғлиқ мавзуларда ихтилоф қилишган.

1) Пулнинг касод ва инқито (тўхташ) даври.

Имом Абу Ҳанифа мазҳабига кўра, пул касод ва инқито бўлган (амал қилиши тўхтаган) вақтда фулус билан қилинган шартномалар бекор қилинади. Бунга кўра, бир товарни сотиб олиб, муомаладаги фулус устидан қарздор бўлган киши тузган шартнома ка-

¹ Али Ҳайдар Афанди. Дурагул Ҳуккам.

² Ҳайреттин Караман. Қўйсий Ислом хукуқи.

³ Ал Мавсатул фикҳийя. Фулус мадд.

⁴ Али Ҳайдар Афанди. Дурагул Ҳуккам. 340-бет.

сад ёки инқито даврида амал қилмайди. Агар сотувчи маълум миқдор пул эвазига бир товарни сотса-ю, уни мижоз қабул қилишидан аввал пул муомаладан чиқса, шартнома ўз-ўзидан бекор бўлади. Агар шартномада кўрсатилган товар мижознинг қўлида бўлса, мижоз уни қайтариб беради. Қандайдир ҳолатда товар қўлдан чиқиб кетган бўлса, унга бирон ўзгартириш киритилган бўлса, масалан, мато тикилган, буғдой янчилган, кунжут сиқиб, ёфи олинган бўлса, ёки товар ўлчанадиган, тортиладиган ва саналадиган мислий товарлардан бўлса, сотувчига ўша товарнинг мисли қайтарилади. Агар кийим ва ҳайвон каби қиямий товарлардан бўлса, савдо-сотиқ пайтида пул касодга учрамасдан амалдаги пул билан қарз тўланади. Худди шунингдек, касодга учраган пул билан қилинган шартнома ижара бўлса, ижарага олганга ажри мисл лозим бўлади.

Агар қарз (фақат пул эмас) ёки маҳр бўлса, мислий шаклда берилиши керак¹. Бунга кўра, киши бир товарни сотиб олиб кумуш танга қарздор бўлса, сотувчи ҳам пулни олмасдан туриб пул касодга учраса шартнома бекор қилинади. Бу ҳолатда товар мижознинг қўлида бўлса, товарни қайтариб беради. Агар йўқолган товар мислий бўлса, унинг ўхшашини, ундей бўлмаса сотувчига унинг қийматини тўлаши керак бўлади. Шартнома қилинишига қарамасдан шартномада кўрсатиб ўтилган товар мижоз томонидан қабул қилиб олинмаган бўлса, савдо-содиқнинг ҳеч қандай ҳукми қолмайди².

¹ Ибн Обидин. Танbihур Рукуд. 2, 96.

² Ибн Обидин. Танbihур Рукуд. 2, 98.

Фақиҳлар Абу Ҳанифанинг пул муомаладан чиқса, шартнома бекор бўлиши ҳақида айтган фикрини шундай таълил (далил кўрсатмок) қиласидилар: “Таркибида кумуш миқдори кам бўлган пул яратилиши туфайли эмас, балки бозорнинг ёки халқнинг уни қабул қилиши туфайли пулдир. Одамлар у билан савдо-сотик қилишни тарк қилишганида пулнинг вазифаси тугайди ва шартнома ҳам ботил бўлади¹. Бу ҳолатда бадали йўқ муомалага айланган шартнома бекор бўлади².

Қарз бир товарни сотиш билан алоқадор эмас, балки қарз шартномаси ёки кечиктирилган маҳрдан келиб чиқсан бўлса, шартномада кўрсатиб ўтилган фулус касодга учраса, унинг ўхшашини бериш керак бўлади. Чунки шартномадаги қарздорлик пул орқалидир³.

И мом Зайлай Абу Ҳанифанинг ижтиҳоди (фикр)-ни қуйидагича шарҳлайди: “Қарз – маълум бир қийматга эга бўлган пул бирлигини бирорга бериб туришдир. У билан боғлиқ мажбурият эса қарзга берилган нарсанинг ҳақиқатан эмас, маънан қайтарилишидир. Бу эса қарз сифатида олинган фулуснинг ўхшашини бериш билан амалга оширилади. Ўхшашлик қарз шартномасидаги қарзнинг айнан ўзига эмас, балки

¹ Бунга кўра, устига 100 лира ёзиб кўйилган банкнот, у босилган қоғознинг қийматига кўра, устига 10 лира ёзилган банкнотдан фарқи йўқдир. Олтиннинг қиймати эса унинг устига ёзилган ёзув ёки миқдорга кўра эмас, балки у айнан олтгин экани билан белгиланади.

² Ибн Обидин. Танbihур Рукуд. 2, 102 – 106-бетлар.

³ Ҳайъат. Фатавал Ҳиндийя. Дорул Фикр. Байрут.

кўпроқ пулга қаратилган хусусиятдир. Шу боис қарз шартномаси фақат пулга хос ҳолат эмас¹.

Пул касодга учраб, муомаладан чиқиб кетиши билан у мислий хусусиятини йўқотмайди. Шу боис пул муомаладан чиқса ҳам қарз сифатида уни қайтариш тўғри амал ҳисобланади. Худди пул ҳисобланмаган ёнғоқ, тухум ва ўлчов, тарози орқали олиб сотилган бошқа нарсалар ҳам қарз сифатида берилиши каби. Агар бу ҳолат қарз сифатида қабул қилинмаганды эди саҳих ҳисобланмасди. Акс ҳолда, у бир нарсанинг ўз жинсига нисбатан муддатли алмашинуви бўлиб қоларди. Бу эса ҳаромдир. Бунга кўра, шартномада қайтариб берилган нарса қарз сифатида олинган нарса билан бир хил ҳукмдадир. Худди тортиб олинган нарсани қайтаришда бўлгани каби қиймати бир хил бўлиши шартмас. Ўхшаши билан заарнинг қопланиши, хусусиятига кўра, қарз шартномаси орқали қилинган товламачиликка ўхшайди².

Имом Абу Ҳанифанинг бу ижтиҳод (фикр)ига кўра, фулус (пул бирлиги) муомаладан чиққанида қарз бошқа пул ёки унинг қийматига teng нарса билан тўланмайди. Бунга кўра бир киши 10 фалс қарз олса ва кейин бу фалслар касодга учраб муомаладан чиқиб кетса, ҳақдорга бошқа пул эмас, фалсларнинг ўхшашини бериши керак бўлади³.

¹ Бурхониддин ал Марғиноний. Ал Ҳидоя.

² Зайлайӣ Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойиқ фи шарҳи Канзид дақоиқ. Дорул Кутубул илмийя. Байрут. 2000. 567–568-бетлар.

³ Абу Бакр Шамсул Аъимма Муҳаммад бин Аби Саҳил Аҳмад ас Сараҳсий. Ал Мабсут.

Шартноманинг ботил эмаслигига урғу берган Абу Юсуф ва Имом Мұхаммадга кўра, киши қарз сифатида фулусни олиб бўлиб, уни қайтариб бериши мумкин бўлмаса, унинг қийматини бериши керак¹. Икки имомнинг бу фатволари: “Қарз шартномасида қайд қилиниб, қарз сифатида олинган пул муомаладан чиқиб кетса, у ўзининг пул хусусиятини йўқотади. Қайтариб берилган пул эса ўҳшашлигини йўқотгани учун пул сифатида қабул қилинмайди. Худди қарзи сифатида олинган мислий (пул қийматига teng) бир товар бозорда йўқолганида унинг қиймати тўланиши каби”² деб изоҳланади. Бу вазиятда аниқланган тўловнинг ўҳшашини қайтариш етарли бўлмайди. Чунки пул сифатидаги хусусиятини йўқотган фулусга бозорда ҳеч нарса харид қилиб бўлмайди. Бундай ҳолатда Абу Юсуфга кўра (ҳамма томонидан келишилган), фулуснинг қабул қилиб олинган кундаги қиймати, Имом Мұхаммадга кўра эса, пулнинг муомаладан чиқсан кундаги қадри асос қилиб олинади³.

Имом Абу Юсуфнинг қарашлари амалиётда фойдаланиш учун жуда қулай. Чунки фулуснинг пул қиймати олди-сотди қилинганда шартнома тузган тарафларга қандай маълум бўлса, қарз берувчига ҳам, қарз олувчига ҳам пул олди-берди куни маълумдир. Фулуснинг касодга учраган кундаги қиймати эса

¹ Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойик фи шарҳи Канзид дақойик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

² Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойик фи шарҳи Канзид дақойик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

³ Марғиноний. Ал Ҳидоя.

одамларга маълум бўлмайди. Бу мавзуда жуда кўп муноназаралар қилинган.

Бу эса шариат нуқтаи назаридан осон бўлмайди¹.

Қарздор шартнома қилинган нақднинг қийматини ўзаро келишув кунида муомалада бўлган бошқа пул бирлиги орқали тўлаши керак. Бунга кўра, шартномада кўрсатилган фулус кишининг зиммасидаги қарз сифатида қолади. Инсон эса зиммасидаги вазифа ва мажбуриятини ҳар қандай шароитда ҳам адо этиши керак. Касод ҳолати ҳам уни йўқ қила олмайди. Аксинча, уни айбдор қилиб қўяди. Бу эса ҳақдорни муҳайяр (танлаш ҳуқуқига эга) қилиб қўяди. Ҳақдор истаса, шартномани бекор қиласи, истаса, фулуснинг қийматини талаб қиласи².

Бу вазиятда шартнома ботил бўлмайди. Чунки фулус касод бўлганидан сўнг қарз сифатида тўланиши керак бўлган маблағни фулус шаклида тўлашнинг имкони бўлмайди. Касод ҳолати бартараф қилингач, пулнинг қайтадан муомалага қайтиши эҳтимоли бўлгани учун шартномани бекор қилиш тўғри бўлмайди³. Савдо-сотик аниқ амалга оширилгани учун касодга учраган пулнинг муомала қилинган кундаги қийматини бериш тўғри иш ҳисобланади. Чунки зарарни қоплаш ўша кунга кўра бўлади⁴. Бу вазият шунга ўхшайди: бир киши янги сабзавотлардан бирини сотиб олганидан сўнг пул муомаладан чиқса, бай, яъни

¹ Марғиноний. Ал Ҳидоя.

² Косоний Алоуддин Абу Бакр бин Масъуд. Бадоиус санаий фи тартибиш шаройи. Дорул Кутубил илмийя. Байрут, 2010.

³ Ал Мавсуюл Фикҳийя.

⁴ Ал Майдоний. Ал Лубоб фи Шарҳил китоб.

савдо бузилмайди. Янги сабзавот айниши, бузилиши эҳтимоли мавжуд борлиги учун уни қайтариб бериш имкони мавжуд эмас. Шу боис унинг қийматини тўлаш керак¹.

Номинал қийматга эга фулус билан қилинган насиya савдо ҳам пул сифатида қабул қилинган бадал, яъни олтинга боғлангани учун у фулуснинг олтинга нисбатан қиймати орқали аниқланади. Абу Юсуф фулус олтинга боғлиқ пул деб қабул қилингани учун “руҳс” ҳолатида унинг қийматини олтинга нисбатан аниқлаш кераклиги ҳақида фатво берган.

Имом Юсуфга кўра, қарз шартномасида ҳам вазият ўзгармайди. Фулус касодга учраб, муомаладан чиққанида ўзидағи пуллик хусусиятини йўқотиши туфайли у қабул қилиб олингани каби қайтариб берилиши мумкин эмас. Шу боис қарздор қабул қилиб олинган кун (ўзаро муомала амалга оширилган кун) ни асос қилиб олиб, фулус кумушга нисбатан қийматини ҳисоблаб, унинг ўша қийматини беради².

Имом Муҳаммадга кўра³, пул касодга учрагач, шартнома ботил бўлмайди. Фақат пул муомаладан чиққани сабабли, унинг бадалини тўлаш қийинлашиб кетади⁴. Пулнинг юзага келган касод туфайли тўланмаслиги шартномани бекор қилмайди. Бу шунга ўхшайди: Бир киши ҳўл мева ва сабзавот сотиб олса ва тўлов қилинадиган пул муомаладан чиқиб кетса, шартнома бекор бўлмайди. Мижоз шартнома қайси

¹ Ал Мавсуратул Фикҳийя.

² Сараҳсий. Шархус Сиярул кабир. Байрут, 2012.

³ Ҳанбалий факихларининг бир қисми ҳам шу фикрда.

⁴ Марғиноний. Ал Ҳидоя.

пул бирлиги билан тузилган бўлса, ўша пулнинг муомала қилинган кундаги қийматини бошқа пул бирлиги орқали тўлайди¹. Чунки шартнома сабабли тўланниши керак бўлган пулнинг ўрнига унинг қийматини аниқлаш пул муомаладан чиқсан кунга кўра ҳисобланади². Қарз шартномасида ҳам ҳолат шундай бўлади. Киши қарз олганидан сўнг фулус касодга учраб, муомаладан чиқиб кёtsa, одамлар у пул бирлиги билан муомала қилган энг сўнгти кун асос қилиниб, тўлов амалга оширилади³. Чунки касод туфайли пул ўзининг пул сифатидаги хусусиятини йўқотганида уни қабул қилиб олинган кундаги каби қайтариб олиш мумкин эмас⁴.

Шартнома касод вақтида бекор бўлмаслигини таъкидлаган Имом Юсуф ва Имом Муҳаммад фулусга бир товар сифатида қарашган. Олтин яратилиши жиҳатидан пул хусусиятига эга бўлгани сабабли, унинг мақоми кимdir томонидан белгиланмайди.

Шартномаларда сотилган товарнинг бадали сифатида белгиланган мислий товарлар фақат кўрсатма билан пул ёки бадал бўлиши мумкин. Бадал (тўлов куни мислий товар мавжуд бўлса)нинг айнан ўхшашини бериш керак. Акс ҳолда, товарнинг баҳоси қиймат (яъни пулнинг олтин ёки кумушга нисбати)га айланади. Бадал қиймат сифатида тўланиши хусусида имомлар баҳс қилишган. Имом Абу Юсуф қабул қилинган кунни асос қилиб олса, Имом Муҳаммад эса

¹ Бадриддин ал Айний.

² Марғиноний. Ал Ҳидоя.

³ Сараҳсий. Шархус Сиярул кабир. Байрут.

⁴ Сараҳсий. Шархус Сиярул кабир. Байрут.

пул муомаладан чиққан кунни асос қилиб олишни маъқул топган.

Фақиҳлар одамларга юмшоқроқ муносабатда бўлиш учун фатвода асос сифатида кўпроқ Ином Муҳаммаднинг қарашларини маъқуллашади¹. Фақат кейинги давр олимлари Абу Юсуфнинг фатвосини афзал билишмокда².

“Муршидул ҳайрон” китобида Абу Юсуфнинг фикрлари қуйидаги шаклда тасдиқланган: “Бир киши маълум миқдорда фулус ёки таркибининг асосий қисми олтин ва кумушдан бошқа моддалардан иборат пулни қарз сифатида олса ва кейинроқ пул касодга учраб, фулус муомаладан чиқса, қарздор тўлов кунидаги эмас, балки пулнинг қарз олинган кундаги қийматига нисбатан тўлаши керак”³. Абу Юсуфнинг қарашлари қуйидаги икки сабабга кўра, таҳлил қилиниши мумкин:

1. Пул уни бостган муассаса томонидан муомаладан тўхтатилган, амал қилиши бекор қилинган ва қадри йўқ қилинган. Чунки фулус олтин ва кумуш каби яратилиш жиҳатидан эмас, балки истилоҳий (келишилган атама) пулдир. Бу ҳолатда фулус билан савдо-сотиқни тўхтатиш уни молиявий қийматини йўқ қилиш демакдир. Адолатсизликни бартараф қилиш учун олинган товарнинг бадали тўланиши керак. Бу бадал эса зарарни қоплаш қоидаларига кўра аниқланган қийматдир.

¹ Айний.

² Ибн Обидин. Танbihур-Рукуд.

³ Назиҳ Камол. Тағоййиратун Нуқуд вал Аҳком ал Мутааллиқоти биҳа фил Фикҳул Ислами. Жидда, 1408/1987.

2. Ҳақдор сифатида майдонга чиққан сотувчи савдо шартномасини товарнинг эвазига фойдали бир товар олиш мақсадида тузганида сотувчига касод туфайли қадрини йўқотган, ундан фойдаланиш имкони бўлмаган моддани тўлаш унга нисбатан зулм қилишидир¹.

Фулус пул сифатида фойдаланилганида, ўша пайтда таъминлаган фойдани у муомаладан чиққач таъминлай олмайди. Бу эса ундан кутилган хусусиятнинг йўқолиши демакдир. Фулус ана шу хусусиятини йўқотганига қарамасдан ҳақ эвазига уни қарз ўрнида олишга мажбуrlаш ўша одамга нисбатан адолатсизлик қилишидир.

2) ПУЛНИНГ ИНҚИТО (АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИНГ ТЎХТАШИ) ҲОЛАТИ

Аксарият фикрҳ китобларида пулнинг касод бўлиши билан боғлиқ инқито ҳодисаси қуйидагича таърифланади: “Инқито – пулнинг (у пул алмаштирувчиларда ёки уйларда қолса ҳам) бозорда ишламай қолишидир”². Демак, инқитода муомаладан чиққан пул савдо-сотик шартномаларида ҳам, бошқа шартномаларда ҳам қўлланилмайди. Пулнинг касод ҳолатида унинг маҳаллий тарзда муомаладан чиқиши кузатилса, инқитода унинг майдони анча кенгdir.

Ҳанафий мазҳабига кўра, инқито ҳолатининг шартномаларга таъсири масаласига ечим топиш учун уч имомнинг касод ҳақида айтган фикрлари асос

¹ Ҳаммод Назиҳ Камол. Тағойиратун Нуқуд вал Аҳком ал Мутааллиқоти биҳа фил Фиқхул Ислами. Жидда, 1408/1987.

² Ибн Обидин. Танbihур Рукуд.

қилиб олинади. Чунки ҳар уч имом ҳам фулуснинг инқитога учраши касод вазияти билан бир хил экани тўғрисида фикр бидиришган.

Абу Ҳанифага кўра, пулнинг муомаладан чиқиши шартномани бекор қиласди¹. Агар сотиб олинган то-вар мижознинг қўлида бўлса, мижоз шу молнинг ай-нан ўзини қайтариши керак. Ўхшаши мавжуд, лекин ўзи йўқ товарнинг ўхшashi, у ҳам бўлмаса, товарнинг қиймати берилади². Агар товар ҳали қабул қилиб олинмаган бўлса, бу савдонинг ҳукми ҳам бекордир³. Икки имомга кўра, инқито (пулнинг бекор бўлиши) ҳолатида шартнома бекор бўлмайди. Зоро, пул инқито йўли билан муомаладан чиқиши уни беришни қийинлаштиради. Бу ҳолатда мижоз сотиб олган товари туфайли пайдо бўлган мажбуриятини унинг қиймати-ни тўлаб, адо қиласди. Бундай ҳолатда Имом Юсуфга кўра, шартнома тузилган кундаги пулнинг қиймати⁴, Имом Муҳаммадга кўра эса муомалада бўла туриб, бекор бўлган пулнинг энг сўнгги кунги қиймати бе-рилади. Чунки инқитодан сўнг пулнинг ўхшашини бериш имконсиздир. Бу ҳолатда пул қиймати мавжуд бўлган бадалга айланади⁵. Қарз шартномаси ва бош-қаларга ҳам худди шу тизим тадбиқ қилинади.

¹ Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойиқ фи шарҳи Канзид дақоик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

² Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойиқ фи шарҳи Канзид дақоик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

³ Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойиқ фи шарҳи Канзид дақоик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

⁴ Зайлаий Фахриддин Усмон бин Али. Табийинул Ҳақойиқ фи шарҳи Канзид дақоик. Дорул Кутубул илмийя. Байрут, 2000.

⁵ Зайлаий. Табийинул Ҳақойиқ.

3-4) ПУЛНИНГ “РУҲС” ВА “ФАЛО” ҲОЛАТИ

Мис ва бошқа металлардан ясалган тангалар ва “банкнот” деб аталадиган қофоз пуллар тижорий қийматта эга бўлган товар сифатида қабул қилинади.

Бозорда пул сифатида фойдаланилганда қабул қилинган қиймати бўлган пул эса касодга учраб муоммаладан чиққанида ҳақиқий товар деб ҳисобланади¹. Пулнинг олтин ва кумушга нисбатан пулнинг қиймати кўтарилиши “фало”, пасайишини эса “руҳс” деб аталаши аввалги ўринларда ҳам айтиб ўтилган эди². Бир мамлакат иқтисодий ҳолатининг салбий томонга ўзгариши жараёнида нархларнинг кўтарилиши пулнинг қадрсизланишига олиб келади. Фикҳ китобларида “руҳс” деб аталадиган бу ҳолат нарх кўтарилиши ва пулнинг сотиб олиш кучи камайишини англатувчи инфляция тушунчasi билан алоқадордир. Қарз шартномаси, маҳр, сотилган бир товар ёки яна бошқа амалиётлар туфайли кишининг зиммасига қарз юклангач ва тўлов қилинмасдан аввал фулуснинг қиймати руҳс ёки фало йўли билан ўзгарса, ҳанафий олимлар ҳақдорга тўланиши керак бўлган миқдор ва тўлов хусусида бир-бирига зид фикрлар билдиришган³.

Имом Абу Ҳанифа ва Имом Абу Юсуфнинг дастлабки қарашларига кўра, фулус билан қарздор бўлган киши пул қийматининг ўсиши ёки қадрсизланиши ҳолатида тўлаши керак бўлган миқдордаги шартно-

¹ Али Ҳайдар Афанди. Дурагул-Ҳуккам. Байрут, 2010.

² Ҳаммод. Тағойириратун Нуқуд вал Аҳком ал Мутааллиқоти биҳа фил Фикҳул Ислами. Жидда, 1408/1987.

³ Ҳаммод. Тағойириратун Нуқуд вал Аҳком ал Мутааллиқоти биҳа фил Фикҳул Ислами. Жидда, 1408/1987.

мада белгиланган ва қарз сифатида унинг зиммасига юкланган бадалдир. Бу нуқтада ҳеч қандай кўпайиш ёки камайишга йўл қўйилмайди. Ҳақдор бундан ортигини талаб қилишга ҳақли эмас¹. Чунки пулнинг пул хусусияти йўқолмаган ва ундан савдо муомаласида фойдаланилмоқда. Шу сабабдан ҳам шартнома амал қилиши давом этмоқда. Бу хусусда Имом Косоний шундай дейди: “Касоднинг аксига фулуснинг қадри ошса ёки тушса, барча фикқҳ уламоларининг фикрига кўра, савдо шартномаси бекор бўлмайди. Шу боис мижоз шартномада кўрсатилган миқдорни тўлаши керак бўлади. Бу ўринда қийматга аҳамият берилмайди. Чунки қийматнинг ортиши ёки камайиши фулуснинг пул хусусиятини йўқотмайди. Яратилиш куқтаи назаридан пул деб қабул қилинган дирҳамларнинг қийматлари кўтарилса ёки тушса ҳам улар яна пул сифатида тан олинаверади”².

Имом Абу Юсуф қадрсизланган фулус билан алоқадор иккинчи, яъни якуний холосасида шундай дейди: “Бу мавзуда менинг фикрим Абу Ҳанифа билан бир хил эди. Сотувчи шартномада белгиланган фулус миқдоридан ортиқча ҳақ олмайди”³.

Кейинроқ Абу Юсуф ўзининг бу фикридан қайтган. Унга кўра, савдода (бай) шартнома тузилган кун, қарз шартномасида эса қарздорлик юзага келган (уни қабул қилиб олинган) вақт асос қилиниб, қарздор

¹ Шалабий. Ҳашияту Шалабий.

² Косоний, Алоуддин Абу Бакр бин Масъуд. Бадоус санаий фитартибиш шароий. Дорул Кутубил илмийя. Байрут, 2010.

³ Ибн Обидин. Танbihур Рукуд.

қадрсизланган фулуснинг қийматини тўлаши керак¹. Абу Юсуфнинг бу фатвоси ҳанафий мазҳабида фулуснинг қадрсизланиши билан боғлиқ вазиятлар учун асос сифатида қабул қилинган².

Фикҳ олимлари ўз вақтида тўланмаган қарзлар учун фикҳ олимлари инфляция фарқини ҳам тўлаш кераклигини таъкидлашади.

Улар ўзларининг бу фикрлари учун Абу Юсуфнинг юқоридаги фатвосини асос қилиб кўрсатишади³.

Инфляция фарқини қарзга қўшган фикҳ олимлари Абу Юсуфнинг фулус қадрсизланганида унинг қийматига кўра қарзнинг тўланиши тўғрисидаги ҳукмда бир холосага келганлари ҳақида кейинроқ батафсил тўхталамиз.

МОЛИКИЙ МАЗҲАБИДА ПУЛНИНГ ТЎРТ ШАКЛИ

Моликий мазҳабининг энг асосий фатвоси шофеъийларники⁴ билан бир хилдир. Унга кўра, қарздорлик аниқ бўлганидан сўнг уни тўламасдан туриб, пул касод бўлса, яъни муомаладан чиқса, шартномада белгиланган миқдордан ортиқча тўлов талаб қилиш мумкин эмас. Бу эса ҳақдорга нисбатан зулмдир. Бу ўринда қарзнинг савдо, маҳр ёки қарз шартномаларининг қайси бири орқали юзага келгани аҳамиятга эга эмас⁵.

¹ Ибн Обидин. Танbihур Рукуд.

² Ибн Обидин. Танbihур Рукуд.

³ Қараман, “Қиёсий Ислом ҳуқуқи”.

⁴ Ал Ҳайтамий, “Тұхфатул-Мұхтаж Шархул Минҳаж”.

⁵ Мұхаммад бин Абдулоҳ. Шарху Мұхтасару Ҳалил.

Моликий мазҳабининг унча машхур бўлмаган фатвосига кўра эса қарздорлик пайдо бўлгандан сўнг қарз тўланмасдан туриб пул касод бўлиб, муомаладан чиқса, пулнинг шартнома қилинган вақтдаги қиймати бошқа пул бирлиги орқали тўланади¹.

Моликийлар билан шофеъийларнинг фатволарига кўра, шартномада белгиланган пул тўланмасдан туриб, пул муомаладан чиқиб кетса, ва у банкирларга ўхшаган одамларнинг қўлида турган бўлса, қарз шунга асосан тўланади. Бунинг имкони бўлмаса, унинг қийматига кўра тўлов амалга оширилади. Бу ўринда, аввал айтиб ўтилганидек, қарздорлик қандай шаклда пайдо бўлгани аҳамиятга эга эмас².

Қарз, маҳр, бирор нарсанинг сотилиши ёки бошқа йўллар билан кишининг зиммасида бўлган қарз пулнинг қадри ошиши (фало) ёки қадрсизланиши (руҳс) ҳолатларида шартномада белгиланган фулус устидан ўша миқдорда тўланади. Қарздор қарзни кўпайтирмасдан ёки камайтирмасдан белгиланган миқдорда ҳақдорга беради³. Бу нуқтаи назардан моликийларнинг фикри Абу Ҳанифа, шофеъийлар ва ҳанбалийларники билан бир хилдир.

Моликийларнинг руҳс ва фало билан боғлиқ моликийларнинг яна бир фикрларига кўра, фулусдаги ўзгариш катта бўлса, қарз ўша миқдордаги пул билан эмас, унинг қийматидан келиб чиқсан ҳолда тўланади.

¹ Мұхаммад бин Аҳмад ар Руханий. Авдахул Масолик.

² Аз Зурконий. Шарҳу Мухтасари Халил.

³ Аз Зурконий. Шарҳу Мухтасари Халил.

ди. Агар фулусда катта ўзгариш бўлмаса, шартномада кўрсатилган келишилган миқдор тўланади¹.

Замонамиздаги шароитдан келиб чиқилса, ушбу мавзуни шундай тасаввур қилишимиз мумкин: айтайлик, 1990 йилларда бир киши бир корхонага тенг миқдорда сармоя тикиб, шерик бўлди ва келиша олмасдан кейинчалик ташлаб кетди. Бу киши 2020 йилда шериги билан учрашиб корхонада улушини қайтариб олмоқчи бўлса, лекин 1990 йиллардаги ҳолат билан ҳисоб-китоб қилинса, унга нисбатан катта адолатсизлик қилиниши табиий. Шунинг учун бундай ҳолатда зарарни қоплаш учун корхона қурилган кундаги пулнинг ўша даврдаги олтинга нисбатан қиймати аниқланади ва ҳақдорга шу шаклда тўланади. Улушлар ҳисобланиб корхонага тикилган сармоя шу тариқа адолатли тақсимланади.

ШОФЕЙИ МАЗҲАБИГА КЎРА ПУЛНИНГ ТЎРТ ШАКЛИ

Шофеъийларга кўра, қарздор киши ўз қарзини тўламасдан аввал пул касодга учраб, муомаладан чиқса, ҳақдор қарздордан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча пул талаб қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда юзага келган муаммо қарздорнинг ҳам, ҳақдорнинг ҳам бошига тушган мусибат деб баҳоланади².

Шофеъий мазҳабида пулнинг касодга учраш ҳолати билан пул қийматининг бекор бўлиши ўртасида

¹ Ҳаммод. Тағоййиратун Нукуд вал Аҳком ал Мутааллиқоти биҳа фил Фикъул Ислами. Жидда, 1408/1987.

² Ал Ҳайтамий. Туҳфатул-Муҳтаж Шарҳул Минҳаж.

ҳеч қандай фарқ ўйқ. Қарз, савдо (бай) ёки бошқа йўл билан киши зиммасидаги фулус давлат раҳбари томонидан муомаладан чиқарилса, ҳақдор белгиланган фулусдан ортиқча тўлов талаб қилолмайди¹.

И мом Нававий бу фикрга қўшилган. И мом Бағавий ва Рофеийларга кўра, сотувчи муайян нархда маҳсулотини сотса, лекин мижоз уни қабул қилиб олмасидан туриб, давлат раҳбари у пулни муомаладан чиқариб юборса, маҳсулот унинг сотувчисига қайтариб берилади. Агар сотувчи истаса, қелишилган пулни асос қилиб савдони охиригача якунлайди ёки маҳсулотни қабул қилишдан аввал шартномани бекор қиласди².

Шофеъий уламоларининг фикрига кўра, фулуснинг қадрсизланиши ва қийматининг кўтарилиши сабабли сотувчи келишилган миқдордан ортиқча пул талаб қила олмайди³.

ҲАНБАЛИЙ МАЗҲАБИГА КЎРА ПУЛНИНГ ТЎРТ ШАКЛИ

Ҳанбалий мазҳабида қабул қилинган⁴ ва моликий мазҳабида унча кенг тарқалмаган фикрга кўра⁵, фулус касодга учраб, муомаладан чиқса, белгилангандан пулнинг ўзини тўлаш етарли эмас. Бундай ҳолатда қарздор шартномада белгилангандан пулнинг шартнома

¹ Ар Рамлий. Ниҳоятул Мұхтаж Шархұл Минжаж.

² Ан Нававий. Ал Мажму Шархұл Мұхаззаб.

³ Ал Мавсұатул Фикъийя.

⁴ Ал Бухутий. Каашафул Қино.

⁵ Ар Руҳуний Мұхаммад бин Аҳмад. Авдахұл Масолий ва Асқалул Марокий. Ал матбаатул амирийя. Булақ, 1306.

тузилган кундаги қийматини муомаладаги бошқа пул¹ бирлиги орқали тўлайди.

Ҳанбалийларнинг рожиҳ (афзал кўрилган, тарафдори кўп) фикрларига кўра, пул касодга учраб, муомаладан чиқса, қарз кишининг зиммасига қарздорлик юкланган кундаги қийматга кўра тўланади. Бу борада Ибн Кудома шундай дейди: “Қарз фулус ёки майда пуллар билан бўлса, лекин давлат раҳбари бу пулни муомаладан чиқариб ташласа ёки ушбу пул бирлиги билан муомала бошқа йўл билан тўхтаса, ҳақдор пулни унинг қийматида олишга ҳақлидир. Унинг ҳақини касод бўлган пул орқали олишга мажбурлаш мумкин эмас. Фулус қарздорнинг қўлида қолиб кетгани ёки у сарфлаб юборилгани ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Чунки у қарздорнинг мулкига айланган пайтда нуқсонли ҳолатга тушган².

Имом Муҳаммад билан бир қаторда, баъзи ҳанбалийлар ҳам қабул қиласан фикрга кўра, қарздор касодга учраган пул муомаладан чиқсан, одамлар у билан муомалани тўхтатган кундаги қийматига кўра қарзини тўлайди. Бу ҳолатда пул касодга учраши натижасида зиммадаги қарз қийматга айланиб қолади. Чунки қарздор пул муомалада бўлганида қарзини қайтаришга мажбур эди. Пул касодга учрагач эса қарз қийматга айланиб қолади³.

¹ Ҳаммод. Тағойириатун Нуқуд вал Аҳком ал Мутаалиқоти биҳа фил Фикхул Ислами. Жидда, 1408/1987.

² Ал Мақдисий. Ал Мугний.

³ Ал Мақдисий. Аш Шархул Кабир аъла Матнил Мукний.

Ҳанбалий олимлар¹ Имом Муҳаммад каби пулнинг инқито (бекор бўлган) ҳолатида ҳам мижоз қарзини пул муомаладан чиққан сўнгти кундаги қийматини инобатга олган ҳолда тўлаши кераклигини таъкидлашади².

Қарздор пул қиймати ўсиши (фало) ёки қадрсизланиши (рухс) ҳолатларида шартномада белгиланган ва зиммасига ўтган миқдорни тўлайди. Бу ўринда ҳеч қандай шаклда қарзни кўпайтириш ёки камайтириш мумкин эмас. Ҳақдор шартномада белгиланган миқдордан ортиқчасини талаб қилишга ҳақли эмас³.

* * *

Олтин ва кумуш пулларнинг қиймати улар ясалган модда қийматидан келиб чиқади. Майда пулга бўлган талабни қондириш мақсадида давлатлар томонидан чиқарилган олтин ва кумушдан ташқари, бошқа моддалар аралашмасидан ясалган пуллар ҳам фулус деб аталади. Яратилиш жиҳатидан пул ҳисобланган олтин ва кумушнинг майда пули саналган фулус эса қийматини ўзи ясалган олтин ва кумушдан эмас, балки халқ уни пул деб қабул қилиши туфайли топган. Муомаладан чиқиб кетган тақдирда эса фулуснинг қадри у ясалган модданинг қийматидан келиб чиқиб ўлчанади.

Тарихнинг турли даврларида, турли худудларда пулнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ турли вазиятлар юзага келган. Улар билан боғлиқ масала-

¹ Ибн Кудома. Шархул кабир.

² Ал Ҳайтамий. Туҳфатул-Муҳтаж Шархул Минҳаж.

³ Ибн Кудома. Аш Шархул Кабир.

ларнинг ечими тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган. Фақиҳлар пулнинг бутунлай муомаладан чиқиб кетишини “касад”, фақат валюта шаҳобчаларида топилишини эса “инқито” деб номлашган. Абу Ҳанифа ҳар икки ҳолатда ҳам шартнома бекор бўлишини айтса, Имом Абу Юсуф ва Ҳанбалийларнинг фикрлари, Моликийларнинг унчалик машҳур бўлмаган ижтиҳодларига кўра касод ҳолатида қарздор шартнома тузилган кунни инобатга олган ҳолда муомаладаги бошқа пул бирлиги орқали унинг қийматини тўлаши зарур.

Имом Муҳаммад ва Ҳанбалийнинг бир қисм олимларига кўра, қарздор киши пулнинг муомаладаги сўнгги кунини асос олган ҳолда унинг қийматини ҳисоблаб тўловни амалга оширади.

Шофеий ва Моликийларнинг энг афзал фатволарига кўра пул муомаладан чиқса қарздор шартномада кўрсатилган маблағни тўлайди. Бу ҳолат ҳақдор учун бир офат, мусибат деб қабул қилинади. Инқито ҳолатида эса Ҳанбалийларнинг фикрлари Имом Муҳаммад билан бир хил.

Имом Абу Юсуф инқито вазиятида қарз қийматининг тўланишини айтса, Шофеъий ва Моликийлар шартномада белгиланган қарznинг миқдорича тўлашишини ижтиҳод қилишган. Бунинг имкони бўлмаса, қиймат инобатга ҳолга ҳолда қарз узилади. Бу нуқтада қарznинг қай йўл билан (товар сотиш, михри муажжал, қарз шартномаси в.х) пайдо бўлганининг аҳамияти йўқ.

Имом Абу Ҳанифа, Шофеий ва Ҳанбалийлар, Моликийларнинг энг машҳур ва Абу Юсуфнинг дастлабки фикрига кўра фулус билан қарздор бўлган

киши тўлайдиган миқдор пул қадрсизланса ёки қиймати кўтарилса ҳам шартномада белгиланган маблағдир. Бу ўринда ҳеч қандай шаклда қарзнинг ортиқча ёки кам берилишига йўл қўйилмайди. Ҳақдорнинг бундан ортигини талаб қилишга ҳаққи йўқ. Чунки пулнинг пул хусусияти ҳали давом этмоқда.

Имом Абу Юсуф қиймати пасайган фулус билан боғли иккинчи ва якуний фикрини шундай изоҳла-моқда: “Бу мавзуда менинг ижтиҳодим Абу Ҳанифа-нинг ижтиҳоди билан бир хил эди. Сотувчи шартномада кўрсатиб ўтилган фулусдан ортигини ололмайди”¹.

Имом Абу Юсуф кейинчалик бу фикридан қайтади ва қадрсизланган фулуснинг қарздор бўлинган кундаги (яъни товарни қабул қилиб олинган кун) қиймати ҳисобланиб муомаладаги пул бирлиги орқали ҳақдорга тўланиши лозимлигини айтади².

Фулус қадрсизланган вазиятлар учун Ҳанафий мазҳабининг фатволарида асос қилиб олинган бу фатво Имом Абу Юсуфнинг якуний фикридир³.

Ўз вақтида тўланмаган қарздорликларда инфляция фарқининг тўланиши зарурлигини илгари сурган фикҳ олимлари ҳам Абу Юсуфнинг юқоридаги фикрини асос қилиб олишган⁴. Давлатларнинг арzon уйжой қуриш корхоналаридан уй сотиб олмоқчи бўлгандар кишиларнинг дастлабки тўловдан қолган қисми Учун давлат банкларидан кредит олишларини жоиз

¹ Ибн Обидин. Танбехул Рукуд.

² Ибн Обидин. Танбехул Рукуд.

³ Ибн Обидин. Танбехул Рукуд.

⁴ Хайдардин Қараман. Қиёсий Ислом хукуқи.

деб фатво берган Туркия диний идораси вакиллари-нинг баъзилари бу ҳолатни зарурат¹ деб ҳисоблашган бўлса, баъзилари имом Абу Юсуфнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда тўғри деб ҳисоблашган.

Инфляция фарқини қарзга қўшган ҳолда фатво берган олимлар ўз фатволарини Абу Юсуфнинг фулус қадрсизланса унинг қиймати инобатга олиниши ҳақидаги ижтиҳодини таҳриж қилишлари ҳолатга бошқа томондан қаралганда тўғри эмаслиги кўрсатмоқда. Мавзуни кенгроқ таҳлил қилинадиган бўлса, Абу Юсуфнинг ижтиҳоди қарзларни CPI (истеъмол нархлари индекси)га кўра, фоизга боғлаган фикрлар билан алоқаси йўқлигини аниқлаш мумкин. Зеро, ҳаммага маълумки, инфляция, дефляция, CPI (истеъмол нархлари индекси)ва бу индексни асос қилиб олиб пулнинг қийматини аниқлаш Имом Юсуф замонида бўлмаган ва кейинчалик пайдо бўлган тушунчалардир².

Бунга кўра Имом Абу Юсуфнинг фулус қадрсизланганда шартнома кунини асос қилиб олиб бошқа пул бирлиги орқали унинг қийматини тўлаш кераклиги тўғрисидаги фатво билан замонавий иқтисодда қарзнинг CPI (истеъмол нархлари индекси)га кўра ҳисобланиб фарқни фоиз сифатида қарзга қўшилиши кераклиги тўғрисидаги фикрларнинг бир-бирига алоқаси мавжуд эмас. Авваллари фулус олтин ва кумуш пулга боғлиқ бўлиб, ҳар иккисини асос қилиб қиймат аниқланадиган алмаштириш воситаси эди.

¹ www.diyonetkurul.com

² Ал Усмоний Муҳаммад Тақий, “Фикҳул Бую”, Мактабату Маъариғил Куръан, Карабчи, 2015.

Зеро, фулус олтин ва кумуш пулларнинг майда пули ҳисобланарди. Бунга кўра, 10 фалс кумуш пул сифатида бир дирҳамга тенг эди. Бир фалс бир дирҳамнинг ўндан бири ҳисобланарди. Фалснинг бу қиймати у ясалган моддага биноан эмас, балки одамларнинг уни пул деб қабул қилишлари туфайли рамзий маънога эга бўлганди. Одамлар 1 фалсни 1 дирҳамнинг ўндан бири сифатида қабул қилганлари каби, 1 дирҳамнинг 20 дан бири сифатида ҳам қабул қилишлари мумкин эди. Олимлар “Руҳс” деб номлаган бу ҳолат фулуснинг шу тарзда қиймат йўқотишидир. “Фало”дан мақсад эса одамларнинг 1 фалсни бир дирҳамнинг 5 дан бери деб тан олишларидир¹.

Имом Абу Юсуф билан Абу Ҳанифа бошчилигидағи кўпчилик уламолар орасида келиб чиққан ихтилоф уларнинг фулус қийматини аниқлаш борасидаги фарқли фикрларидин келиб чиққан. Аксарият фақихлар фулусни дирҳам ва динор билан доимий алоқаси бўлмаган мустақил пул сифатида қабул қилишган. Шу сабабдан фулус билан қарздор бўлган киши фулуснинг дирҳамга нисбати қандай бўлишига қарамасдан олган миқдорини айнан тўлайди².

Абу Юсуф эса фулусни дирҳамнинг майда пули бўлгани каби, одамлар ҳам қабул қилган пул сифатида кўради. Унга кўра бир қарз шартномасида кишининг фулус билан қарздор бўлиши фулус миқдори

¹ Ал Усмоний Мұхаммад Тақиј, “Фикхул Бую”, Мактабату Маърифил Куръан, Карабчи, 2015.

² Ал Усмоний Мұхаммад Тақиј, “Фикхул Бую”, Мактабату Маърифил Куръан, Карабчи, 2015.

билин қарздор бўлиш дегани эмас. Бундай қарздорликнинг маъноси маълум рақамлар орқали ифодаланган дирҳам билан қарздор бўлишидир. Шу сабабли Абу Юсуф (фулуснинг сони қарз олингандан кўп бўлса, ҳам) фулус шаклидаги дирҳам бўлакларини қайтаришни шарт деб билади¹.

Юқоридаги ифодалардан кўриниб турибдики, Абу Юсуф фулусни мустақил пул сифатида тан олмаган, уни бошқа пулга боғлиқ ва ўша пулнинг майдада шакли сифатидаги пул деб қабул қиласан. Қийматини йўқотган пайтларда у боғлиқ бўлган пул асос қилиниб қиймати аниқланган. Мижознинг зиммасидаги қарздорлик фулус боғлиқ бўлган пул бирлиги устидан тўланган. Замонимизда муомалада бўлган қофоз пул эса фулус каби бирон бир пул бирлигига боғлиқ бўлмагани учун уни олтин ёки кумушнинг бўлаклари деб қабул қилиб бўлмайди.

Қофоз пуллар эса мустақил ва ўзига хос пуллардир².

Шу боис маълум бир пул тизимиға боғлиқ бўлган фулуснинг қийматини аниқлаш мумкин бўлса-да, қофоз пулларнинг бу тарздаги қийматларини аниқлаш имкони мавжуд эмас. Зеро, қофоз пулларда қиймат аниқлаш аниқ асосларга кўра эмас, балки тахминларга таянади. Бундай вазиятларда қофоз пулларни фулус билан қиёслаш тўғри бўлмайди.

¹ Ал Усмоний Муҳаммад Тақий, “Фикхул Бую”, Мактабату Маърифил Куръан, Карабчи, 2015.

² Ал Усмоний Муҳаммад Тақий, “Фикхул Бую” Мактабату Маърифил Куръан, Карабчи, 2015.

Инфляция фарқининг қарзга қўшишни жоиз деб билган фиқҳ олимларининг қарзни CPI (истеъмол нархлари индекси)га боғлаш кераклигини айтишлари мислий пулни қиямий товарга айлантиришлари демакдир.

Германиянинг аввалги пул бирлиги бўлган “марк”нинг муомаладан чиқиши каби вазиятларда пулнинг қиймати асос қилиб ҳисобланади. Фақат Ислом ҳукуқида устун бўлган фикрга кўра пул қадрсизланса қарзлар мислий шаклда тўланиши керак. Бу борада олимлар орасида ихтилоф мавжуд эмас. Қарзларни CPI (истеъмол нархлари индекси)га боғлаб тўлаш кераклигини илгари сурадиган фиқҳ олимлари ҳам бу иттифоққа қўшилишади¹. Бу ўринда бир товарнинг “мислий” эканлигини айтишдан мурод нима эканини аниқлаштириб олиш керак бўлади.

Бир-бирига ўхшаган нарсалар учун қўлланиладиган “мислий” сўзи истилоҳда ўхщаши осонлик билан эришиладиган товарлар маъносини англатади². Бозорда орасида ҳеч қандай фарқсиз бир-бирининг ўрнига ўтадиган, иқтисодий фойдаси жиҳатидан бир хил хусусиятларга эга бўлган товарлар ҳам мислий товарлар ҳисобланади³.

Мислий товарлар миқдорларини аниқлаш шаклига қараб тўртга бўлинади:

1. Олтин, кумуш, олма каби оғирлик ўлчови билан аниқланадиганлар. (Вазний)

¹ Ал Усмоний Муҳаммад Тақий, “Фиқхул Бую”, Мактабату Маърифил Куръан, Карабчи, 2015.

² Муҳаммад Раввос Қалъажи, “Муъжаму Лугатул фуқаҳо”.

³ Али Ҳайдар Афанди, “Дуарарул Ҳукам”.

2. Зайтун ёғи ва дон маҳсулотлари каби миқдори ўлчов билан аниқланадиганлар. (Кайлий-ҳажм ўлчови, масалан идишлар орқали)

3. Тухум, апельсин каби санаш йўли билан аниқланадиган¹, катталиклари ва қийматлари бир-бираiga яқин бўлганлар. (Ададияти мутақориба)

4. Мато каби миқдори узунлик ўлчови билан аниқланадиганлар². (Заърий)

Фабрика, заводларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам мислий товарлар қаторида ҳисобланади. Товарлар урф-одатларнинг ўзгаришига қараб вазний бўлса, кайлий ёки кайлий бўлса, вазний бўлиб қолиши мумкин. Масалан, авваллари қайлий товар ҳисобланган дон маҳсулотлари бугунга келиб вазний товарга айланган³.

Бозорда бир хили, одамлар орасида қўлланилаётган ўхшashi бўлмаган товар қиямий товар деб аталади⁴. Уйлар, туя ва қўй каби ҳайвонлар, қимматбаҳо тошлар ва қўлёзма китоблар каби нарсалар ҳам “қиямий” товарлар ҳисобланади⁵. Кўйлар бир хил турдан бўлса, ҳам бир хил деб бўлмайди. Ҳар бирининг бошқасидан фарқи бор. Шу боис савдо-сотик жараёнида уларнинг ҳар бирини алоҳида нархланади.

¹ Зайдон, Абдулкарим, “Ал Мадҳал ли Дирасатиш Шариатул Исломийя”, Муассасатур Рисола, Байрут, 1999.

² Мажалла, 132-136, 145-148 моддалар

³ Зайдон, Абдулкарим, “Ал Мадҳал ли Дирасатиш Шариатул Исломийя”, Муассасатур Рисола, Байрут, 1999.

⁴ Қалъажи, Муҳаммад Раввос, “Ал Муомалатул Малиятул Муосира”, Дорун Нафоис, Байрут, 1999.

⁵ Зайдон Абдулкарим, “Ал Мадҳал ли Дирасатиш Шариатул Исломийя”, Муассасатур Рисола, Байрут, 1999.

Вақт ўтиши билан қиямий товарлар мислийга, мислий товарлар эса қиямийга айланиши ҳам мумкин. Фақат қарз шартномаси мислий товарлар устидан амалга оширилади. Ҳанафийларнинг рибо ижтиҳодига кўра тортиш ва ўлчаш билан миқдори аниқланадиган барча мислий товарлар рибавий ҳисоблангани учун буларнинг бир-бири билан айирбошлишда рибо (фоиз) чеклов-тақиқларга риоя қилиш керак бўлади. Акс ҳолда шартнома ботил бўлади. Шартнома тузиш жараёнида тарафлар товар ёки хизматнинг бадалини мислий товар сифатида қабул қилинган маълум миқдор пулни белгилашган бўлса, у қарздорлик белгиси сифатида намоён бўлгани учун ўзгармайди.

Қарз шартномаларида тенгликни таъминлаш учун фоиздан йироқ туриш керак. Бу ҳақида Абу Саид ал Ҳудрий шундай дейди: “Аллоҳ Расули (с.а.в.) даврларида бизга унча яхши бўлмаган хурмо бериларди. У бошқача турдаги хурмоларнинг аралашмаси эди. Биз бу хурмонинг икки ўлчовини бир ўлчов яхши хурмо эвазига сотардик. Бу ҳолат Пайғамбар алайҳис-саломга етиб борди ва У зот бунга нисбатан шундай муносабат билдирилар: “Икки ўлчов хурмога бир ўлчов хурмо, икки ўлчов буғдойга бир ўлчов буғдой, икки дирҳамга бир дирҳам тўғри келмайди”¹.

Бундан кўриниб турибдики, икки ўлчов эвазига сотилган хурмонинг қиймати бир ўлчов эвазига сотилган хурмодан кўп ҳисобланади. Аллоҳ Расули (с.а.в.) миқдор ва ўлчовда қарама-қарши тенгликка-

¹ Имом Бухорий ривояти.

гина рози бўлдилар. Орадаги фарқни эса зиён деб қабул қиласалар.

Билол Ҳабаший (р.а.) (хурмонинг энг яхшиси деб тан олинган) барний хурмоси олиб келди. Пайғамбар алайҳиссалом: “Буни қаердан олдинг?” деб сўрадилар. Бунга жавобан ҳазрати Билол (р.а.) шундай деди: “Бизда унча яхши бўлмаган хурмо бор эди. Сизга олиб келиш учун ўзимизницидан икки ўлчов бериб ундан бир ўлчов олдик.” Буни эшитган Расулуллоҳ (с.а.в.): “Эй воҳ, бу қилган ишингиз рибо-ку! Асло бундай қилманг. Яхши хурмо сотиб олмоқчи бўлсангиз, бошқа савдо битими билан қўлингиздаги хурмони сотинг. Сўнг унинг пули билан яхши хурмони сотиб олинг”, – дедилар¹.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) рибавий товарларни сотишда тенглик шарт эканлигини буорганлар. Фақат бу тенглик қийматда эмас, баки миқдорда бўлиши керак. Сифатли хурмо паст сифатли хурмодан анча қиммат ва қиймати баланд бўлишига қарамасдан Аллоҳ Расули (с.а.в.) икки хил хурмони айирбошлиш жараёнида сифатга аҳамият бермасдан ўлчов teng бўлишини амр қилганлар.

Рибавий товарларни аниқлаш учун асос қилиб олинган ҳадиси шарифда қўйидагича баён қилинади: “Олтин олтин билан, кумуш кумуш билан, буғдой буғдой билан, арпа арпа билан, хурмо хурмо билан, туз туз билан тенгма тенг ва нақд сотилади. Турлари фарқли бўлса, истаганингиздек (нақд бўлиш шарти билан) сотинг”².

¹ Имом Бухорий ривояти.

² Имом Муслим ривояти.

Мавзу билан боғлиқ яна бир ҳадиси шариф куидагичадир: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: “**Олтинга** (тeng қийматдаги) олтин, **кумушга** (тeng қийматдаги) кумуш, **буғдойга** (тeng қийматдаги) буғдой, **арпага** (тeng қийматдаги) арпа, **хурмога** (тeng қийматдаги) хурмо, тузга (тeng қийматдаги) туз, ўхшишига ўхшаш, тенгма-тенг, қўлма-қўл. Бас, ким зиёда қилса, ёки зиёда қилишни талаб қилса, батаҳқиқ, рибога йўл қўйибди. Уни олувчи ҳам, берувчи ҳам барибир.”¹

Ҳадислардан кўриниб турибдики, рибавий товарларнинг ўзаро савдосида қиймат эмас, балки миқдордаги тенглик муҳим. Абу Юсуфнинг фулус қадрсизланганда битим кунини асос қилиб олиб қарзнинг олтинга² нисбатан қийматининг аниқланиши ҳақидаги фатвоси фулуснинг олтинга боғлиқ пул бирлиги сифатида баҳолангани сабаблидир. Фулус қадрсизланса у боғлиқ бўлган асосий пул-олтинга кўра унинг қиймати аниқланади.

Имом Абу Юсуфнинг фатвоси битим тузилиб қарз тўланмасидан аввал мамлакат иқтисодий жиҳатдан инқирозга дучор бўлганда фулуснинг савдо кунидаги қиймати асос қилиб олинишини кўрсатади. Кунимизда эса инфляция фарқи битим тузиш йиғилишларида муҳокама қилинмоқда, ошкора равища белгиланган миқдорга қўшимча тўлов қўшилиши ай-

¹ Имом Муслим ривояти.

² Ҳанафий мазҳабига кўра фулус қадрсизланганда олтин ва кумушга кўра ўлчанади ва орадаги фарқ бу моддаларга кўра аниқланади. Кейинчалик кумушнинг олтинга нисбатан қиймати тушиб кетгач олтин асос қилиб олинган.

тилмоқда. Фоиз шу тариқа расмийлаштирилмоқда. Пулнинг қадрсизланиши сабаб ҳақдорга етадиган зарни бартараф қилиш учун танланадиган йўл фоиз бўлмаслиги керак. Бунинг ўрнига бошқа муқобил ҳалол йўллар билан чора қидириш лозим бўлади. Масалан, 10 долларга сотиладиган бир товар 12 ой муддатга сотилса, 12 долларга чиқариб сотилади. Битим ҳам шунга кўра тузилади. Тахминий заарлар шу шаклда бартараф қилинади.

Туркия диний идорасининг арzon уй-жой қуриш корхоналаридан уй сотиб олиш борасидаги ва шунга ўхшаш фатволари шартноманинг бошиданоқ кредитли амалиёт йўлга қўйилгани боис тўғри ҳисобланмайди. Зоро, бу ерда пулнинг ҳақиқий маънодаги қадрсизланиши ҳали маълум эмас. Шу боис Абу Юсуфнинг фатвосига таяниб бу хусусда фатво бериш жоиз эмас.

Битимнинг бошидан ёзиш шарти билан пул ҳаддан зиёд қадрсизланганда, у келтирадиган заарни йўқ қилиш учун қарзнинг қарздор бўлинган кундаги олtinga нисбатан қиймати аниқланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, пулнинг қадрсизланиши билан касод бўлиши бир хил жараён ҳисобланмайди. Шу сабабли касод ҳолатида пулни қиймат ҳисобида тўлаш мумкин бўлса, қадрсизланган вақтда жоиз бўлмайди.

ХУЛОСА

Фоизни тақиқлаган наsslарда (оят ва ҳадислар) бирор бир истиснонинг келтирилмаганлиги, амалиётда Аллоҳ Расули(с.а.в.) томонларидан ҳеч қандай

имтиёз берилмаганлиги, макон ва тузумларга кўра ижтиҳод турларининг кўпайиб кетмаганлиги кўрсатиб турибдики, фоизли муносабатлар Дорул Исломда қандай ҳаром бўлса, Дорул ҳарбда ҳам шундай ҳаром бўлади. Фоизнинг ози ҳам кўпи ҳам, мусулмонлар орасида бўлса ҳам мусулмонлар билан ғайримуслимлар орасида бўлса ҳам бу ҳолат ўзгармайди. Бу ўринда мусулмоннинг фоиз олувчи ёки берувчи тараф бўлишининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Аллоҳ Таоло ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз бермаган ҳолда фоиз билан шуғулланганларни Аллоҳ ва Расули (с.а.в.) билан жанг қилувчиларга тенглаштирумокда. Қандайдир истисноий ҳолатлар қидириш фоизни қонунийлаштириш учун замин тайёрлаб беради. Шу билан бирга одамларнинг узоқ вақт бошқалар томонидан иқтисодий эзишга ҳисса қўшилади. Фоизсиз иқтисодий тизимнинг ривожланишига тўскىнлик қилинган бўлади.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ижтиҳодини асос қилиб олиб, гайри Исломий қонунлар билан бошқариладиган Ҳиндистонда фоизли муносабатларга жавоб берган Ашраф Али Таҳонавий бу ҳолатда фойда қилган тараф мусулмонлар эмас, балки империалист глобал сармоя эгалари эканини сезгач, аввалги ижтиҳодидан қайтиб жумхур каби ҳар қандай ҳолатда фоизнинг ҳаром эканини эътироф қилган. Аслида бу фикр фатвосида мусулмонларнинг ютадиган тараф бўлишини шарт қилиб қўйган Абу Ҳанифа ҳазратларининг фикрларига ҳам мақсад жиҳатидан мос ке-

ФОИЗСИЗ БАНК ТИЗИМЛАРИ

“Тижорий муассасаларнинг ва давлатларнинг фоиз эвазига қарз олишлари мумкин бўлган тизим бўлмаса иқтисодиёт чўкади, одамлар қунлик эҳтиёжларини қондира олишмайди, фабрика эгалари хом-ашё ололмайди, янги иш жойлари ташкил қилиб бўлмайди, ҳукуматлар фуқаролар олдидағи мажбуриятларини бажара олмайди, саноат ўлади, йўл, кўприк, аэропорт қуриш каби каби муҳим ишлар амалга оширилмайди. Бу нарсаларнинг бари учун фоизли кредит олиш шарт. Фоизли муносабатлар бемалол бўлган иқтисодий тизимларда халқнинг чўнтағидаги оз микдорда сармоя билан катта ишлар қилиб бўлмайди.”

Бу бўлимда юқоридаги фикрларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини таҳлил қилиб мавжуд иқтисодий тизимлар ўзгариши мумкин ёки эмаслиги, агар ўзгариши мумкин бўлса, унинг ўрнини қандай муқобил иқтисодий тизим эгаллаши мумкинлиги хусусида фикр юритамиз.

1. ФОИЗГА АСОСЛАНГАН БАНК ТИЗИМИ

Фоиз юқорида айтиб ўтилганидек, ҳаётни осонлаштирувчи, янги иш ўринлари очувчи, пулдан тўғри макон ва тўғри замонда фойдаланиш воситаси эмас, балки кўпчиликнинг фойдаси озчилик томонидан ўзлаштирилишининг расмий иқтисодий номидир. Зоро, фоизга асосланган иқтисодий тизимлар сармояни маълум озчиликнинг қўлида тўплагани учун бойларни янада бой, камбағални янада камбағал қиласи. Бугун дунёning 80 фоизи дунёдаги даромаднинг 6 фоиз-

зига эгалик қиласи, холос. Бошқача қилиб айтганда, энг бой 300 киши энг фақир З миллиарддан одамдан кўпроқ бойликка эгадир. XIX асрнинг бошларида бой мамлакатларнинг сармояси фақир мамлакатлар бойлигининг З баробари экан, бугунга келиб бу фарқ 80 баробарга чиқди.

Фоизга асосланган банк тизими халқнинг қўлидаги сармояни оз сонли бойлар қўлида тўплашни, Исломий молия эса сармояни тижорат йўли билан кўпайтиришнинг формуласини таклиф қиласи. Шунинг учун капитализмда фоиз тижоратдан олдинда турса, Исломда фоиз ҳаром ҳисобланиб, тижорат ҳалолдир.¹ “Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гапларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат еттач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир. (*Бақара сураси*, 275-оят)

Банклар аҳоли пулинни кам сонли сармоядорлар қўлида тўпласа, Исломий финанс шериклик асосида тўпланган маблагни ишлаб чиқарувчилар учун завод, фабрика қуриб, савдогарлар учун товар олиб кўпайтиришни режалаштиради. Сўнг эса топилган фойданни ҳиссадорлар ўртасида тақсимлайди. Биринчисида кўп сонли одамлар зарар кўрса, озчилик уларнинг

¹ Бақара сураси, 275-оят.

ҳисобига катта даромад кўради. Иккинчисида эса ҳар бир тарафнинг фойда кўриши таъминланади.

Фоизга асосланган иқтисодий тизимлар озчилик ҳисобига кўпчиликни қандай фақирлаштиргани хусусида Тоқий Усмоний ўз давлатидаги маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда шу фикрларни айтади: “Покистонда 2008 йилда 24 900 000 ҳисоб рақам эгасидан фақатгина 0.1 % и барча сармоянинг 1.95 триллионидан фойдаланди. Бу умумий қарзларнинг 69 фоизи демакдир”.

Бу шуни англатадики, миллионлаб одамлар банкка кўйган омонатларининг 69 фоизини одамларнинг фақатгина 0.1 фоизи ишлатган холос. Топилган даромадга нисбатан жуда оз миқдорда фоиз омонатчиларга фоиз шаклида берилган. Қолган фойда эса озчилик сармоядорлар сармоясини янада ортирган. Масала шу билан чекланмаган. Одамлар банкларга кўйган омонатлар ҳисобидан кредит олган сармоядорлар банкка тўлаган фоизларини қайтадан чўнтакларига тушиши учун ишлаб чиқарган маҳсулотларининг таннархига илова қилишмоқда. Бу ҳийлали йўл орқали банк томонидан одамларга берилган фоиз шаклидаги фойдани маҳсулотни қимматроқ нарҳда сотиб улардан қайтариб олишмоқда. Шу тариқа оддий халқнинг чўнтағига даромад тушмасдан, барча фойда оз сонли сармоядорнинг ҳисобига ўтмоқда¹.

Жамиятда аксарият фойдасининг оз сонли одамларнинг ҳисобида тўпланиши баъзи баъзида инфляция рақамларидан кам бўлган миқдорда омонатчи-

¹ Тақий ал Усмоний, “Асбабул азма”, 18-бет.

ларга (мудийлар)¹ берилган фоизни нархига қўшимча қилинган маҳсулотлар ҳисобидан қайтариб олиш исми қўйилмаган ноҳақ даромад топиш тизимиdir. Ҳатто банклар энг яхши кўрадиган мижозлар ҳам, омонатчилар ҳам банклар томонидан алданмоқда. Буни шундай тушуниш мумкин: Банкларда икки хил фоиз тури мавжуд. Эффектив фоиз ва номинал фоиз. Эффектив фоиз 12 ойлик фоиз ҳисобланса, номинал фоиз бир ойлик ҳисобланади. (Маълумотлар турк банк тизимига оид-тарж.) Банк фоизли омонатта пул қўйган кишиларга эффектив фоиз (12 ойлик) даражалини айтишади.

Лекин уларга номинал фоиз (бир ойлик) фоиз беради. Мавжудлиги бошқаларни кемириш ҳисобига бўлган банклар ўзларига фойдаси теккан кишиларни ҳам ҳеч иккilanмай алдай олишади. Шу сабабли Шарқ ва Farbdan баъзи иқтисодчилар бу тизимга қаттиқ қаршилик қилишмоқда. Шу ўринда Жеймс Робертсоннинг² шу сўзларини эслаш жоиз: “Иқтисодий тизимимизда фоизнинг кенг тарқалиши пулнинг тизимли равишда фақирлардан бойларнинг қўлига ўтишига сабаб бўлди. Бунга қўшимча тарзда фойда манбаларининг фақирлардан бойларга ўтиши учинчи дунё мамлакатларидағи³ қарз инқирози даҳшатли тус олди ва бу ҳудудий муаммо ҳолидан чиқиб глобал муаммога айланди”⁴.

¹ Мудийлар-банкка пул қўйган омонатчилар.

² Инглиз иқтисодчиси.

³ Ривожланмаган давлатлар.

⁴ Тақий ал Усмоний, 49-бет.

2018 йилнинг август ойида Туркияда ТЛ (турк лираси)нинг валютага (доллар назарда тутилмоқда-тарж) нисбатан қийматининг пастлаб кетиши ва инфляциянинг кўтарилиб кетишига ҳамоҳанг равишда йиллик 40 фоизга етган кредитларни ишлаб чиқарувчилар ва якка тартибдаги мижозларга, аниқроғи реал мижозларга сотолмаган банклар ҳисобларидағи маблағни Хазинанинг қимматбаҳо қофозларига (Туркиядаги давлат фазнаси шундай деб аталади-тарж) ўгиришди. Шу тариқа банклар юксак фоиз орқали даромад тошишнинг янги йўлини топишиди.

Юксак фоизлар туфайли мижозларига юзланолмаган банклар ўzlари учун хотиржамроқ ва қулайроқ даромад манбай сифатида давлат облигацияларига йўналишди¹.

Юксак фоизлардан келиб чиқсан бу вазиятга аҳамият қаратган иқтисодиёт бошқарув вакиллари давлатнинг фоиз харажатлари прогнозини икки баробарга кўтаришди. Янги иқтисодий режага кўра бу йил (2018 йил) 76.4 миллирад ТЛ бўлиши кутилаётган фоиз харажатлари 2019 йилда 117.3 миллиард, 2020 йилда 147.7 миллиард ва 2021 йилда эса 171.4 миллиард бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг яқин келажакдаги фоизсиз харажатларининг 40 фоизга ортиши тахмин қилинаётган бўлса, фоиз харажатларининг 125 фоизга кўпайиши кутилмоқда².

Беш йилда тўлаш шарти билан олинган 100 000 лиралик уй-жой кредитидан ҳосил бўлган қарзнинг

¹ Давлатнинг фоиз ҳисобига қарздор бўлганини тасдиқловчи қимматбаҳо қофоз.

² Yenisafak.com/ekonomi/bankalarin gozu ekonomide/

жами 212 миллиардга¹ кўтарилиб кетиши якка тартибдаги мижозларнинг ҳам аҳволини танг қилади. Бу муҳитда янги ишлаб чиқариш корхоналари тўхтайди, мамлакатда ўсиш суръати секинлашади, халқ қашшоқлашади ва ишсизлик ортади².

2. ИСЛОМИЙ ФИНАНС (МОЛИЯ) ТИЗИМИНИНГ КЎРИНМАС ТАРИХИЙ РЕЖАСИ

Савдонинг ҳалол, фоизнинг ҳаром эканини билдирган Қуръони Карим³ “Судхўрлар (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гапларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ баийъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзигава унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир.” (*Бақара сураси, 275-оят*) намозга буюргани каби, масжиддан чиқиб ташқарида ризқ қидиришни, меҳнат қилишни амр қилади⁴. “Бас, қачонки, намоз адo қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингизлар! Аллоҳни кўп ёд этингизлар, шояд (шунда) нажот топурсизлар.” (*Жумъа сураси, 10-оят*)

¹ Yenisafak.com/ekonomi/bankalarin gozu ekonomide/

² Бу бўлим Туркияда фоизларнинг маълум миқдор тушишидан олдин ёзилган.

³ Бақара сураси, 275-оят

⁴ Жумъа сураси, 10-оят

“Савдогарларнинг ҳажи қабул бўлмайди”, деб ўйланадиган муҳитда Аллоҳ Таоло: “Раббингиздан (ҳаж мавсумида тижорат билан) фазл тилашингизда сизларга (ҳеч қандай) гуноҳ йўқдир”¹ (*Бақара сураси, 198-оят*) – деб амр қилиб Ҳаж амалини бажариш асносида ҳам тижоратнинг ҳалол эканини билдирган.

А) Мадина бозори

Оятлар каби ҳадисларда ҳам тижорат ва ишлаб чиқаришга ташвиқ қилиниши² саҳобалар ҳаётида жуда катта ижобий таъсир қилган. Бунинг натижасида улар Мадина бозорида устунликка эга бўлишган. Бундан ташқари шаҳарда савдо ҳажмининг ортишига сабаб бўлган. Ҳусусан, Аллоҳ Расули(.с.а.в)нинг Мадина бозоридаги савдогарлардан ер учун солиқ олмасдан 1400 йил олдин тижоратни ривожлантириш учун амалга оширилган ташвиқ тизими бугун учун ҳам ўрнак амалиёт ҳисобланади.

Б) Байтул мол/Давлат хазинаси

Исломдаги тижорий фаолиятларнинг бир қисми Исломдан аввал Арабистон яриморолида мавжуд бўлган амалиётларнинг давоми шаклида, асосий қисми эса илк марта Ислом назариясида тилга олинган молиявий амалиётдир. Ислом давлати чегараларининг жуда тез кенгайишига боғлиқ равишда сиёсий, фикрий, ижтимоий ва иқтисодий маънода

¹ Бақара сураси, 198-оят.

² Куйидаги ҳадиси шариф маҳаллий маҳсулотларни истеъмол қилишга ташвиқ қилинган ривоятлардан бири ҳисобланади. Ибни Можа, Ҳадис № 2810.

пайдо бўлган муаммолар насслар (оят ва ҳадислар) ёрдамида бартараф қилинган. Молиявий эҳтиёжни қондириш жараёнида эса “Байтул мол/давлат хазинаси”, меҳнат-сармоя шерикчилиги/музораба каби институт ва амалиётлар юзага келди. Аллоҳ Расули (с.а.в.) даврларида асос солинган ва пойдевори қурилган “Байтул мол”нинг вақтлар ўтиб жуда катта эҳтиёжларни таъминловчи муассасага айланди. “Байтул мол”нинг энг муҳим фаолиятларидан бири савдогарларга қарз бериш эди. Хусусан, Исломнинг илк йилларида фоизсиз қарз бериш кенг тарқалганди. Ибнул Асирнинг нақл қилишича, ҳазрати Умар (р.а) Ҳинд бинти Утбага “Байтул мол”дан 4000 дирҳам қарз берган ва у пулдан тижорат мақсадида фойдаланган¹. Ҳазрати Умар (р.а.) турли сабаблар билан “Байтул мол”дан қарз олган. Ҳазрати Умар (р.а.) халифалик қилган даврда Басра волийлиги қилган Абу Мусо ал Ашъорий ҳалифанинг икки ўғли Абдуллоҳ бин Умар (р.а.) ва Убайдуллоҳ бин Умар (р.а.) Басра байтул молидан Мадинадаги марказий байтул молга олиб бориш учун маълум микдор берган. Улар бу пулга Ироқдан товар олиб Мадинага олиб боришган ва у ерда сотиб байтул молнинг пулини ўрнига қўйишишган. Ҳазрати Умар (р.а.) бу тижоратдан топилган фойданинг ярмини байтул мол учун олиб қўйганлар². “Байтул мол”нинг бир филиали(бўлими) дан олинган қарз унинг бошқа бўлимига тўланиши мумкин эди.

¹ Абу Қосим Ибн Асакир, “Тариху Мадинати Дамашқ”.

² “Байтул мол”, ДИА

В) Сарроф

Ислом давлатининг бошқа давлатлар ва уларнинг мустамлакалари билан ўзаро муносабатлари доирасида маҳаллий валютанинг хорижий давлатлар пулларига алмаштириш масаласи пайдо бўлди. Дастрраб бу ишни саррофлар бажарди. Аббосийлар даврига келиб тижоратнинг кенгайиши билан мутаносиб равишда саррофлар фаолиятларини кучайтириб қарз бера бошладилар. Шу билан бирга саррофлар омонат пул қабул қилиш ва зарбхона билан халқ ўртасида воситачилик қилиш ишларини ҳам бажара бошлашди. Бир томондан тижорий заруратлар, бошқа томондан давлатнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжи саррофларнинг банклар каби фаолият юритишларига сабаб бўлди. Бундай ишлар билан шуғулланганларни сарроф эмас, балки “жаҳбоз” деб аталди. Улар худди банклар каби фаолият олиб боришли¹.

Г) Мехнат-сармоя шерикчилиги

Тарихий жараёнлар давомида одамларнинг молијавий эҳтиёжларини қондириш учун юқорида айтиб ўтилган муассасалардан ташқари бошқа муассасалар ҳам пайдо бўлди. Бир томондан булар фоизсиз банк тизимининг илдизи ҳисобланишади.

Мазкур амалиётлар ичida бу тизимнинг пойдеворини ташкил қилувчиси меҳнат-сармоя шерикчилиги деб таърифланадиган музорабадир.²

¹ “Жаҳбоз”, ДИА

² Ҳамди Дўндиран, “Ислом иқтисодиётида сармоя тўплаш ва уни кўлланиш усуслари”.

Д) Фоизсиз молия муассасалари

Фоизсиз банк тизими фоизнинг ҳаромлиги тўғрисида иттифоқ қилинган фикрлар, асрлардан бери Исломий ҳукмлар асосида фаолият юритиб келган тижорий муассасаларда тадбиқ қилинган (фикҳ китобларида тушунтирилган шаклда) Исломий финанс (молия) асосларига таянади. Фоизга асосланган замонавий банк тизимини қабул қилган Farb давлатлари Ислом ерларини ишғол қилгач, сиёсий тушунчалар билан бир қаторда иқтисодий назарияларни ҳам глобал ўлчовларда мусулмонларга қабул қилдириши Исломий финанс (молия)га катта зарба бўлди.

Банкларнинг иқтисодиётдаги катта ролини кўрган олимлар фикҳ китобларида Исломий молия (финанс) билан боғлиқ барча хусусларни жамлаб тақдим қилишлари натижасида Исломий банк тизими юзага келди. Замонавий банк тизимида бўлгани каби Исломий асосларга кўра фаолият юритиши режалаштирилган фоизсиз молия муассасалари ҳам сармоя эгалари ва тадбиркорлар ўртасида молиявий воситачи ролини бажариб сармоя ташкил бўлишига ва унинг тараққий этишига ёрдамчи бўлиши мўлжалланган¹.

Фоизсиз банк тизимининг асосида 15 асрдан бери Ислом жўғрофиясида амал қилиб келинган Исломий молия (финанс) туради.

¹ Микоил Алтан, “Фоизсиз банк тизимининг асослари”, 2010, 139-бет.

3. ЯҚИН ДАВРЛАРДАГИ ИСЛОМ МОЛИЯСИ (ФИНАНСИ)

Ислом мамлакатларини фикрий ва сиёсий жиҳатдан эгаллаб олган Farb давлатлари бу ерларни ташлаб чиқиб кетишаётганды ҳам молиявий қарамлика олиб келувчи иқтисодий тизимларини ҳам рақибсиз ишлайдиган ҳолда қолдиришди. Фоизли банклардан узоқда туришни истаган мусулмон ишбилармонларнинг сармояси фоизли тизим қаршисида йўқ бўлиш арафасида эди. Бунга бир чора қидирган Ислом уламолари Ислом банк тизими устида ишлай бошлишди. Сармоя эгалари ва тадбиркорлар орасида молиявий воситачи вазифасини бажарувчи бир муассаса ташкил қилинди. Фойда-зарар ва хатарга асосланган Исломий банк тизими билан боғлиқ дастлабки қадамлар 1940-йилларда ташланган бўлса, 1950-йилларга келиб бу лойиҳалар бироз кенгайтирилди.

Замонавий маънодаги дастлабки фоизсиз банк 1963-йилда Мисрда деҳқончилик билан шуғулланувчи кичик бир худудда курилган бўлиб номи “Mit Ghamr Savings Bank” бўлган. Бу банк эгалари 1972-йилда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан иккинчи фоизсиз банк Nasser Sosyal Bankни қуришган.¹

1975-йилда Саудия қироллик оиласининг ёрдами билан кўпчилиги араб ва бошқа мусулмон давлатлар иштирокида Ислом Тараққиёт Банки ташкил қилинди. Шу даврдан бошлаб фоизсиз банк тизими ривожланиши тезлашди. 1975-йилда Дубай Ислом Банки,

¹ Микоил Алтан, “Фоизсиз банк тизимининг асослари”.

1977-йилда Кувайт Финанс Уйи, 1977-йилда Миср ва Судан Файсал Ислом Банки, 1981-йилда Дор Ал Маал Ал Исломий ва 1982-йилда Ал Барака Банклари қурилди.

1977-йилда Ислом ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Ислом банкалари ва молиявий муассасаларини бошқариш ва фоизсиз банк тизимини танитиш учун халқаро Ислом Банклари ташкилоти қурилди. 1981 йилда Эронда, 1983 йилда Покистонда фоизсиз банк тизимини ривожлантириш мақсадида чиқарилган янги қонунлар орқали фоизли банк тизимларини иқтисодий тизимдан чиқариб юбориб бу хусусда муҳим қадам ташланди.¹

Туркияда фоиззага нисбатан одамларнинг салбий муносабати сабабли иложи борича фоизли банклар билан алоқа қиласликка ҳаракат қилган мусулмон ишбилармонларнинг маблағларини фоизсиз тизимга жалб қилиш учун 1970-йилда фоизсиз финанс билан боғлиқ тортишувлар бошланди.

Фоизсиз молия мавзусидаги энг муҳим қадам 1983 йилда хусусий финанс муассасаларининг ташкил қилиш орқали ташланди. 2005-йилда чиқарилган 5411-сонли банкчилик қонуни орқали фоизсиз банклар Исломий банкинг номи билан қайтадан номланди. Бу банкларнинг Туркиядаги молиявий секторлар ичидаги улуши тақрибан 5 фоиздир². Исломий банкингнинг 2023-йилда Туркия бозоридаги улуши-

¹ Алтан, “Фоизсиз банк тизимининг асослари”.

² Алтан, “Фоизсиз банк тизимининг асослари”.

нинг 15 фоизга ёки 18 миллиард долларлик айланма маблағга етиши кутилмоқда¹.

4. ИСЛОМИЙ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ МЕХАНИЗМИ

Исломий молия муассасаларининг қурулиш тояси ёки уларни фоизли банклардан айирадиган асосий хусус – одамларнинг ўз маблағларини Ислом дини томонидан ҳалол деб белгиланган тижорий фаолият орқали фойдаланиб қўпайтиришdir. Фоизсиз банкларнинг ишлаш механизмларини тушуниш учун фоизли амалиётларга муқобил шаклда ташкил қилинган муомалаларни², тижоратни фоиздан ажратадиган асосий нуқталарни билиш керак бўлади. Зоро, тижорат ҳалол, фоиз ҳаромдир³. “Байъ (савдо-сотик) ҳам судхўрликнинг худди ўзи” деган гаплариdir. Ҳолбуки, Аллоҳ баайъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир.” (*Бақара сураси, 275-оят*)

Банкларнинг ишлаш механизми асосан уч қисмга бўлинади: омонат (депозит) тўплаш, кредит бериш ва банк хизматлари⁴.

¹ www.dunya.com/finans/haberler/islami_bankacilik

² Қалъажи, Мұхаммад Раввос, “Ал Муомалатул Малиятул Муосира”, Дорун Нафоис, Байрут, 1999.

³ Бақара сураси, 275-оят

⁴ www.ekodiyalog.com/uluslararasi_ekonomi

Банклар паст фоиз билан тўпланган омонатларни ундан юксакроқ фоиз билан қарзга беради. Фоизсиз банкларда тўпланган сармоя эса мушарака, музораба, нақд олиб насияга сотиш, салам ва истисно йўллари орқали кўпайтирилади.

А) Фойда-зарарга шериклик/мушарака

Икки кишининг сармоя ва фойдада шерикчилик қилиб ўзаро битим тузиши мушарака деб аталади. Тарафлар фойдада шерик бўлгани каби сармояда ҳам шерик бўлишлари мушакаранинг асосий шарти ҳисобланади. У бу жиҳатдан меҳнат-сармоя шерикчилиги ҳисобланган музорабадан фарқ қиласиди¹. Бунга кўра, икки ёки ундан ортиқ киши тижорат қилиш мақсадида сармояларининг бир қисмини бирлаштирадилар ва улушларининг миқдорига кўра фойданни тақсимлашади. Мушаракада фойда битимга кўра тақсимланади, зарар эса тикилган сармоя миқдорига кўра аниқланади. Шериклардан бири бошқасининг улушкидан унинг рухсатисиз фойдалана олмайди².

Мушарака йўли билан саноат, қишлоқ хўжалиги ва тижорий соҳаларда фаолият олиб бориш учун одамлар сармояларини бирлаштирадилар. Молия муассасасига топширилган пул товарга айлангандан сўнг шерикларнинг ҳақлари улар қурган фирма ёки корхонанинг моддий бойлиги устидан уларнинг дастлабки улушларига кўра аниқланади³.

¹ Муҳаммад Амин ибн Обидин, “Раддул Мухтор”.

² Ал Майдоний Абдулғаний, “Ал Лубоб фи шарҳил китоб”, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 2012.

³ Марғиноний. “Ал Ҳидоя”.

Молия муассасаси омонатчининг фойда олиш мақсадида банкка топширган пулига тарафларнинг маълум миқдорда фойда кўриши учун сармоя тикиб шерик бўлади. Шериклар ўртага ташлаган сармояларига кўра заарга ҳам шерик бўлишади. Ёки бир банк мижози банкка қўйган маблағи миқдорида шерик бўлади.

Мушаракада тарафларнинг сармоялари бир жойда тўпланади.

Сармоядорларнинг барчаси мажбурият ҳисобланмаса-да, бошқарувга қўшилишга ҳақлидир. Музораба каби мушараканинг ҳам Исломга мос банкчилик моделининг яратилишида муҳим ўрни бор.

Б) Мехнат-сармоя шерикчилиги / Музораба

Музораба ер юзида айланиш маъносини англатувчи “зарб” сўзининг негизидан келиб чиқсан¹. Бошқарувчининг шахсан ўзи айланиб юриб меҳнат қилиб фойда олишга ҳақли бўлгани учун шундай ном берилган². Истилоҳда эса томонларнинг биридан товар ва бошқасидан меҳнат билан шерикчиликка асосланган келишувдир. Ёки унда товар эгаси ишловчига тижорат учун товар беради. Топилган фойда ўрталарида келишувларига мувофиқ тарзда тақсимланади³.

Сармоя эгаси музораба шеригига шундай дейди: “Шу минг лирани ол ва фойданинг учдан бири ёки

¹ Ал Мавсилий Абдуллоҳ бин Маҳмуд, “Ал Ихтияр ли Талилил Мухтар, ар Рисалатул Аламийя”, Дамашқ, 2010.

² Ал Майдоний Абдулғаний, “Ал Лубоб фи шарҳил китоб”, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 2012.

³ Ал Майдоний Абдулғаний, “Ал Лубоб фи шарҳил китоб”, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 2012.

ярмини олиш ҳисобига тижорат қил”¹. Фойдага шериклик қандай белгиланган бўлса, (учдан бир, тўртдан бир ёки ярим каби) ўшанга кўра тақсимланади². Ҳижозликлар “мукораза” деб номлаган меҳнат-сармоя шерикчилигини Куръони Каримдаги “..бошқалар Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни истаб, ер юзида сафар қилишларини” ояти каримасига³ мос бўлгани учун “музораба” атамаси маъқул кўрилган⁴.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) пайғамбар қилиб юборилганларида одамлар қилаётган “музораба” битимини тасдиқладилар⁵. Саҳобалар ҳам музораба билан муомала қила бошлишди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амакилари Аббос бин Абдулмутталиб бир кишига музораба учун маблағ берганида, унга бу сармоя билан денгиз сафарига чиқмасликни, бирор водийда тўхтамасликни ва тирик ҳайвон тижорати қилмасликни буюради. Агар пулни олган киши бу тақиқларга амал қилмаса пулнинг барчасини қайтариб беришига тўғри келарди. Ҳазрати Аббос (р.а) музораба шартномаси учун илгари сурган бу шартлар Пайғамбар (с.а.в.)га етиб боргач, У зот ҳам бу шартлар ҳақида чиройли фикр билдириб уни тасдиқлаганлар⁶.

Музорабанинг сармоя ва фойда билан боғлиқ шартлари мавжуд. Бунга кўра сармоя нақд бўлиши

¹ Ал Мавсилий, Абдуллоҳ бин Маҳмуд, ал Ихтияр ли Талилил Мухтар, ар Рисалатул Аламийя, Дамашқ, 2010.

² Абул Валид Муҳаммад бин Аҳмад ибн Рушд

³ Муззаммил сураси, 20-оят

⁴ Ал Мавсилий Абдуллоҳ бин Маҳмуд, “Ал Ихтияр ли Талилил Мухтасар, ар Рисалатул Аламийя2, Дамашқ, 2010.

⁵ Ал Сараҳсий, ал Мабсут, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2001

⁶ Ал Ҳайсамий Нурииддин, Бүғайтул Баҳс ан завоиди Муснадил Харис, Марказу Ҳидматис Сунна, Мадина, 1992.

лозим. Шартнома тузилаётган пайтда маълум ва мавжуд бўлиши ва уни иккинчи тарафга топширилиши керак. Фойда эса тарафлар ўртасида тақсимланиши ва улуш миқдори ҳам аниқ кўрсатилиши керак бўлади. Мехнат (амал) қиласиган тараф учун белгиланган миқдор фойда ҳисобидан бўлмай, сармоя, ҳам сармоя ҳам фойдадан бўлса, битим бекор бўлади¹.

Фуқаҳонинг жумхурига кўра музораба сармояси динор ва дирҳам каби нақд бўлиши шарт. Зоро, сармоя тижорат товари бўлса, битимда мавхумлик пайдо бўлади.

Мехнат (амал) қилувчи тараф сармояни тижорат товари шаклида олса, уни олаётганда бошқа қиймат, қайтариб берәётганда бошқа қийматга тенг бўлиши мумкин. Бундай вазиятда сармоя ва фойдада мавхумлик пайдо бўлади².

Мехнат ва сармоя шерикчилиги ҳисобланган музорабада фойда битим шартларига содиқ қолган ҳолда сармоя эгаси билан иккинчи тараф ўртасида келишилган миқдорга кўра тақсимланади. Зарар эса мушаракада бўлгани каби тарафлар тақсимланмайди, балки сармоядан айрилади. Агар фойда тўла иккинчи тарафга берилишига келишилган бўлса, бу амалиёт музораба эмас, балки қарз ҳисобланади³. Чунки қарзда пул олган киши топган даромадини бўлишмайди. Асосий қарзга ҳеч нарса қўшимча қилмасдан уни айнан қайтаради. Музораба бир жиҳатдан вако-

¹ Ал Мавсилий Абдуллоҳ бин Маҳмуд, “Ал Ихтияр ли Талилил Мухтасар ар Рисалатул Аламийя”, Дамашқ, 2010.

² Ибн Рушд, “Бидоя”.

³ Ал Мавсилий Абдуллоҳ бин Маҳмуд, “Ал Ихтияр ли Талилил Мухтасар ар Рисалатул Аламийя”, Дамашқ, 2010.

лат ҳисоблангани учун тарафлардан бирининг вафот этиши ёки сармояни эгасига қайтариб берилиши билан ўзаро тузилган битим бекор бўлади¹.

Музорабада товар қандайдир шаклда йўқ бўлса, заар, аввало, фойдадан қопланади. Агар заар фойдадан ортиқ бўлса, заар сармоядан камайтирилади. Мехнат (амал) қилувчи тарафдан ундирилмайди.²

Финанс (молия) муассасаси музораба йўли билан сармоя эгалари ёки омонатчиларнинг пулини жамлаб уларни сармояси бўлмаган бир мижозга бирор иш юритиши учун беради. Шунингдек, тадбиркорлик қилмоқчи бўлган мижозига нақд пул тўлаб ускуналар олади ва уни тадбиркорга насияга сотади. Ҳар икки ҳолатда ҳам фойдани тузилган битимга содиқ қолган ҳолда омонатчиларга бўлиб берилади.

B) Нақд олиб насияга сотиш

Молия муассасаси (фоизсиз) мижозга керак бўлган бир товарни нақд олади ва олган нархидан қимматроқقا ойма-ой ёки бирданига тўлаш шарти билан насияга сотади³. Банкнинг фоизга қарз бериб пул устидан фойда кўриш амалиётини Исломий молия муассасаси тижорат қоидаларига мос равишда товарни нақд сотиб олиб насияга сотган ҳолда товар орқали даромад кўради.

¹ Ал Мавсиий Абдуллоҳ бин Маҳмуд, “Ал Ихтияр ли Талилил Мухтасар, ар Рисалатул Аламийя”, Дамашқ, 2010.

² Ал Майдоний Абдулғаний, “Ал Lubob fi sharҳil kitob”, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 2012.

³ Ал Қалъажи Муҳаммад Раввос, ал Муомалатул Малиятул Муосира, Дорун Нафоис, Байрут, 1999.

Г) Қарзи ҳасана

Ислом одамларни яхшилик қилишда ва ёмонликдан қочишида ўзаро ёрдамлашишга чақириб келган¹.

“Эй, имон келтирғанлар! Аллоҳнинг (ҳажта доир) шиорларини, Ҳаром ой (ҳаж ойлари)ни, қурбонликларни, (уларга тақиб қўйилган) тақинчоқларни, Парвардигорларининг фазли ва розилигини топиш нияти билан Байтул-Ҳаром (Каъба)га борувчиларни (уларга қаршилик қилишни) ҳалол деб ҳисобламангиз! Ҳалол (қилинган ҳолат)га чиққанларингда эса, ов қиласерингиз. Сизларни Масжидул-Ҳаромдан тўсувчи қавмнинг адовати тажовуз қилишингизга ундамасин! Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир.” (*Моида сураси, 2-оят*)

Имкони бўлган мусулмонлар бу доирада фақир кишиларнинг иқтисодий жиҳатдан аҳволларини яхшилаш мақсадида садақадан ташқари васийят, қарзи ҳасана, вақф каби муассасалар билан мажжоний (текинга) шаклда ҳамкорлик қилишган.

Лугатда “бир нарсани узиш, кесиш” маъносини англатувчи “қарз”² сўзи истилоҳда “Бир кишига фойдаланиш ва қайтариб бериш шарти билан товар бериб ёрдам бериш”ни билдиради.³

Сармоя эгасининг ўз товаридан бир қисмини бошқа бир шахсга бериши жиҳатидан музорабага ўхшаб кетадиган қарзнинг музорабадан фарқи қўйидагича:

¹ Моида сураси, 2-оят.

² Фирузободий, “Ал Қомусул Муҳит”

³ Ибн Обидин

Музорабада сармояни ишлатиб ундан қўлга киритилган фойда келишувга кўра ўзаро тақсимланса, қарзда пулдан топилган фойда фақат қарз олувчиники ҳисобланади. Музорабада сармоя иккинчи тарафнинг қўлида омонат ҳукмида бўлгани учун зарар қилинса, ундириб олинмайди.

Қарзи ҳасанада эса қарз олувчи зарар қилса, ҳам пулни тўлиқ қайтаради.

Ислом қисқа муддатли пулга эҳтиёжи бўлган савдогарлар, кам ва ўрта даромадли оилаларга қарз беришга, уларнинг иқтисодий муаммоларини қарзи ҳасана бериб бартараф этишга даъват қилиб келган. Аллоҳ Таоло эҳтиёжмандларга чиройли қарз (қарзи ҳасана) берганларни мақтаб, уларга охиратда бунинг учун бир неча баробар ажр берилишини ваъда қилган¹.

“Аллоҳга “қарзи ҳасана” (Унинг йўлида эҳсон) қиласиган киши бормики, (У) ўша (киши)га бир неча ҳисса зиёдаси билан қайтарса! Унинг учун яна шарафли мукофот ҳам бордир.” (*Ҳадид сураси, 11-оят*)

Куръони Каримда олти ўринда “қарзи ҳасана” ҳақида сўз борган².

“Аллоҳга чиройли қарз берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши бормики, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса? Ҳолбуки, (ризқни) танг ва кенг қиласиган Аллоҳнинг ўзидир ва Унга қайтарилажаксизлар.” (*Бақара сураси, 245-оят*)

¹ Ҳадид сураси, 11-оят

² Қаранг: Бақара сураси, 245-оят, Моида сураси, 12-оят, Ҳадид сураси, 11-оят, Ҳадид сураси, 18-оят, Тағобун сураси, 17-ят, Муззаммил сураси, 20-оят.

“Аллоҳ Исроил авлодидан аҳд олди ва Биз улардан ўн икки йўлбошчини юбордик. (Сўнгра) Аллоҳ деди: “Дарҳақиқат, Мен сизлар билан биргаман. Агарда на мозни мукаммал адо этсангиз, закот берсангиз, пайғамбарларимга имон келтирсангиз ва уларни шарафлаб, мадад берсангиз ҳамда (савобли ишлар қилиб,) Аллоҳга чиройли “қарз” берсангиз, албатта, гуноҳларингизни кечаман ва остидан анҳорлар оқадиган боғлар (жаннат)га киритурман. Шундан кейин ҳам сизлардан кимки куфрга кеңа, тўғри йўлдан бешак озган бўлур.” (*Моид сураси, 12-оят*)

“Аллоҳга “қарзи ҳасана” (Унинг йўлида эҳсон) қиласиган киши бормики, (У) ўша (киши)га бир неча ҳисса зиёдаси билан қайтарса! Унинг учун яна шарафли мукофот ҳам бордир.” (*Ҳадид сураси, 11-оят*)

“Албатта, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар ҳамда Аллоҳга “қарзи ҳасана” берганлар учун (садақалари) бир неча ҳисса зиёдаси билан қайтарилур ва улар учун яна шарафли мукофот бордир.” (*Ҳадид сураси, 18-оят*)

“Агар сизлар Аллоҳга “қарзи ҳасана” берсангизлар (муҳтоҷларга эҳсон қилсангизлар), У сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва (гуноҳларингизни) мағфират қилур. Аллоҳ миннатдор (оз олиб, кўп берувчи) ва ҳалимдир.” (*Тағобун сураси, 17-оят*)

(Эй, Муҳаммад,) албатта, Раббингиз Сиз ва Сиз билан бирга бир тоифа (саҳобаларингиз) кечанинг учдан иккисидан озроғида, баъзида унинг ярмида ва (гоҳо) учдан бирида (бедор бўлиб, намозда) туришларингизни билур. Кеча ва кундуз (миқдори)ни Аллоҳ белгилар. У саногига ета олмасларингизни би-

либ, тавбаларингизни қабул этди. Энди (кечалари намозларингизда) Куръондан осон бўлган миқдорда ўқийверингизлар. У сизларнинг орангизда беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни истаб, ер юзида сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жангта чиқиб кетишларини билди. Бас, (қийналмай Куръондан) осон бўлган миқдорда ўқийверинглар. Намозни тўқис адо этинглар, закотни (ўз жойига) беринглар ва (мискинларга эҳсон қилиш билан) Аллоҳга "қарзи ҳасана" беринглар! Ўзларингиз учун тақдим қиласдан қилинган яхшиликни (Қиёмат куни) Аллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улугроқ мукофот ҳолида топурсизлар. Аллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир. (*Муззаммил сураси, 20-оят*)

Жаноби Пайғамбар(с.а.в.) ҳам қарз бериб олгандар. Дунёвий манфаат кутмасдан қилинган бу амал одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Ҳалқнинг бир-бирига бўлган ишончини кучайтиради. Шу сабабдан одамларни қарз беришга ташвиқ қилган Аллоҳ Расули(с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: “Меъроҳ кечаси жаннатнинг эшиги устида “Садақа беришга ўн, қарз беришга эса ўн саккиз баробар савоб ёзилади”, – деб ёзилганини кўрдим ва Жаброил(а.с.)дан қарзнинг садақадан устунлиги сабабини сўрадим. У эса шундай деди: “Тиланчи ёнида эҳтиёжи учун етарли нарса бўлса ҳам тиланади. Қарз олувчи эса бунга муҳтож бўлгани учун сўрайди”¹.

¹ Ибн Можа, ҳадис № 2341

Яна бир ҳадиси шарифда эса шундай буюрилган:

“Мусулмон киши бошқа бир мусулмоннинг ёрдамида бўлгани вақт мобайнида Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади”¹.

Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, “Аллоҳга чиройли қарз берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши бормики, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса? Ҳолбуки, (ризқни) танг ва кенг қиладиган Аллоҳнинг ўзиdir ва Унга қайтарила жаксизлар”² ояти нозил бўлгандан сўнг “Абуд Даҳдаҳ” лақаби билан машхур бўлган Собит бин Ад Даҳдаҳа ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнларига келиб:

– Ё Расулуллоҳ! Аллоҳ биздан қарз сўрайдими? – деб сўради.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) шундай жавоб бердилар:

“– Ҳа, эй Абуд Даҳдаҳ, Аллоҳ қарз сўрамоқда.”

Буни эшитган Абуд Даҳдаҳ Расулуллоҳ(с.а.в.)га қараб: “Қўлингизни беринг”, – деди ва давом этди. – Ё Расулуллоҳ, мен олти юз хурмо дарахти бўлган боғимни Аллоҳга қарз(қарзи ҳасана) қилиб бердим.”

У ердан кетгач, боғининг олдига борди. Хотини ва фарзандлари ўша ерда эди. У хотинига қараб шундай деди: “Эй Умму Даҳдаҳ, боғдан чиқинглар. Мен бу боғни Аллоҳга қарз бердим”.

Ўз навбатида хотини ҳам унга шундай деди: “Эй, Абуд Даҳдаҳ, жуда фойдали савдо қилибсиз. Бу савдо сизга хайрли бўлсин”³.

¹ Бухорий, ҳадис № 2442

² Бақара сураси, 245-оят

³ Ибн Ҳожар, ал Исоба, Дору Оламул Кутуб, Миср

Бир одамнинг ҳожатини чиқариш, ташвишини кетказиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, қарз бериш мандуб амалдир¹. Қарз битимини ёзиш ва гувоҳлик бериш ҳам мандубдир².

Қарз берган киши берган қарзи учун бирор нарса олиши мумкин эмас. Агар қарз эвазига бирор нарса олса ёки манфаат кутса олган қўшимчаси фоиз ҳисобланади.

5. ФОЙДАНИНГ ФОИЗДАН ФАРҚЛАРИ

Тижоратда оловчи билан сотувчи орасидаги фойда лимити ўзаро teng шароитларга кўра белгиланади. Мижоз эҳтиёжи бўлган товарга талаб қиласди, сотувчи ҳам замон, ишчи кучи ва бошқа харажатларини эътиборга олган ҳолда маълум даражада фойда кўришни истайди. Фоиз эса қарши тарафнинг фойда ёки зарар қилишига қарамасдан, ҳеч қандай хатарсиз (risk) белгиланган ва олинган муқаррар фойдадир. Бир тарафда мавҳумлик, иккинчи тарафда эса фоизга қарз берувчи томонидан олинадиган аниқ фойда бор.

Фоизли амалиётларда хатар (risk) қарздорга ўтказилиб барча хатарли нарсалар хатарсизга айланади. Тижоратда фойда ёки зарар кўриш teng хатарли бўлса, фоизга қарз берувчи ҳар қандай ҳолатда ютади.

Тижорат юксак бўлса ҳам бир марта фойда талаб қиласди. Фоизли кредит берувчи эса такрор-такрор ва замон билан боғлиқ равища даражаси ортадиган тизимда фоиз истайди. Фоизли кредит берувчи қарз-

¹ Аш Ширваний, Хашиятуш Ширваний аъла Тухфатул Мұхтаж,

Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2012.

² Жассос, Аҳкамул Қуръон, Дорул Кутубул Илмийя, Байрут, 1994.

дорнинг барча фойдасини олиб қўйиши мумкин бўлганидек, тўлолмай қолганда қўшилган фоиз эвазига қарздорнинг бутун нарсасини мусодара қиласди.

Одамлар саноатда, қишлоқ хўжалигида, тижоратда замон, вужуд ва ақлий меҳнати билан фойда кўради. Фоизчи эса вужуд ва ақлни ишлатмасдан, ҳеч қандай хатарга кирмасдан қарздорнинг фойдасига шерик бўлади. Қарздор заарга учраса ҳам фоизли қарз берувчи белгиланган миқдорни олади¹.

Фоизли қарзнинг шартномавий натижаси билан тижоратнинг шартномавий натижаси бир-биридан яқъол фарқ қиласди. Фоизли қарзда пулдан пул фойда қилинса, тижоратда иш кучи, вақт ва бошқа харатлар эвазига фойда қилинади. Фоизли қарзда қарз берувчининг фойдаси иллегал, иррационал ва адолатсизdir.

Халқнинг қўлидаги сармоядан фойдаланишининг энг маъқул ва адолатли йўли тижорий фаолиятлардан қўлга киритиладиган фойданинг лозим бўлган қисмини халқقا бериб уларни ҳам тижорий муассасаларга шерик қилишдир. Бу тарздаги шерикчилик ўз-ўзидан кўриладиган заарларга ҳам тегишлидир. Бу ҳолат пул эгаларига ташвиқ қилиш ва омонатлар тўплаш жараёнида бироз қийинчилик келтириб чиқариши мумкин. Фақат тижорат муассасаларини кўпайтириб ва турли чора-тадбирлар ўйлаб топиб эҳтимолий заарни энг кам савияга тушириш мумкин.

¹ Мавдудий, “Тафҳимул Қуръон”.

6. ФОИЗСИЗ БАНК ТИЗИМИНИНГ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Фоизга асосланган банк тизимнинг бутун бозорларни ўз тасарруфига олган бугунги кун иқтисодий тизимида шерикчиликка асосланган иқтисодиёт моделини яратиш катта тўсиқларга учраши табиийдир. Чунки кредит берилган шахс ёки муассасалардан олган фоизнинг оз бир қисмини омонатчиларга берган банкларнинг фоизсиз банкчилик тизимига ўтиш орқали уларга фойданинг бир қисмини беришни асло истамайди. Фақат давлат томонидан кучли реформалар ўтказилиб молиявий тизимларни (хусусан банкларни) шерикчилик тамойилига асосланиб шакллантирилса, фоиз эвазига қарз-кредит бериш тақиқланса, банклар ишбилармонлар, омонат эгаларини ўз фойдаларига шерик қилишга мажбур бўлиб қолишиади. Бу тизим бир тарафдан товар ва пулнинг кенг ва адолатли тарзда тарқатилишини таъминласа, яна бошқа томондан зарар ва инқироз даврларида молиявий муассасалар зиммасидаги юкни ҳам енгиллаштиради. Бунга қарзга асосланган иқтисодий тизимнинг пойдеворини бутунлай янгилаб уни шерикчиликка асосланган тизимга айлантириш билангина Эришиш мумкин. Лекин бу ўзгариш ўзи билан биргаликда кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқариш мумкин. Шундай бўлса-да, фоизга асосланган иқтисодий тизимни тубдан янгилаш жараёнини бир миљод деб қабул қиласак, янги фоизсиз иқтисодий тизим Устида синчковлик билан илмий ишлар қилиш, кучли олимларнинг бутун илмларини шу соҳага йўнал-

тиришлари орқали барча муаммоларни бартараф қилиш мумкин бўлади.

Йиллар давомида гиёҳвандлик билан шуғулланиб келган кишиларни даволаш жараёнида уларни бирданига бу моддалардан узиб қўйилмайди. Агар дабдурустдан уларни гиёҳванд моддалардан узиб қўйилса, вужудда фалаж пайдо бўлиши мумкин. Аста-секинлик билан камайтирилган гиёҳванд моддалар вужуд ўзгаришга тайёр ҳолга келганида бутунлай тўхтатилиди. Иқтисодий тизимнинг оғуси бўлган фоиз ҳам аста-секин камайтириб борилиб, унинг ўрнига муқобил фоизсиз молия муассасаларини ўрнатиб янги иқтисодий тизимга ўтиш мумкин бўлади. Шу сабабдан Ислом ҳам фоизни босқичма-босқич тақиқлаган.

Иbn Аббос (р.а) Расулуллоҳ(с.а.в.)га нозил бўлган сўнгти оятнинг фоиз ояти эканлигини нақл қиласиди¹.

Ислом ҳали давлатга айланмаган Макка даврида “Одамларнинг мол-мулки кўпайсин деб сизлар берган рибо (фоиз)ларингиз, Аллоҳ наздида (ҳеч нарсанни) кўпайтирмайди! Аллоҳнинг “юзи”ни мақсад қилиб берган закотингиз эса, бас, айнан ўшалар кўпайтирувчилардир!”² ояти каримаси нозил бўлган бўлса, ўша даврдаги қўш фоиз тизимининг ҳаром эканлигини хабар қилувчи “Эй, иймон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама ила еб юбормангиз! Аллоҳдан кўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангизлар. Эй, имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама ила еб юбормангиз! Аллоҳдан

¹ Бухорий, ҳадис № 4544

² Рум сураси, 39-оят

қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангизлар”¹ ояти эса Мадинада нозил бўлган.

Энг сўнг нозил бўлган оят эса асосий пулдан ташқари олинган ҳар қандай қўшимчанинг фоиз эканини маълум қилган:

“Эй, иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва (чинакам) мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитидан воз кечингизлар! Мабодо (бу буйруқقا итоат) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан (сизларга қарши бўлажак) урушни (азобни) эшитингиз! Агар тавба қилсангиз, дастмояларингиз ўзингизга. Зулм ҳам қилмайсизлар, зулм қилинмайсизлар ҳам”².

Асосий пулдан ташқари ҳар қандай қўшимча тўловни тақиқлаган бу ояти кариманинг кеч нозил бўлиши Куръони Каримни тўлиқ ўқиёлмасликдан келиб чиққан ва фақатгина қўшфоизнинг ҳаром эканилиги ҳақидаги фикрларни рад қилмоқда³.

Тўғри даволангандан гиёҳвандлар даволангандан сўнг яна шу балога қайта дучор бўлмаётган бўлса, Куръоний усусларни қўллаган ҳолда изланишлар олиб бораётган бўлса, фуқаҳо ва иқтисодчилардан ташкил топган иқтисодий тадқиқот гуруҳлари ҳам ўзгариш режасини иқтисодий инқирозларга учрамаган ҳолда тузадилар ва буни амалга оширишни уддалайдилар.

Таклиф қилинаётган бу тизимда фоизли қарздорликларга ўрин қолмайди. Сотилган товарларда таъминот насияга олиб тўлаш асосида, ижараларда эса фақат фойдаланиш орқали чегараланади.

¹ Оли Имрон сураси, 130-оят.

² Бақара сураси, 278-279-оятлар.

³ Ас Сайид Собиқ, Фикҳус Сунна. Дамашқ, 2007.

Мазкур тизим бутун иқтисодиётни портлашга тайёр ҳолга келтириб қўйган, таъсири макроиктисодиётни¹ ҳам йўқ қиласидаги кучга эга бўлган ҳақиқий иқтисод билан пуллар ўртасидаги таҳликали мувоза-натсизлик муаммосини бартараф қиласди.

7. ИНҚИРОЗЛАР ВА ИСЛОМИЙ МОЛИЯ

Фоизни рад қиласидаги иқтисодий тизимнинг инсониятга саодат олиб келишини тасдқилаган ва эътироф қиласидаги турли давлатлардан кўплаб иқтисодчилар мавжуд. Европа ва АҚШда иқтисодчилар фақатгина танқид билан чекланмасдан, фоизли тизимнинг ўрнига муқобил тизимлар ҳам таклиф қилишган. Тор доираларда бўлса ҳам бу таклифлар амалиётда тадбиқ қилиниб тажрибалар ўтказилган. Кейинроқ давлат миқёсида амалга оширишга ҳаракат қилинган, лекин фоиз лобиси деб аталадиган дунёдаги бойликнинг катта қисмига эга бўлган озчилик бунга монелик қиласди. Немис молия мутахассиси Маргрит Кеннеди бу тизимни амалиётдаги тажрибаларини “Interest and Inflation free Money” (Фоизсиз ва инфляциясиз пул) номли китобида у қаламга олган ва 1932-1933 йилларда Австрияning кичик бир худудида ўтказилган тажриба ҳақида шундай дейди: “ Австрияда маҳаллий аҳолидан 300 дан ортиқ кишини фоизсиз тизимни қабул қилиб фаолиятларини шу йўл билан давом эттиришни бошлганларида Австрия Марказий банки ўз монополиясига зарар етиши мумкинлигини сезган ва ўша ҳудуд амалдорларининг ишларига билвоси-

¹ Халқаро миқёсдаги иқтисодий тизимларнинг жамланмаси.

та аралаша бошлаган.” Шундан сўнг яна 1933 йилда АҚШнинг баъзи ерларида одамларнинг фоизсли тизимга муқобил фоизсиз тизимни таклиф қилишганини, кейинроқ эса бу ҳаракатни катта сармоя эгалари томонидан қандай йўқ қилингани ҳақида ёзади. Таклиф қилинаётган фоизсиз тизимни чукур ўрганиб кўрмасдан ҳам унинг рад қилиниши буни фоиздан катта даромад кўраётган буюк сармоя эгаларининг қаршиликлари туфайли бўлаёттани аниқ эди¹.

Тўлалигича фоизсиз иқтисодий тизим устига бино қилинган Исломий молия муассасалари олдидаги энг катта тўсиқ ҳар қандай фоизсиз тизимга қарши чиқадиган фоиз лобиси ҳисобланади.

Фоизга асосланган иқтисодий тизимлар ўртача ўн йилда бир марта инқирозга учраб келмоқда. Биз күйида булардан 2008 йилда АҚШда бошлаган ва бутун дунёни домига тортган иқтисодий инқироз ҳақида таҳлиллар қилиб, Исломий молия муассасаларининг нима сабабдан зарур эканлигини кўрсатишга ҳаракат киласиз.

2008 йилги глобал иқтисодий инқироз АҚШ банкларининг юқори фойда талабларига боғлиқ равишда кредит даражалантириш жараёнидаги хатарларни тўғри баҳолай олмасдан кредит беришлари ортидан юзага келган ва халқаро миқёсда тус олган.

2008 йилдан аввал АҚШда берилган кредитларнинг катта қисми уй-жой учун берилганди. Кредит олганлар қарзларни тўламасалар ҳам уй-жой нархлари катта суръатда ошиб борарди. Бундай вазиятда му-

¹ Маргарит Кеннеди, “Interest and Inflation free Money”, 1995, 39.

рожаат қилинадиган энг ёмон эҳтимол банкларнинг кредит қарзларини тўламаганларнинг уйини олиб қўйиб қайтадан сотиш эди. Шу билан биргаликда ортиб бораётган кредит муаммоси натижасида банклар манба топишда қийнала бошлишди. Бунга ечим сифатида банклар олиб қўйган уйларини қимматбаҳо қофоз каби айлантириб қисқа муддатли бўлса-да, сармоя топишга уринишди¹.

Лекин улар шу ўринда уй-жой нархларининг тушиб кетишини ҳисобга олмагандилар. Зеро, кредит олганлар қарзларининг бир қисмини тўлолмагач банклар уйларни тортиб олган, уларнинг уч ўлчов кредит берган уйларининг нархи бир ўлчовга тушиб қолганди. Одамлар кредитга боғланган товарларининг ишончли эмаслигини фарқига боришганди. Шу зайлда одамларда қўркув ва ваҳима юзага келди. Кредитта асосланган молиявий ҳужжатларнинг обрўси тўкилди. Бундай вазиятда вақтинчалик янги кредит бериш тўхтатиб қўйилгач қарз билан иш олиб борадиган фирма ва компаниялар заарга кириб ишлаб чиқариш даражаси орқага кета бошлиди. Худди шундай биржаларда акцияларнинг нархи пасайди. Спекуляция натижасида биржаларга миллионлаб доллар маблағ тиккан шахс ва фирмалар даҳшатли зарарларга учрадилар. Бу ҳодисаларнинг якунида эса

¹ Банклар тўлов қобилияти паст бўлган одамларга кредит берган. Бу кредитларнинг тўланмай қолган қисмини қимматбаҳо қофоз ҳолига келтириб биржаларда сотишиди. Қарздорлар қарзларини тўлолмагач биржада сотиб олинган кредитларни олганлар ҳам бошқа фирмаларга қарзларни тўлай олмади ва бу бир-бирининг ортидан келган инқирозларга сабаб бўлди.

барча иқтисодий тизимлари бутун дунё бойлигининг 55 фоизини йўқقا чиқарган иқтисодий инқирознинг овига айланиб қолди¹.

Банклар тортиб олинган уйлардан ўзлари тўлаған пулни ололмагач, сугурта ташкилотлари ҳам жуда катта зарага учради.

Қайтадан таъминотли қарздорлик мажбуриятларинини ташкил қилиш учун мавжуд қарзлар тугагач “бажарилмаган кредит алмашуви”² шаклидаги муддатли амалиётлар даври бошлади. “Бажарилмаган кредит алмашуви” бозори 2008-йилда 60 триллион долларга етди. Ўша даврда бутун дунёдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми³ 60 триллион доллар эди. Шу билан бирга 1990 йил ўртасида 55 триллион бўлган муддатли амалиётлар⁴ (опцион⁵, алмашувлар⁶) бозорининг қиймати шу даражада кўтарилиганки, бу рақам 600 триллион долларга етган.

Бунинг сабаби эса ҳеч кимнинг муддатли амалиётларни назорат остига ололмаслиги эди. Шу билан бирга муддатли амалиёт акцияларига эгалик қила-

¹ www.npr.org/template/story/

² Қарздор ҳолатдаги муассаса қарзини тўлолмаслик эҳтимолига қарши ҳақдорнинг ҳақини гарантия (кафолат) остига олган қимматбаҳо қоғоз. Қарз сугуртаси дейиш ҳам мумкин.

³ Бутун дунёда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми

⁴ Молиявий бозорда амалга оширилган хаёлий пул амалиётлари

⁵ Опцион — шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш хукуқини беради.

⁶ Мисол учун, Туркиядаги бир фирманинг доллар фоизи билан алмашув қилиб доллар ҳисобида фоиз тўлаши. Доллар фоизи ТЛ фоизидан паст кўриниб фойдали туюлса-да, ТЛнинг қадрсизланиши оқибатида кўплаб турк фирмалари инқироз ботқогига тушиб қолишиган. (2018 йил)

ёттәнлар бунинг ортидаги вазиятни англаб етишмаданды¹.

Исломий молия муассасалари 2008 йил инқирози даврида унинг салбий таъсирини фоизли банкларга нисбатан камроқ ҳис қилишди. Бунинг сабаби эса бундай муассасаларнинг Исломий қоида ва қонунларга амал қилишлари мажбурий бўлиб, фоиз, қарз сотиш, муддатли амалиётлар (хаёлий пул амалиётлари)дан узоқ туришлари ва қарзларнинг ҳақиқий товарларни олиб сотиш, ижарага беришга асослашиши эди. Исломий молия муассасаларида барча нарса ҳақиқатда мавжуд бўлган нарсалар устидан амалга оширилади. Шу боис ҳақиқий иқтисод ва молиявий амалиётлар ўртасида доимо мувозанат бўлади.

Шу ўринда Эмма Вандернинг Ислом молияси ҳақидаги қуйидаги сўзларини келтириш жоиз: “Исломий молия муассасаларининг ҳисобларидаги маблағ 700 миллиард долларга етди. Moody’s² халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботига кўра, бу рақам йиллик 10 ва 30 фоиз орасида ортиб бормоқда. Бу тизимнинг нақдга эҳтиёжи бўлган иқтисодиётларини Ислом дунёсидаги пул орқали қўллаб қувватлаш нијатидаги ҳукуматларнинг ҳам эътиборини жалб қилмоқда. Ислом молияси ўзига Кўрфаз араб давлатларини, Малайзия, Индонезия каби Осиё давлатларини марказ қилиб олган. Шу билан бирга шимолий Аф-

¹ Ал Усмоний Мұхаммад Тақый, Асбабул азматил малия фи давиил Ислам, Идаратул Қуръан, Караби, 1437

² Банкларнинг халқаро рейтинг агентлиги.

рика ва Европада ҳам бу тизим тобора кенг тарқалмоқда.¹

Ёзувчи шунингдек, инқирознинг Исломий молия муассасаларига таъсири мавзусида шундай дейди: “Moody’sнинг (2008) ноябр ойида эълон қилган ҳисоботидан кўриниб турибдики, Исломий банклар иқтисодий инқирозда анча барқарор эдилар. Ҳеч қайси Исломий банк 50 миллиард долларлик Bonzai лойиҳасидан фойдланганини эълон қилмади.” Бундан ташқари араб-француз савдо палатасининг раҳбари Солиҳ Таййорнинг сўзларига диққат қилинг: “Suud Societe General” дуч келган 4.9 миллионлик зарар “Jegome Kerviel” томонидан амалга оширилган ноқонуний фаолиятлар туфайли келиб чиқсан. Буларнинг Исломий муассасалар билан умуман алоқаси бўлмаган”. Солиҳ Таййор ўз сўзида шундай давом этади: “Дунёдаги банк фаолиятларини Исломий иқтисод асосларига кўра олиб боришганда эди, дунёда бу даражада иқтисодий инқироз содир бўлмаган бўларди”. Чунки Исломий молия муассасалари гайри аҳлоқий (ёки гайри қонуний) фаолиятлардан узоқ туриши ва фойда каби зарарни ҳам тақсимлаб эҳтимолий хатарни йўқ қилиши, ўзлари билан биргаликда жамиятни ҳам ўйлаган ҳолда чоралар кўриши ва бунга кўра қадам ташлаши керак. Бундан ташқари бу муассасаларда фоизли амалиётлар тақиқланган.

Худди шунингдек, Исломий банк Farb молиявий муассасаларига доимий равишда муаммо туғдиради-

¹ Ал Усмоний Мұхаммад Тақий, Асбабул азматил малия фи давиил Ислам, Идаратул Куръан, Караби, 1437.

ган хатарли кўчмас мулк ипотекалари¹, таъминотли қарз мажбуриятлари² ва кредит таваккалчилигини сотиб олиш каби амалиётларни ҳам рад қиласди.

Иқтисоднинг қоида ва ҳукмларидан ҳам хабардор бўлган Ислом олимлари сугурта, қарзлар ва қарздорлик актлари каби Исломий иқтисодда мавжуд бўлмаган амалиётларга ҳам рухсат берган. Чеклар қарздорлик актларининг муқобилидир. Улар орасидаги фарқ эса чекларда ҳақдор киши қарзини сотиши ўрнига мавжуд бўлган товарнинг бир қисмини сотиши мумкин. Шу сабабли қарздор чекини учинчи шахсга ижарага бериб қарзини ўтказиб юбориши мумкин³.

Англия хукумат маслаҳатчиси ва Нортон Розда Исломий молия муассаса раҳбари Неил д Миллер шундай дейди: “Исломий банклар ўн йиллар аввал намунали фаолият юритадиган банк тизимини йўлга кўя олишмасди. Фақат улар ўзларининг мижозлари билан муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилишаётганини, ўзлари тажрибада синаб кўрган ва ўз усулларига мос амалиётлар билан шуғулланишаётгандарини айтишарди. Шу сабабли самолёт ва кемани молиялаштириш керак бўлса, ҳам уни аввал ўрганиб кўриш кераклигини ва бу тарздаги усулнинг банкчи-

¹ Кўчмас мулк (ер ёки бино)ни ссуда олиш мақсадида гаровга қўйиш. Бунда гаровга қўйилаётган мулк қарз берувчининг қўлига ўтмай, қарздор ихтиёрида қолади.

² Мисол учун банк бир кишига кредит бермоқда. У эса кредитни биржа орқали бошқа кишига сотади.

³ Ал Усмоний Муҳаммад Тақий, Асбабул азматил малия фи давиил Ислам, Идаратул Куръан, Караби, 1437.

лик амалиётларига йўл кўрсатувчи асос бўлади, деган фикрда эдилар”¹.

Фоизсиз банкларнинг зарарни ҳам тақсимлаши-ни унинг обрўсини тушириши ёки унинг йўқ бўли-шига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фаразлар ноўрин ҳисобланади. Исломий банклар бошқалар-дан фарқли равишда сармоя портфели² ташкил қил-ган ҳолда фаолият олиб боради. Бу ҳар қанча шах-сий ҳолатлар учун заар келтирса-да, умумий фой-далилик давом этади. Агар банкнинг ажратилган маблағ фойдаланувчиси устидаги назоратини тўғри шаклда олиб борса ва бунда муваффақиятга эришса, Исломий банклар фоизли банкларга нисбатан анча барқарор ва хатарларга нисбатан чидамли бўлишла-ри мумкин. Агар бошқарув эҳтиёткор бўлса, фоизсиз банкларда хатоларнинг бошқа банклардан кўп бўли-ши учун ҳеч қандай сабаб мавжуд эмас. Бунинг акси-га хатолар уларга нисбатан анча оз бўлиши мумкин. Чунки молиялаштирувчи ва банк ўртасида тўғридан тўғри манфаат мавжуд эмас. Фоизсиз банклар маб-лағдан фойдаланувчиларни назорат қилишда фоиз-ли банкларга нисбатан эҳтиёткорроқ бўлади. Замо-навий банклар мижозларини назорат остида тутиш учун таъминот сифатида гаров ёки ипотека остига олмоқдалар. Худди шу ҳолат фоизсиз банклар учун ҳам тегишлидир³.

¹ www.acus.org/new-atlanticist/islamic-banks-surge/

² Банкнинг ихтиёрида турган турли миқдор ва турдаги сармоялар.

³ Микоил Алтан, “Фоизсиз банк тизимининг асослари”, 140-бет.

ХУЛОСА

Фиқҳ ақида билан, ақида эса фиқҳ билан ўзаро боғлиқдир. Ислом сиёсатда бўлгани каби иқтисодий ҳаётда ҳам ўз хукмларини ўртага қўяди. Қайсиdir бир иқтисодий хукмни мавжуд тизимга мослаштириб қабул қилиш – бир оят ёки бир ҳадиси шарифдан келиб чиқиб чиқарилган хукмни ғайри исломий кишилар томонидан чиқарилган хукмларга боглаш ҳисобланниб у илоҳий хукмни башарий хукм олдида маҳкум қилиш демакдир. Бундай ҳолатлар ижтиҳод эмас, аксинча, Исломни бошқа идеологиялар асосларига мослаштириш ҳисобланади.

Фоизга асосланган бир иқтисодиёт моделининг ишлаб чиқаришни камайтириши, ишсизликка йўл очиши, даромадлар тенгсизлигига олиб келиши муҳаққақдир. Шу сабабдан бу тизим катталашгани сари одамларнинг муаммолари ҳам катталашиб бормоқда. Дунёда капитализм нуфузининг ортиб бориши билан бир қаторда бойлар ва камбағаллар орасидаги тавофут ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Исломий иқтисод ўз хукмини ўртага ташлаган даврларда одамларнинг яшаш даражаси ҳам юксак бўлган.

Умар бин Абдулазиз даврида Африка волийси Шомдан (яъни пойтахтдан) закот оладиган киши топилмагани учун ихтиёрларидағи пулни нима қилишларини сўраган.

Дунёда доимий равишда иқтисодий инқирозлар юз бериши капиталистик тузум одамлар юкини

кўтара олмаслигини кўрсатиб бермоқда. Исломий ҳукмлар доирасида таҳриж йўли билан фуқаҳо ечиб берган масалаларни асос қилиб молиявий мавзулар, ижтиҳодлар йўли билан иқтисодий масалалар ҳал қилинса, одамлар қайтадан ишлаб чиқариш кўпаядиган, ишсизлик камаядиган, даромадлар адолатли тарзда тақсимланадиган дунёда яшашлари мумкин бўлади. Фақат бу иш амалга оширилаётганда мавзулар мазҳабларнинг усул ва фуруъ қоидаларига амал қилинмасдан, мавжуд тизимларга мослашувчан foядан юзага келган ҳукмлар муроди Илоҳийга эмас, балки муроди башарга мос бўлади. Бу эса капитализмнинг умрини узайтиришдан ўзга нарса эмас.

Исломнинг бошланғич даврларидан бошлаб музораба каби тижорий муносабатларида бир тарафнинг молиявий манбаларини бошқа тараф томонидан фойдаланиши фоизсиз банкчилик асосининг фоизли банкчилик билан бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Исломий банк тизими жамиятда барча молиявий амалиётларни Исломий асослардан келиб чиқиб бажарилиши жараёнида пайдо бўлиб шакл ва қамров жиҳатдан фоизсиз молия усуllibаридан фойдаланилган. Бу иқтисодий инқирозлардан бутун дунё учун энг тўғри чиқиш йўли ҳисобланади. Шунинг учун кўп сармоя эгалари фоиз эвазига қарз беришга мойил бўлган, оз сармоя эгаси бўлган ёки тадбиркорлик қилмоқчи бўлган кишиларнинг фоизли қарз олишга мужбур бўлган капиталистик иқтисодий тизимни босқичма-босқич йўқотиб, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик иқтисодиётининг йўлини очиш учун

сиёсий ирода ўзини кўрсатиши лозим бўлади. Фақат фикҳнинг ҳар томонлама муаммоларни ечишга қодир бўлган кучи билан алоқа ўрнатишга қийналаётган фоизсиз банчилик тизимида ҳам баъзи муносабатларни назарда тутган ҳолда айтиш мумкинки, фоизли банкчилик тизимиға нисбатан мойиллик мавжуд.

ИЛОВА

Тарихда матн, шарҳ, фуруъ, усул, фатво, қоидалар, мақосидни ўз ичига олган кўплаб асарлар яратилди. Ўтган асрда Ислом жўғрофиясининг ишғол этилиши, Усмонийлар империясининг парчаланиши, Ислом хуқуқининг бекор қилиниши ва буларга асосий сабаб бўлган ишлаб чиқаришнинг тамойили ҳисобланган закот, садақа, ушур каби молиявий ибодатларда бой ва камбағалнинг ўртасидаги битимга асос бўладиган Ислом иқтисодининг оқсаши инсониятни иқтисодий таназзулга маҳкум этди. Социализмнинг яроқсиз ҳолга келиб қолиши билан бирга капитализмнинг мутасил инқирозга юз тутиши туфайли бугунги кунда Ислом иқтисодини янгидан ўрганишга мажбурмиз.

ИСЛОМ ИҚТИСОДИННИГ ОЛАМШУМУЛЛИГИ

Ислом азалдан абадга қараб борувчи ягона тавҳид чизифида бирлашувчи барча динларнинг маънодошидир¹.

“Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин **Ислом**-
(дини)дир. Аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар)
га маълумот (тавҳид ва Мұхаммад тўғрисидаги вахид)
келгандан кейин ҳасад юзасидан ўзаро ихтилоф (ин-
кор) қилишга ўтдилар. Ким Аллоҳнинг оятларини ин-
кор этса, (билиб қўйсинки,) Аллоҳ тез ҳисоб-китоб
қилувчи зотдир.” (*Оли Имрон сураси, 19-оят*)

Барча динларнинг мухотаблари пайғамбарлардир.
Уларнинг вазифалари жамиятдаги одамларни маъ-

¹ Оли Имрон сураси, 19-оят.

лум бир йўлга солишидир. Улар бозор ва иқтисоднинг асосчилари ва бошқарувчилариидир. Пайғамбарлар одамларни ҳалол тижорат йўли билан пул топишга чақирадилар, ўзлари ҳам ҳалол қўл меҳнати билан ризқ топганлар ва исрофсиз кун кечирганлар. Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) шундай марҳамат қиласидилар: “Ҳеч кимса ўз пешона тери билан топган нарсасидан ҳам лаззатлироқ нарса емаган”¹.

Абдуллоҳ ибн Аббос(р.а) пайғамбарларнинг иқтисодий ҳаёти ҳақида шундай деган эди: “Ҳазрати Одам(а.с.) дехқон, Нуҳ(а.с.) дурадгор, Идрис(а.с.) тикувчи, Довуд(а.с.) темирчи, Мусо(а.с.) чўпон, Иброҳим(а.с.) дехқон, Солиҳ(а.с.) тижоратчи эдилар. Ҳазрати Исо(а.с.) ёнида бугунги кунига етарли нарса билан кифояланган, асло эртанги кунининг фамини емаган. Ҳазрати Муҳаммад(с.а.в.) Ажёд деган қалъада амакиларининг кўйларини боқар эдилар².

Ҳазрати Закариё(а.с.) дурадгорлик қиласар³, даромадининг эҳтиёжидан ортиб қолган қисмини бева-бечораларга тарқатар эди⁴. Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) тижорат мақсадида икки маротаба шаҳардан ташқарига чиққан эдилар ҳамда бунга бир неча бор ташвиқ қилгандилар.

Улуғ саҳобалар Мадина бозоридаги энг йирик тижоратчилардан бўлганлар. Ҳазрати Абу Бакр(р.а) газлама, Ҳазрати Умар(р.а) тери, Ҳазрати Усмон(р.а)

¹ Бухорий. Ҳадис. 2072.

² Ҳаким. Мустадрак. Ҳадис. 4165

³ Муслим. Ҳадис. 2379. Аҳмад. Муснад. Ҳадис. 7947

⁴ Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал Ҳаллол. Ал Ҳассу алат-тижора вас-синаа вал Амал. Байрут, 1995, 60.

озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланганлар. Ҳазрати Али(р.а) эса, кунлик ишга чиқар эдилар¹. Ҳазрати Оиша(р.а) отаси Абу Бакр(р.а)нинг халифа бўлишидан олдин Қурайшдаги энг йирик тижорат марказининг эгаси бўлгани ҳақида ривоят қилинган².

Ишлаб чиқариш ва тижоратнинг қандай йўлга кўйилиши, амалдаги муаммоларнинг ечими хусусидаги оят ва ҳадислар ёрдамида фикҳ олимлари томонидан дикқат билан топилган, фурӯъ ва фатво китобларидан фойдаланиб ёзилган кўлланмаларда мавзулар жуда тушунарли ёритилган.

Ислом иқтисод назариясининг асослари ва қарашларини бирма-бир таҳлил қиласиз:

ТИЖОРАТ

Ислом иқтисодининг асоси тижоратdir. “Фойда мақсадида олди-сотди қилиш” дея таърифланадиган тижорат³ фарз намоздан кейинги буюрилган фарздир⁴. Мўминларга жума намози фарз қилинган ояти кариманинг давомида буюрилган илохий хитобдир:

“Намозни адо қилиб бўлгач, ер юзига тарқалинг ва Аллоҳнинг лутф ва қарамидан ўзингизга ризқ-насиба қидиринг”⁵(Жумъа сураси, 62-оят).

¹ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. Китабул касб.89.

² Ал Ҳаллол Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, ал Ҳассу аллат Тижара вас Синаъа вал Амал, Байрут, 1995.

³ Муҳаммад Равво ал Қалажий. Муъжами луғотул Фуқаҳо.

⁴ Табароний. Ал Муъжамул Кабир.

⁵ Жумъа сураси, 62-оят.

Демак, касб-тижорат, дәхқончилик, саноат каби ҳалол йўллардан ризқ қидириш фарзdir. Баъзи фикҳ-шунос олимлар тижоратни бир бурчакда ўқилган нафл намоздан афзал деб билганлар¹. Чунки ибодатнинг фойдаси фақат бир киши учун, тижоратнинг фойдаси эса, бир неча киши учундир. Тижоратчи дўконида ишласа, оиласи ва фарзандларининг барча эҳтиёжларини қондиради. Унинг жамиятга тегадиган фойдаси ҳақида Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

“Тўғри, ишончли тижоратчи Қиёмат куни пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўладилар”².

“Ҳалол, ишончли тижоратчи Қиёмат куни Аршининг соясида турадиган етти тоифадаги одамлар билан бирга бўлади”³.

ФОЙДАНИНГ ЧЕГАРАСИ

Ислом иқтисодида товарнинг баҳоси бозор шартларига кўра белгиланади. Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) замонларида қишлоқликлар дәхқончилик маҳсулотларини бозорга олиб келишарди. Шаҳарликлар уларнинг йўлларини тўсиб, маҳсулотларини бозорга олиб бормасларидан туриб, олиб қўяр ва ўzlари баҳолаб сотиб олар эдилар. Кейин улар маҳсулотни бозорга олиб бориб, қиммат нархда сотар эдилар. Шунда Жаноби Пайғамбар(с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар: “Қишлоқлик одам номидан шаҳарлик одам савдо

¹ Аш Шайбоний. “Китабул касб”. 102-бет.

² Термизий. Ҳадис. 1209.

³ “Тарғиб ва тарҳиб”.

қилмасин. Уларга ҳам қўйиб беринг. Аллоҳ, бирининг қабаби билан бошқасини ризқлантирсинг¹. Мазкур ҳадис учинчи шахснинг орага киришига монеълик қиласди. Бундан англашиладики, бозорнинг талаб ва таклиф мувозанатига кўра ташкил қилиниши тўғридир. Мадинада нарх-наво кўтарилгани қабабли одамлар Пайғамбар (с.а.в.)га бозорда нарх белгилаб беришларини сўрадилар. Шунда айтдиларки: “Баҳони тайинловчи, кенглик ва торлик берувчи, ризқ ато этувчи ёлғиз Аллоҳдир. Мен Роббим билан ўрталарингизда бирор ноҳақликка қўл урмаган ҳолда юзлашишни истайман”². Яна бир бошқа куни Ҳаким ибн Ҳизом деган саҳоба бир қўйни бир дирҳамга сотиб олиб, икки дирҳамга сотди. Унинг бир дирҳамига яна қўй сотиб олди-да, қолган бир дирҳамини Пайғамбар (с.а.в.)га келтириб берган эди. Шунда Расули Акрам (с.а.в.) саҳобани уришмаган, аксинча, товарига баракот тилаб, дуо қилган эдилар³. Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) 100%лик фойдани рад этмаган эдилар, бундай савдони қораламаган эдилар. Бу ҳолат савдода алдамасдан келишилган суммада фойда топиш мумкин эканига ишоратдир.

Фикҳ олимлари фойданинг чегараси товарнинг турига қараб ўзгаришини, бунда чегара йўқлигини илгари сурадилар⁴. Шу билан бирга бозорда суситеъмол ҳолатлари ҳам бўлади, қорабозор савдогарла-

¹ Абу Довуд. Ҳадис. 3442.

² Абу Довуд. Ҳадис. 3451.

³ Абу Довуд. Ҳадис. 3386.

⁴ Ал Косоний Алоуддин Абу Бакр бин Масъуд, Бадоиус санаий фитартибиш шароий, Дорул Кутубил илмийя, Байрут, .2010.

ри халқни талайди. Одамларнинг зарурий эҳтиёжлари бўлган товарларнинг баҳоси ошиб кетса, давлат нархларга аралashiши мумкин¹.

Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) капитализмдан бир неча асрлар олдин эркин бозор иқтисодига асос солган, нархлар социализмдаги каби давлат томонидан эмас, балки талаб ва таклифга кўра белгиланиши тўғри эканини исботлаб берган эдилар.

ЗАКОТ

Товар бир одамнинг қўлида тураверса, эскийди. Одамнинг мулкида бошқа кишиларнинг,² яъни жамиятнинг ҳаққи борлиги Куръони Каримда кўрсатилган.

“Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошно қилинувчилар, (ҳақ тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли (зот)дир.” (Тавба сураси, 60-оят)

(Изоҳ: Бу кўрсатилган кишиларга закот, хирож, фитр ва ушр каби садақотлар берилиши керак. Улардан "диллари ошно қилинувчилар" мансух этилган. Яъни Ислом аввалида закот ва вожиб садақаларни кофирларга ҳам берилар эди, бу билан уларнинг дилларини Исломга мойил қилиш мақсад қилинар эди. Кейинроқ Ислом ривож топгандан кейин Абу Бакр

¹ Марғиноний. “Ал Ҳидоя”.

² Тавба сураси, 60-оят.

(р.а.) халифалиги даврида саҳобалар ижмоси билан унинг ҳукми бекор қилинган.)

Мол-мулк айланиб турса, у янгиланади. Акс тақдирда, мол-мулк ер устида тоза турган бўлса, ҳам, “хазина” ҳисобланади¹.

“Эй, иймон келтирганлар! (Насроний) дин пешвотлари ва роҳибларнинг кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейдилар ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсадилар. Олтин ва кумушларни кон (маҳфий хазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб “хушхабари”ни беринг!” (*Тавба сураси*, 34-оят)

Одам ўзига берилган ризқдан садақа қилиб турса, молига барака киради².

“...улар ғойиб (диний хабарлар)га иймон келтирадиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир.” (*Бақара сураси*, 3-оят)

Кўринишидан молни озайтирадиган бўлиб туъюладиган закот ҳам аслида уни кўпайтиради. Закоти тўланган мол ортади.

Сармоя булоқдан қайнаб чиқувчи сув кабидир. Сув қанчалик кўп чиқса, шунчалик кўп оқади. Бойлик ҳам кўпайгани сайин муҳтоҷларга ва етим-есирларга фойда келтиради. Исломнинг закот амрига риоя қилувчи жамиятларда камбағал кимсалар бойларнинг давлатлари кўпайишини тилаб дуо қиладилар. Закот фақир кимсани ҳам моддий, ҳам маънавий тарафдан бой кишига яқинлаштиради.

¹ Тавба сураси, 34-оят.

² Бақара сураси, 3-оят.

Пул қаерда топилса, закотни ўша ердагиларга бериш керак. Бошқа ўлкаларда бу ердагидан ҳам фақир кимсалар кўп бўлса, мусулмонлар закотларини ўша ерларга жўнатишлари мумкин. Бу билан йўқсил ва қийинчиликда яшаётган ўлкаларнинг оёқقا туриб олишига кўмаклашилган бўлади.

МУЛК ҲУҚУҚИ

Аслида барча мулк Ҳақ Таолога оидdir. Одам Аллоҳ Таолонинг Ердаги халифасидir. Одам ҳам, мулк ҳам яратилгандир. Шу сабабли ҳар иккисининг устиди Аллоҳ Таолонинг ҳокимияти барқарордир. Одам нисбий мулк соҳибидир. Уни бошлиқ қўлидаги иш юритувчига ўхшатиш мумкин. Демак, одам Аллоҳнинг рухсатидан ташқарига чиқа олмайди. Шаръий ўлчовга кўра, бир шахсга тегишли молнинг ҳақиқий баҳоси “Сеники ҳам эмас, меники ҳам эмас”, дастурiga кўрадир. Сенинг ва менинг молимиз Аллоҳни-кидир:

Шариатда бу сеники, бу меники,
Тариқатда ҳам сеники, ҳам меники.
Ҳақиқатда на сеники, на меники.

АШЁ ВА ОДАМ МУНОСАБАТИ

Исломда одам ва ашё муносабатини қуидагича тасвирлашимиз мумкин:

Ашё ҳам, одам ҳам Аллоҳга оидdir. Борлиқдаги нарсалар каби одам ҳам бир куни йўқ бўлувчи жонзотдир. Боқийлик фақат Аллоҳгагина хосдир.

“Ер юзидаги барча нарса бир куни йўқ бўлувчилир. Фақат азамат ва икром соҳиби бўлган Роббингиз абадийдир”¹ (*Раҳмон сураси, 26–27-оятлар*).

Бу ҳақиқатни онгига сақлашни истаган баъзи подшоҳлар кафандарини хизматкорларига бериб, бир түғнинг учига боғлатиб, бозорларда айлантирип эдилар: “Эй аҳоли! Бу жаҳон подшоҳининг кафанидир. У бир куни ўлади ва шу кафанга ўралади. Бадани чириб, тупроққа айланади. Сизлар ҳам дунёга шу кўз билан боқинг. Ўлимни ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг!”

ИЛОХИЙ НАЗОРАТ

Ҳаётимизнинг ҳар жиҳати каби иқтисодий тараф ҳам илоҳий назорат остидадир. Бу тушунча дунё ва охират ўртасидаги мувозанатни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзини назоратда эканини билган одам ҳар турли ёмонлик ва тажовуздан тияди ва сақлайди. Мусулмон киши олди-бердида, ҳар бир қадамида ҳисоб-китобни унутмайди. Аллоҳ йўлида жонини² ва молини беришга тайёр туриб, Роббисидан ризолик кутади.

“Одамлар орасида Аллоҳнинг розилигини истаб, жонини берадигани ҳам бор. Аллоҳ баңдаларга меҳрибондир.” (*Бақара сураси, 207-оят*)

“Молларини Аллоҳ ризолиги ва дилларининг событлиги учун сарф қиласидиган кишилар адирдаги боғга ўҳшайди: унга жала теккач, ҳосилини икки баробар етиштиради. Агар унга жала ёғмаган бўлса, томчилаб

¹ Раҳмон сураси, 26–27-оятлар.

² Бақара сураси, 207-оят.

ёққан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундиради) Аллоҳ қиляёттган амалларингизни кўриб турувчиdir.” (Бақара сураси, 265-оят)

Исломий иқтисод низомига асосланган ўлкаларда ишлаб чиқарувчининг ҳаққи ҳимоя қилингани каби истеъмолчининг ҳаққи ҳам ҳимоя қилинади. Бу назоратчилар воситасида амалга оширилади. Ярим кечада ҳожатхонадан чиқиб, қўлини ювмай хамир қориган новвойни охиратдаги сарҳисоб қўрқувидан бошқа ҳеч қандай куч назорат қила олмайди.

ИЖТИМОЙ КЎМАКЛАШУВ ВА МАРҲАМАТ

Капитализмда фойда кўриш борасида ҳеч қандай ахлоқий меъёр йўқ. Эркаклар дикқатини кўпроқ тортиш учун яланғоч аёллар расмлари туширилган рекламалар ишлаб чиқарувчининг харидор чақириш учун ахлоққа зид бўлган воситалардан биридир.

Саноатлашишга боғлиқ бўлган йирик сармоя эгалари катта-катта бойликларни кўлга киритдилар. Капитализм ҳеч қачон камбағалларга ёрдам қўлини чўзмади. Бой ва камбағаллар ўртасидаги муносабатларга чуқур дарз кетди. Социализм синфлар ўртасида тенгликни таъминлаймиз, деган пуч ваъдалар билан одамларни алдади. Натижада шахсий мулкнинг эгаси йўқолди. Коммунизм мулкни ҳам, ишлаб чиқариш ва истеъмолда тенглик қиласиз, деган ёлғон ваъдалар берабер, мулкка ва динга душманлик қилди. Социализм фабрика раҳбарларини фақат ўзимга бўлсин, қабилида иш тутишга, ишчиларни танбалликка ўргатди. Шу

сабабли узоқ вақт курашса-да, охири чўкиб, гарқ бўлди. Коммунизмнинг мағлуб бўлишидан капиталистлар хурсанд бўлди. Аслида эса, “капитализм мураккаб хатолар йиғиндисидирки, уни тўғриламоқчи бўлган социализм ҳам таназзулга учради. Социализмнинг аҳволи қозондаги заҳарли таомни тозалаш учун қозонга тушиб заҳарланган маҳсулотга ўхшайди”.

Ислом дини иқтисоднинг совуқ башарасини ўз марҳамати билан иситди. У ҳатто ғайримуслимга ҳам садақа беришга йўл очди. Давлат раҳбари хизматчиси билан, халифа қули билан бир сафда намоз ўқиди, бирга юрди, бирга таом еди, бир маркабга навбат-ма-навбат минди.

Фатҳ қилингган ўлкаларда маънавий ўсиш билан бирга моддий юксалиш ҳам рўй бера бошлади. Капиталистик ёки социалистик ўлкалар сиёсий обрў-эътиборларидан фойдаланиб, бошқа мамлакатларни эзаётган бир пайтда мусулмонлар дарвешлар ёки тижоратчилар воситасида халқнинг моддий турмуш тарзини гуллаб-яшнаши учун хизмат қилди. Капиталистлар барча фойдани ўзиники қилиб олаётган бир пайтда Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) Муоз ибн Жабал(р.а.)ни Яманга жўнатиб шундай буюрдилар: “Уларга Аллоҳ бойлардан олиб, камбағалларга бериладиган закотни амр қилганини айт”¹. Муоз(р.а) Яманнинг садақасини Мадинага олиб келмай, ўша ердаги камбағалларга тарқатиб келди.

¹ Бухорий. Ҳадис. 1395

ИҚТИСОД ВА ДИН

Ислом иқтисодининг тамали Куръони Карим ва Суннати санийядир. Мусулмон киши дунёда абадий юрти бўлган охират учун ҳаракат қиласи. Бу нуқтаи назардан пул унга осойишталик бағишлиайди. Фароғатни дунё ва охират саодатидан қидиради.

РАҲБАР ВА ИШЧИ МУНОСАБАТЛАРИ

Чексиз фойдага ва мол-дунёга соҳиб бўлиш орзуси билан яшаган капитализмга жавобан жамият учун фойда келтираман, дея бош кўтарган социализм одамлардан ташаббус эркинлигини ва мулкка эгалик қилиш ҳукуқини тортиб олди. Давлат раҳбар бўлиб олди. Бозор талаб ва таклифга кўра эмас, ўзи белгилаган қиймат асосида юрди. Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқарилган товар муттасил ривожланар экан, социализмда ишчи билан муҳандис меҳнати бир хил баҳоланди. Капиталист ўлкалар шахсий мулкка эга эканлигидан фаҳр туйган бир паллада социалистик мамлакатлар уни парчалаб ташлади.

Социализм ишлаб чиқариш воситаларини колектив ҳолга келтирди, синфларга барҳам берди. Жамиятнинг янгиланишини, либерализмнинг “Нима қилса, қилаверсин”, қабилидаги фалсафасига якун ясашни ваъда қилди. Социализмга кўра, раҳбар ўғридир. Карл Маркс фикрига кўра, пролетариат сармоядорлар тарафидан эзилган синфдир. Сармоя эгаси ишчининг меҳнатига яраша ҳақ тўламайди, шунинг учун иккала синф teng ҳақ олиши керак.

Социализм капитализмни золим тизим деб билди ва бойларни мулкка эгалик қилиш хукуқидан маҳрум қилиб, сармоя эгасининг ҳаққига ўзи ҳам тажовуз қилди. Ислом дини эса, жамиятдаги ҳар бир қатлам – бошлиқлар ва ишчилар, амирлар ва маъмурлар кўри-нишида давом этишининг рад қилиб бўлмаслигини уқтириди: “Роббингнинг раҳматини бўлишиш уларга қолдими? Уларнинг дунё ҳайтидаги ризқларини биз тақсимладик. Биз уларни бир-бирига ходим ва бошлиқ қилиб, даражаларга ажратдик. Роббингизнинг раҳма-ти уларнинг тўплаганларидан хайрлироқдир.”¹ (Зухруф сураси, 32-оят)

Жамиятда ҳамма бошлиқ ёки раҳбар бўлса, асло бир ишни юритиб бўлмайди. Ҳамма бир хил ишчи ҳам бўла олмайди. Акс ҳолда, дунё ботқоққа айланади.

Ислом дини раҳбарга эмас, мол-мулк соҳиби бў-лишга эмас, тижоратта ҳам эмас, фоизга қаршидир. Раҳбарнинг зулм қилишига ёки ишчининг ўч олиш туйғуси билан ишлашига йўл қўймайди. Синфлараро табақаланишга ҳам йўл қўймайди. Иш ташлаш каби усуллардан фойдаланиб ҳаққини талаб қилишга рози бўла туриб, бошқаларга зарар етказмайди. Ҳаққини талаб қила туриб, бошлигининг ҳамёнидаги пулга кўз тикмайди. У раҳбарининг пулинини санамайди, аммо бозорда пул топаяптими, агар топаётган бўлса, қанча топяпти, шунга қизиқади.

Ишчи бошлигининг ҳимоясидадир. Раҳбар одам қўл остида ишлаётган ходимининг ҳар қандай муам-

¹ Зухруф сураси, 32-оят.

мосини ҳал қилиб беришга мажбур. Керак бўлса, у билан бир дастурхонда ўтиради. Ишчи пул билан таъминлаётган ўз бошлигининг ҳаққига дуо қилади.

КАСАБА УЮШМАСИ

Франция, Англия, Германия каби мамлакатларда ишлаб чиқариш ривожланган даврда фабрикалардаги иш соати 18 соатни ташкил қилди. Бутун оила аъзолари билан бирга ишлашига қарамай, оладиган маошлари уларнинг кунлик харажатларини қоплай олмас, маошлар вақтида берилмас эди. Иш жойларидаги шартларнинг одам саломатлигига хавфли экани ва баҳтсиз тасодифларнинг кўплиги 1800 йилларга келиб, ишчиларнинг бирлашишига сабаб бўлди. Улар ўзаро ҳамкорлик ташкилотларини туздилар. Кейинчалик бу ҳамкорлик бутун дунё ишчиларини бириктирган касаба уюшмаларига айланди.

Касаба уюшмаси — фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иктисодий ҳукуқ ва манфаатлариниifo-далаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмасидир¹.

Ҳар бир фиштни ўз жойига қўювчи Ислом динини бир низом деб олсак, унда на ишчининг ва на иш берувчининг ҳаққи поймол қилинадиган касаба уюшмасига эҳтиёж қолмайди. Раҳбар ишчисининг ҳаққидан фойдаланадиган касаба уюшмасига эмас, бошқа-

¹ Халил Сайдўғли. 547-бет.

риш ва идора қилиш мақомига муҳтождир. “Товуқ ва тухум назарияси ҳаммамизга таниш: раҳбар бўлмаса, ишчи бўлмайди, ишчи бўлмаса, раҳбар бўлмайди. Раҳбар шуни яхши билиши керакки, агар ишчи ишламаса, унга фойда келмайди. Ишчининг зиммасига тушган нарса шуки, агар бошлиғи иш юритмаса эди, у пул топа олмас эди. Шунинг учун ҳар икки тараф буни яхши тушуниб етмоғи керак”¹.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ислом иқтисодиётининг асоси ишлаб чиқаришдир. Ислом динида сармоя учун кредит берган мулк эгаси билан ишлаб чиқарувчини бир-биридан айрмайди. Улар фойдани ҳамда зарарни тенг бўлишадилар. Капитализмда ишлаб чиқарувчи зарар топса, сармоядор фоиздан келган фойдани олиб кетаверар эди².

Ислом дини кишиларни ишлаб чиқаришга тарғиб қиласи. Ислом дини берувчи қўлни оловчи қўлдан устун қўяди. Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) қўлнинг учтурли бўлишини, энг устун қўл Ҳақ Таолонинг қудрат қўли эканини, иккинчиси берувчининг қўли эканини, учинчиси эса, оловчининг қўли эканини айтадилар. Қиёмат кунида ҳам оловчи қўл энг пастда туришини таъкидлаганлар³.

Ислом бу дунёда туриб, охиратда қаср эгалари бўлишга ташвиқ қиласи. Бу билан бирга бу дунёни ҳам обод қилишга чақиради. Қасрларнинг эгаси бўлмиш

¹ Нажиб Фозил Қисакурак. “Идеология шакли”.

² Тақий ал Усмоний. “Ат Тижарату вал Иқтисодул Муасир”.

³ Абу Довуд. Ҳадис. 1649.

мусулмон киши ишлаб чиқаради, бозорга боради, бозор ташкил қиласи, илгор бўлади. Сиёсий билим эгаси бўлиш учун иқтисодий жиҳатдан ҳам етук бўлишга файрат кўрсатади. Шу жиҳатга алоҳида аҳамият берган Суфён ас Саврий товарнинг қурол эканини уқтиради¹.

Муҳаммад ибн Савр шундай ҳикоя қиласи:

“Масжиди Ҳаромда ўтирганимизда, ёнимизга Суфён ас Саврий келиб қолди. Биздан: “Нега бундай ўтирибсизлар?”, – деб сўради. Бизлар: “Нима қилайлик?”, – дедик. Шунда у: “Аллоҳнинг лутф-марҳаматини қидиринг². Мусулмонларга юк бўлманг”, – деди.

Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) етим моли омонат қилиб топширилган бир кишига ўша пулни етим бола номидан тижоратга сарфлаб, айлантиришни буюрдилар: “Пули бор бир етим болага васийлик қилсангиз, унинг номидан тижорат қилинг. Закот молни еб битиради, шунинг учун уни айлантириб туринг”³.

Мусулмон киши эгаси йўқ ерга экиб-тикса, ҳосил уникидир. Маълум бир ернинг атрофини тош билан ўраб қўйиб, уч йилгача бирор нарса экмаган кишининг у ерда ҳаққи қолмайди. Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) Билол ибн Ҳорисага(р.а) берган ерларини бўш турганини кўрган Ҳазрати Умар(р.а.) унга: “Аллоҳнинг Расули бу ерни сенга одамлардан олиб қўйиш учун

¹ Ал Ҳаллол. Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал, Байрут, 1995.

² Ал Ҳаллол. Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал, Байрут, 1995.

³ Термизий. Ҳадис. 641.

эмас, бирор нарса экади, деб олиб бердилар. Эка оладиган ерингни ол, қолганини қайтар”, – деди.

Ислом ҳар тарафни ўйлайдиган тизимга чақиради. “Миноралардан юксалган аzon садолари гарб маданиятини енгиш даъвосини очар экан, фабрика мўриларидан кўтарилаётган тутунлар нақши дунёвий жиҳатдан ҳам устун эканини исботлашга уринади”¹.

РАҲБАРЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИКЛАРИ

Одам бешикдан қабргача устозга муҳтождир. Кунимизда янги қўлланаётган тараққиёт агентликлари бажараётган вазифаларнинг янада мукаммалроғини Ислом иқтисодиётидаги фақиҳлар, раҳбарлар ва ақлли одамлар бажарадилар. Халқни ўқитадилар, муаммоларни ҳал қиласидилар. Уларнинг одамлар учун зарар келтирмайдиган йўлларини етказадилар.

Аллоҳнинг Расули(с.а.в.) саҳобаларни бу борада ҳам етук қилиб тарбиялаганлар. Уларга йўл харитасини чизиб берганлар. Бу хусусда ҳадисларда кўплаб ривоятлар келтирилган. Жаноби Пайғамбар(с.а.в.) нинг бир саҳоба билан қилган суҳбатлари бунга мисолдир:

Ансорлардан бири Пайғамбаримиз(с.а.в.) ҳузурларига келиб, бир нималар сўради. У Зоти Бобаракот(с.а.в.): “Уйингда ҳеч нарса йўқми?”, – дедилар. Саҳоба: “Безак ва газламалар бор. Бир қисмини ишлатамиз, бир қисмини эса, уйга тўшаганмиз. Яна катта сув идишимиз ҳам бор”, – деди.

¹ Қисакурек Нажиб Фозил, Идеология чамбари, Буюк Шарқ, Истанбул, 1976.

Пайғамбар (с.а.в.): “Уларни менга келтир”, – дедилар. Саҳоба уларни келтиргач, уларни саҳобаларга сотишларини айтдилар. Бир саҳоба уларни бир дирҳамга, бошқа бири икки дирҳамга сотиб олишини айтди. Пайғамбаримиз(с.а.в.) пулни ансорийга бериб, шундай дедилар: “Бу пулнинг бир қисмини уйингга олиб бор, бир дирҳамига болта сотиб ол. Кейин менинг ёнимга кел.” Ансорий бозордан сотиб олган болтага Жаноби Расулуллоҳ(с.а.в.) ўzlари соп ясадилар ва дедилар: “Энди бор. Болта билан ўтин қил ва уни бозорда сот. Мен сени беш кунгача кўрмайин.” Ансорий кетди ва орадан кунлар ўтиб, ўн дирҳам пул билан қайтиб келди. Бир қисмига кийим-кечак, яна бир қисмига озиқ-овқат сотиб олди¹.

САНОАТ

Саноат табиат ва ашёни одамлар учун янада қўлланишли ҳолга келтирди. Саноатнинг ривожланишига мутаносиб равишда одамларнинг ҳаёт даражалари кўтарилди, ашё устидаги хукмронлиги ортди.

Саноат амалиётларининг муҳим элементи ҳисобланган темирга ишлов беришни биринчи бўлиб ҳазрати Довуд (а.с.) томонидан амалга оширилган. Аллоҳ Таоло унга темирни юмшатишни² ва темирдан зирҳ³ ясашни ўргатди.

**“Биз Довудга (улуг) фазл (марtaba) ато етдик:
“Эй, тоғлар ва қушлар! (Довуд) билан бирга тасбеҳ**

¹ Абу Довуд. Ҳадис. 1641.

² Сабаъ сураси, 10-оят

³ Анбиё сураси, 80-оят

айтинглар!" Ва унинг учун темирни (хамирдек) мулойим қилиб қўйдик." (*Сабаъ сураси, 10-оят*)

"Унга (Довудга) сизларга зиён етишдан сақлайдиган совут ясаш санъатини таълим бердик. Бас, сизлар шукр қилувчимисизлар?!" (*Анбиё сураси, 80-оят*)

Муфассирлар ҳазрати Довуд (а.с.)нинг темирга ишлов бериш санъати ҳақида қўйидаги воқеани нақл қилишади:

"Ҳазрати Довуд (а.с.) ўзга қиёфада кўчани айланиб юриб одамлардан "Довуд қандай одам?" деб сўрайди. Бир куни Жаброил (а.с.) ёш бир йигит қиёфасида у билан учрашади. Ҳазрати Довуд (а.с.) унга ҳам ўша саволни беради. Жаброил (а.с.) унга шундай деб жавоб берди: "Довуд жуда яхши кул, фақат унинг бир айби бор. Тирикчилигини хазинадан қиласди. Ваҳоланки, одамларнинг энг хайрлиси ўзи ишлаб топгани билан тирикчилик қилганидир". Бу гапни эшитган Довуд (а.с.) йифлаганича меҳробга боради ва Аллоҳга шундай ёлворади: "Аллоҳим, менга хазинага муҳтоҷ бўлмайдиган ҳолда яшашни ўргат". Аллоҳ Таоло унга зирҳ ясашни ўргатди. Аллоҳ унинг учун темирни юмшатди. Унинг қўлида темир худди хамирдек юмшаб кетарди¹.

ТИЖОРАТ ВА ИБОДАТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Негизида Аллоҳ розилиги бўлган ҳар қандай амал ибодат ҳисобланади. Бу маънода одамларга хизмат қилиш воситаси бўлган тижорат ҳам ибодат ҳисоб-

¹ Куртубий, "Ал Жомиийу ли Аҳкамул Қуръан", Дорул Кутубил илмийя, Байрут, 2000.

ланади. Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳам тижоратни ибодат деб қабул қилғанлар. Машхур олим Сараҳсий ҳалол даромад қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги Имом Муҳаммаднинг “Китобул касб” китобини зуҳд ва ахлоқ китоби сифатида ёзганини айтади.

Ислом жамиятида тижоратнинг ибодат деб баҳоланишининг энг машхур далилларидан бири бўлган мазкур китобнинг ёзилиши тарихи ҳақида шундай ривоят қилинади: “Имом Муҳаммад китоб ёзишни тўхтатгач, унга “Зуҳд ва тақво ҳақида ҳам китоб ёзсангиз-чи!” дейилади. Бунга жавобан Имом Муҳаммад ““Китабул байъ” (Савдо-сотиқ китоби)ни ёздимку”, – деб жавоб беради. Шундан сўнг яна иқтисод ҳақидаги “Китабул касб/Ислом иқтисоди” китобини ёзишга қарор қиласа”¹.

Тижорати мустақийм (тўғри) бўлган кишининг ибодати ҳам мустақийм (тўғри) бўлади. Чунки зуҳд ва тақвонинг боши ҳалол пул топишдир. Шу сабабдан Имом Муҳаммад савдо билан алоқадор бўлган китобни зуҳд ва ахлоқ китоби деб баҳолаган.

Мусулмонлар амалиётда ибодат билан тижоратни биргаликда юритишган. Куйидаги оятда бу биргаликни энг гўзал шаклда амалга оширган саҳоба ҳақида шундай марҳамат қилинади:

“У (чироқ) кўтарилишига (курилишига) ва уларда ўзининг номи зикр қилинишига Аллоҳ изн берган уйларда (масжидларда)дир. У (масжид)ларда эртаю-кеч Унга тасбех айтадиган кишилар бордир. Уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан,

¹ Аш Шайбоний, “Китабул касб” (Сараҳсий шарҳи билан биргаликда)

намозни мукаммал адо этишдан ва закот беришдан чалғита олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кун (қиёмат)дан кўркурлар.”¹

Ибодат ва амални бир пайтда олиб бориш ҳақидаги оят ва ҳадисларни ҳамма саҳоба ҳам бир хил тушумаган. Ҳазрати Абу Бакр (р.а) ва Абдураҳмон бин Авф (р.а)каби саҳобалар ибодат ва тижоратни биргаликда олиб юрсалар, Абдуллоҳ бин Амр ва Абуд Дардоъ каби зоҳидлар барча вакъларини ибодатта ажратиб² дунёвий ишлар билан умуман шуғулланишмаган. Улар бунинг учун Аллоҳ Расули (с.а.в.) томонларидан дакки ҳам эшигтанлар.

ПУЛ ВА ЗУХД

Мусулмон Аллоҳ номидан ҳаракат қиласи. Мўмин ҳоким пул эса маҳкумдир. Пул Аллоҳга яқинлаштирувчи восита сифатида қийматга эга бўлади. Бунга кўра пулсиз кишилар қандай “зоҳид” бўлаётган бўлса, пулдор кишилар ҳам Абдураҳмон ибн Авф каби зоҳид бўлишлари мумкин.

Ислом иқтисодиёти назариясида пул ва одам муносабатини англай олмаган бир кици Суфён бин Уяйнага “ёнида юз дирҳам пули бор одам зоҳид бўлиши мумкинми?” деб сўрайди. Суфён унга жавобан: “Ҳа”, – дейди. “Бу қандай бўлиши мумкин?”, – деган саволга эса Суфён бин Уяйна шундай деб жавоб беради: “Пули камайса хафа бўлмайди, кўпайиб кет-

¹ Нур сураси, 36-37-оятлар

² У бу борада шундай дейди: “Ибодат ва тижоратни биргаликда юрита олмадим. Тижоратни тарк қилиб ибодатта берилдим. (қаранг: ал Ҳаллол)

са севинмайди, бойлигидан айирадиган ўлимни ёмон кўрмаса у киши зоҳид бўлади.”¹

Али бин Жаъфар шундай деди: “Отам Аҳмад бин Ҳанбални зиёрат қилиш учун кетаётганида мени ҳам олиб кетди. Етиб боргач, мени у зотга таништириди. Аҳмад ибн Ҳанбал эса мени дуо қилиб шундай деди: “Уни бозорга юбор. Нарх-наво ва савдони ўргансин. Тенгдошларидан узокроқ юрсин.”²

Ал Жассосий Аҳмад ибн Ҳанбалга қараб: “Тўрт лирам бор. Буларнинг бири тижоратдан, иккинчиси қариндошлардан силаи раҳм, учинчиси дарс бериш орқасидан топилган. Охиргиси эса Боғдоддаги еримнинг ижарасидан келган. Булар ҳақида нима дейсиз?”, -деди. Аҳмад ибн Ҳанбал жавоб берди: “Мен учун энг афзали тижоратдан топганинг. Энг хунуги силаи раҳмдан олганинг. Дарс берганинг учун пулни эҳтиёжинг бўлса, ол. Ернинг ижарасини ўзинг ҳам биласан. Нима учун мендан сўраяпсан?”

ИҚТИСОДНИНГ УЧ ҚУТБИ

Ислом иқтисодининг уч қутби бор. Биринчисида тижорат ҳалол, иккинчисида фоиз ҳаром, учинчисида закотнинг фарз экани ёзилган. Ҳалол тижорат фоиздан узок туриши ва закот орқали тозалаб турилиши керак. Муҳими кўп топиш эмас, балки ҳисобини бера оладиган даражада топишдир.

¹ Ал Ҳаллол, Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, ал Ҳассу алат Тижара вас Синаъа вал Амал, Байрут, 1995.

² Ал Ҳаллол, Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, ал Ҳассу алат Тижара вас Синаъа вал Амал, Байрут, 1995.

Салафи солиҳларнинг аёллари пул топиш учун эрталаб кўчага отланган эрларига “Ризқимизни қиди-раётганда Аллоҳдан қўрқинг. Бизга ҳаром едирманг. Биз очликка сабр қила оламиз, фақат оловга чидол-маймиз”, – дейишарди.

ТАВАККУЛ ВА АЗМ (ФАЙРАТ)

Жаноби Пайғамбар (с.а.в.) берувчи қўлнинг олувчи қўлдан устун эканини марҳамат қилғанлар. Чунки берувчи қўл ишлайди, терлайди, нимадир ишлаб чиқаради. Афсуски, баъзи тушунчаларнинг нотўғри тушунилиши оқибатида мусулмонларнинг даромад қилиш ва бойлик топиш маданиятига салбий таъсир қилган. Йиллар давомида ортиғи билан маъноси нотўғри талқин қилинган тушунчалардан бири “таваккул”дир. Шу сабабдан Исломнинг дастлабки даврларидан бери фақиҳлар таваккул ва касб мувоза-нати хусусида музокаралар қилишган.

Ҳазрати Умар (р.а) бошларини эгиб юрган яманлик бир гуруҳга қараб “Булар ким?”, – деб сўрайди. Унга жавобан саҳобалар: “Булар Аллоҳ Таолога таваккул қилган кишилардир”, – деб жавоб беришади. Бундан жаҳли чиққан ҳазрати Умар (р.а): “Асло, булар мутаваккил эмаслар. Булар еювчилар (мутааки-лун)дир. Сизга мутаваккил ким эканини айтайми?”, – деди. “Ҳа”, – дейишиди саҳобалар.

Ҳазрати Умар (р.а) давом этди: “Мутаваккил тупроққа уруғ қадагандан сүнг Аллоҳ Таолога таваккул қылган кишидир”¹.

Яна ҳазрати Умар (р.а)нинг: “Сиздан бирингиз “Ё Раббим, ризқимни юбор”, – деб ўтирган жойидан ризқ истамасин. Биласиз, осмондан на олтин ёғади, на кумуш”², – дегани нақл қилинади.

Таваккул ризқ таъминоти учун меҳнат қилишга монелик қымаслиги керак. Яман халқи етарли озуқа олмасдан Ҳажга боришар ва “Биз Аллоҳга таваккул қилдик”, – дейишарди.

Фақат Маккага етиб боришганида одамлардан егулик сўрашарди. Бу ҳодисадан сўнг, “Ҳаж (мавсуми учун) маълум ойлар (белгиланган). Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса, (ҳажни ният қилса), ҳаж давомида аёлга яқинлашиши, гуноҳ ишлар ва жанжал (каби ишларга рухсат) йўқ. Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билади. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз (Мендан кўркингиз), эй, оқиллар!”³ ояти каримаси нозил бўлган.

Хуросонлик бир одам Аҳмад ибн Ҳанбалга “Озуқа олмасдан Ҳажга кетсам бўладими?” деб сўради. Имом эса: “Йўқ, меҳнат қил, ҳаракат қил, ундан кейин йўлга чиқ”, – деб Аллоҳ Расули (с.а.в.) сафарга чиқаётганда “Озуқа ғамланг” деганларини эслатди.

¹ Аш Шайбоний, “Китабул Касб”, Мактабул матбуатил Исламийя, Байрут, 2005

² Фаззолий, , “Иҳёйи улумиддин”.

³ Бақара сураси, 197-оят

— У ҳолда Ҳажга озуқасиз кетаётганлар хато иш қилаяптими?

— Ҳа, улар нотўри қилишяпти”¹.

Яна бир киши келиб бир дирҳами билан Ҳажга бормоқчи бўлганини айтган кишига шундай деди: “Яхши бозор бўлган Бобили Карҳга бор. У ердан бир дирҳамга ширинлик ол, уни сот. Пулингни уч дирҳамга етказгунингча бу ишда давом эт. Ҳажга шундан сўнг бор.

— Эй Абу Абдуллоҳ, мен Аллоҳга таваккул қиласман. Бунча меҳнатга нима ҳожат?

Аҳмад ибн Ҳанбал:

— Чўлга ёлғиз борасанми, одамлар биланми?, — деб сўради.

— Албатта одамлар билан, — деди одам.

— Ундай бўлса, таваккул қилиш борасида ёлғон гапирдинг. Сен мутаваккил эмассан. Чўлда ёлғиз ўзинг юр. Акс ҳолда бошқа одамларнинг тўрвалари-даги озиқларга таваккул қилган бўласан.”²

Таваккулни нотўри тушунишнинг салбий оқибатлари хусусида Фаззолий ҳазратлари шундай мулоҳаза қиласди: “Жоҳил ҳалолнинг йўқолганини, унга бориш эшигининг ёпилганини ўйлади. Унга кўра ҳалол фақат Фиротнинг суви ва эгасиз ерлардаги гиёҳлар холос. Қолган нарсаларни эса гуноҳкор кўллар, нотўри ишлар бузган деб ўйлади. Лекин ҳакиқат бунинг аксиdir. Зеро, Аллоҳ Расули (с.а.в.) ҳалолнинг

¹ Ал Ҳаллол, Абу Бакр Аҳмад Бин Мұҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаъа вал Амал”, Байрут, 1995.

² Ал Ҳаллол, Абу Бакр Аҳмад Бин Мұҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаъа вал Амал”, Байрут, 1995.

ҳам ҳаромнинг ҳам аниқ эканини, бу иккисининг ўртасидаги нарсалар эса шубҳали нарсалар эканини айтганлар. Бу уч масала доимо биргадир. Ҳалоллар қандай йўқ бўлиб кетиши мумкин. Йўқолган нарса ҳалол нарсалар эмас, балки уни таниш ва англаш, унга эришишдир¹.

ПУЛ ТОПИШ ФОЯСИ

Мусулмон нафақат ўзини балки қарамоғидаги кишиларнинг ҳам тирикчилигини ўтказишга масъул ҳисобланади. Бу борада Ҳасан бин ар Робий шундай дейди: “Ўз меҳнатим билан топган бир дирҳам бошқа киши берган ўн дирҳамдан яхшироқдир”².

Иброҳим Адҳам ҳам ҳеч кимга юк бўлмаслик учун ризқини мардикорлик қилиб топган.

Ундан кайфияти қандайлиги ҳақида сўралганида “Нафақамни бошқаларга боғлиқ бўлиб қолмаса бўлди, мен яхшиман”, – деб жавоб берган³.

Вафот этганида маълум микдор динор қолдирган Мусаййаб ўлимни асносида Аллоҳ Таолога шундай нола қилган: “Эй Аллоҳим, бу динорларни фақатгина динимни ва наслимни ҳимоя қилиш учун тўплаганман”⁴.

Ризқ ортидан югураётганлар “Бу қандай тирикчилик қилмоқда” деган шубҳаларга ҳам барҳам бер-

¹ Фаззолий, “Ихёйи улумиддин”.

² Ал Ҳаллол Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал”, Байрут, 1995.

³ Ал Ҳаллол Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал”, Байрут, 1995.

⁴ Ал Ҳаллол Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал”, Байрут, 1995.

ган бўлишади. Абу Юсуф ал Фосулий шундай дейди: “Менга ҳар ойда бир дирҳам, бир йилда ўн икки дирҳам етади. Шунга қарамасдан “Абу Юсуф тирикчилигини қандай ўтказаяпти” деган гап-сўзлар туфайли яна меҳнат қиласкераман”¹.

НАТИЖА

Исломда табиий ва аслий даромад топиш йўли мавжуд. Шу боис Аллоҳ Расули (с.а.в.): “Ҳеч ким ўз қўл меҳнати орқали топган ризқчалик хайрли нарса емаган”, – деб марҳамат қилгандар.

Ислом ҳалол ризқ топишни ибодат даражасига кўтарган бўлиб, ўғрилик, талончилик, пора, қимор, фоиз каби ҳақсиз, ҳаром даромад манбаларини қатъий қоралаган ва тақиқлаган. Даромад ҳалол бўлиши учун у ниманидир эвазига бўлиши керак. Фоиз эвазига ҳеч нарса берилмайдиган даромад ҳисобланади. Farb иқтисодий назариялари фоизни асос қилиб олган бўлса, Ислом фоиз ўрнига ишлаб чиқаришни кўйган.

Тижорат битим тузган ҳар икки тарафга ҳам тенг миқдорда хатар эҳтимолини юкласа, фоизда сармоя эгаси ҳеч қандай хатарсиз, меҳнат қилмасдан даромад олади. Тижоратда фойда бир марта олинса, фоизда вақтга ва тўланмай қолган фоиз миқдорига кўра тўхтосиз кўпаядиган ва талаб қилинадиган фойда мавжуд.

¹ Ал Ҳаллон Абу Бакр Аҳмад Бин Муҳаммад, “Ал Ҳассу алат Тижара вас Синаъа вал Амал”, Байрут, 1995.

Тижоратда тарафлар ўртасида мувозанатли шаклда манфаат ётса, фоизда сармоя эгасининг бир тарафлама мутлоқ устунлиги бор. Фоизда пул муддат туфайли даромад топса, тижоратда товар ва меҳнат туфайли пулни кўпайтирилади.

Ислом сармоянинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик худудидан ташқарида ҳаракатланмаслиги учун фоизнинг пайдо бўлиши ва уни ривожланишига қарши тадбирлар қиласди. Пул кўпайтиришнинг асосий омили меҳнат деб билингани учун сармоянинг хатар ва зарар кўрмасдан бир томонлама даромад топишини ёқламайди. Шу тариқа сармоянинг озчилик қўлида қолиб кетишига тўсқинлик қилиб бой ва камбағаллар орасида жарлик пайдо бўлишига монелик қиласди.

Тижорат ривожланиш тарафдори бўлгани учун пулнинг адолатли равишда меҳнат қилаётганларга етиб боришига имкон яратади.

Пулнинг меҳнатга асосланган ҳолда айланишига ва янги иш ўринлари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Фоиз эса бир томонлама манфаат таъминлайдиган, сармояни озчилик қўлида тўпланишини мақсад қилган ва кўтгчиликни эзувчи тизимдир.

Ислом бозорнинг мунтазам равишида кенгайишини мақсад қилгани учун бир хил турдаги товарларнинг турли сифатларда бўлса, ҳам тенг микдорда ва нақд алмашувини ёқлайди. Олди-сотди амалиётларида эса ўзаро айирбошлаш ўрнига бозорда пулга сотиб пулга сотиб олишни тавсия қиласди. Шу тариқа бозорнинг доимо фаолиятда бўлишини таъминланади.

Капитализмнинг энг муҳим сармоя кўпайтириш воситаси фоиз бўлиб у ҳақсиз даромад манбаи си-

фатида баҳоланади. Куръони Каримда фоиз билан шуғулланганларни Аллоҳ ва Расули(с.а.в.)га қарши уруш қилганларга тенглаштирилади¹.

Чунки фоиз ноҳақ даромад топиш тизимиdir. У бошқаларни эзиш ҳисобига фойда топишни мақсад қилади. Пули борнинг имкони йўқни эзиш учун шароит яратиб беради. Капитализм бозор иқтисодиёти шартларини пайдо бўлиши ва одамга мулк ҳукуқи берилиши туфайли тижоратнинг йўлини очган, фақат тижоратда аҳлоқий қоида ва тартибларни белгила- масдан катта фасодга ҳам имконият яратиб берган.

Капитализмда одамнинг пул топиш эркинлиги чексиздир. Шу сабабдан ОАВда ялангоч аёллар расмларини босиб чиқаришни, ахлоқсиз фильмларни суратга олишга ҳеч қандай тақиқ қўймайди. Капитализм ишлаб чиқаришнинг энг катта душмани бўлган қимор ва фоиз орқали даромад топишни ҳам мубоҳ ҳисоблайди². Исломда эса даромад меҳнатга асосла- наётган бўлса ҳалолдир.

¹ Бақара сураси, 279-оят

² Тақий ал Усмоний “Фикхул Бую”, Мактабату Маарифил Куръан, Карабчи, 2015.

КИТОБИЁТ/ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Куръони Карим, Абдулазиз Мансур таржимаси.
2. Абдулқодир Ҳолид. Фикҳул-ақаллиётил-муслима, Дорул Имон, Траблус, 1998.
3. Аққундуз Аҳмад, Усманийлар тарихи ва ҳуқуқий ис-тилоҳлар қомуси, Усманийлар тадқиқот вақфи, Истанбул, 2018.
4. Али Ҳайдар Афанди, Дурагул-Ҳуккам Шарху Мажаллатил аҳком, Истанбул, 1330.
5. Алтан Микоил, Фоизсиз банкчилик асослари, Ислом ҳуқуқи тадқиқотлари журнали, 16-сон, 2010 йил.
6. Берккан Куршод, Инглиз яширин давлатининг махфий ташкилоти, Афтолия китоб уйи, Истанбул, 2018.
7. Билмен Умар Насуҳий, Ҳуқуқи Исломия ва Истилаҳати Фикҳийя қомуси, Билмен нашриёти, Истанбул.
8. Жомий Аҳмад, ан Назариётут Иқтисодийя, Қоҳира, 1976.
9. Ал Жассос Абу Бакр Аҳмад бин Али, Аҳкамул Куръон, Дорул Кутубил Илмийя, Байрут, 1994.
10. Дондурен Ҳамди, “Ислом иқтисодиётида сармоя тўплаш ва ишлатиш усувлари”, Ислом тадқиқот журнали, 1996.
11. Дондурен Ҳамди, Даиллари билан тижорат ва иқтисод илмиҳоли, Арқом нашриёт, Истанбул.
12. Абу Нуайм, Аҳмад бин Абдуллоҳ бин Исҳоқ, Ҳилятул Авлиё, Байрут.

13. Абуссууд Мұхаммад бин Мұхаммад, Иршодул Ақлис-салим ила Мазаёл китабул Карим, Дорул Кутубил Илмийя, Байрут, 1999.
14. Иқтисодий инқирозни бошқариш қўмитаси ҳисоботи, Саутгемптон тижорат палатаси, 1993.
15. Ал Алвоний, Тахо Жобир, Озчилик фикҳига кириш.
16. Ал Асхкер Аҳмад, “Egypt: An evaluation of major Islamic banks” Islamic Financial markets, 1990.
17. Ал Айний Бадруддин Маҳмуд бин Мусо, ал Биноя шархул Ҳидоя, Дорул Кутубил Илмийя, Байрут, 2000.
18. Ал Айний Бадруддин Маҳмуд бин Мусо, Умдатул Қорий, Ас Саҳҳар, Қоҳира.
19. Ал Буҳутий Мансур бин Юнус, Каашшафул Қиноъян Матнил Иқно, Матбаатул Ҳукума. Макка, 1394.
20. Ал Буҳутий Мансур бин Юнус, Қиноъян Матнил Иқно, Дорун Наводир, Байрут, 2006.
21. Ал Буҳутий Мансур бин Юнус, Шарху Мунтаҳал Ирадат, Қоҳира.
22. Ал Жамилий Ҳолид, аҳкамул Аҳлаф вал Муъаҳадат фиш Шариатил Исломийя, Дорул Ҳуррия, Боғдод, 1987.
23. Ал Фаззолий Мұхаммад Ҳомид, “Иҳёу улумиддин”, Дорус Садир, Байрут, 1997.
24. Ал Ҳаллол Абу Бакр Аҳмад Бин Мұхаммад, ал Ҳассу алат Тижара вас Синаға вал Амал, Байрут, 1995.
25. Ал Ҳайсамий Нурилдин, Буғйатул Баҳс ан завоиди Муснадил Ҳарис, Марказу Ҳидматис Сунна, Мадина, 1992.
26. Ал Ҳайсамий Нурилдин, Мажмауз Завоид, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 1982.

27. Ал Ҳайтами, Аҳмад бин Муҳаммад бин Али бин Ҳаҗар, Түхфатул Муҳтаж шархул Миаж, Қоҳира, 1315.
28. Ал Ҳайтами, Аҳмад бин Муҳаммад бин Али бин Ҳаҗар, Түхфатул Муҳтаж, Бомбей.
29. Ал Қалъажи Муҳаммад Раввос, ал Муомалатул Малиятул Муосира, Дорун Нафоис, Байрут, 1999.
30. Ал Қорадогий Али, Бухус фил Иқтисадил Ислами, Дорул Башаирил Исламий, Байрут, 2010.
31. Ал Қорадогий Али, Қоидатул мислий вал қиямий фил фикҳи Исламий, Қоҳира, 1993.
32. Ал Қарадавий Юсуф, Фиқхус Закот, Мактабату Ваҳба, Қоҳира, 2003.
33. Ал Қарафий Абул Аббос, ал Фуруқ, Дорул Кутубил илмийя, Байрут.
34. Ал Косоний Алоуддин Абу Бакр бин Масъуд, Бадоиус санайи фи тартибиш шароий, Қоҳира.
35. Ал Косоний Алоуддин Абу Бакр бин Масъуд, Бадоиус санайи фи тартибиш шароий, Дорул Кутубил илмийя, Байрут. 2010
36. Ал Кавсарий Муҳаммад Зоҳид, Мақолот, ал Мактаба-тут Тавфиқия, Қоҳира.
37. Ал Қуртубий, ал Жомийу ли Аҳкамул Куръан, Дорул Кутубил илмийя, Байрут, 2000.
38. Язир Элмалили Ҳамди, Ҳақ дини Қуръон тили, Асар нашриёт, Истанбул, 1979.
39. Ал Мавсилий, Абдуллоҳ бин Маҳмуд, ал Ихтияр ли Талилил Мухтар, ар Рисалатул Аламийя, Дамашқ, 2010.
40. Ал Маккий ал Муваффақ бин Аҳмад, Маноқиби абу Ҳанифа, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 1981.

41. Ал Марғиноний Бурҳониддин, ал Ҳидоя Шарҳул Бидоя, Карабчи, 2016.
42. Ал Марғиноний Бурҳониддин, ал Ҳидоя Шарҳул Бидоя, ал Мактабатут Тавфиқийя, Қохира, 2008.
43. Ал Мавдудий Абу Аъла, Тафхимул Куръан, Одам нашриёти, Истанбул, 1991.
44. Ал Мавсұатул Фикҳийя, Визаратул авқаф, Қувайт, 1995.
45. Ал Майдоний Абдулғаний, ал Лубоб фи шарҳил китоб, Дорул Кутубил арабий, Байрут, 2012.
46. Ал Майдоний Абдулғаний, ал Лубоб фи шарҳил китоб, Дорул Башариул Исламия, Байрут, 2010.
47. Ал Усмоний Мұхаммад Тоқий, Бухус фи Қадая фикҳийя Муасира, Дорул Қалам, Дамашқ, 2015.
48. Ал Усмоний Мұхаммад Тоқий, Асбабул азматил малия фи давиил Ислам, Идаратул Куръан, Карабчи, 1437.
49. Ал Усмоний Мұхаммад Тоқий, Фикҳул Буйу, мактабату Маарифил Куръан, Карабчи, 2015.
50. Аң Насафий Абул Баракат Абдуллоҳ бин Аҳмад, Мадорикут Танзил ва Ҳақаикут Таъвил, Дору Ибн Касир, Байрут, 2008.
51. Аң Нававий, Абу Закария Яҳя бин Шараф, ал Мажмуъ шарҳул Мұхаззаб, Қохира, 1347.
52. Аң Нававий, Абу Закария Яҳя бин Шараф, ал Мактабатус Салафия, Мадина.
53. Аң Нававий, Абу Закария Яҳя бин Шараф, Равдатул Толибийн ва Үмдатул Муттакийн, ал мактабатул Исламийя.
54. Аң Нисобурий Низомиддин Ҳасан бин Мұхаммад бин Ҳусайн ал Аъраж, Тафсиру Фараибул Куръан. Байрут.

55. Эргин Фаридун, Пул сиёсати, Истанбул Университети, Истанбул, 1996.
56. Эркал Меҳмет, Исломнинг дастлабки даврларида пул ва закотнинг ҳисобланиши, Истанбул, 1985.
57. Ар Рофеий Абул Қосим Абдулкарим бин Муҳаммад бин Абдулкарим, аш Шархул кабир, Байрут.
58. Ар Розий Фахриддин, Мафотихул Файб, Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1990.
59. Ар Ромлий Шамсиддин Муҳаммад бин Аҳмад, Ниҳоятул Муҳтаж ила шарҳил Минҳаж, Қоҳира, 1937.
60. Ар Рухуний Муҳаммад бин Аҳмад, Авдахул Масолий ва Асҳалул Марокий, ал матбаатул амирийя, Булақ, 1306.
61. Эртуғрул Аҳмет, Пул теорияси, Ажанс –Турк матбуот, Анқара, 1994.
62. Ас Сараҳсий, ал Мабсут, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2001.
63. Ас Сараҳсий, Шархус Сиярул кабир, Байрут.
64. Собиқ ас Сайд, Фикҳус Сунна, Дору Ибн Касир, Дамашқ, 2007.
65. Ас Суютий, ад Дуррул Мансур фит тафсир биъл Маъсул, Байрут.
66. Аш Шофеий, Муҳаммад бин Идрис, ал Умм, Дорул Маърифа, Байрут.
67. Аш Шалабий, Хошияту Шалабий аъла Табийинул Ҳақаик, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2000.
68. Аш Шавқоний, ас Сайлул Жаррор, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 1405.
69. Аш Шавқоний, Найлул автор, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 1999.

70. Аш Шайбоний, Китабул Касб, мактабул . матбуатил Исламийя, Байрут, 2005.
71. Ат Табароний Абу Қосим, Ал Муъжамул Кабир, Байрут.
72. Аз Забидий Мухиббуддин, Тажиул Арус, Дорул Фикр, Байрут, 2005.
73. Аз Заҳабий, Абу Абдуллоҳ, Сияру Аъламун Нубало, Муассасатур Рисола, Байрут, 1998.
74. Аз Зайлайй, Абу Муҳаммад Жатовариддин Абдуллоҳ бин Юсуф Муҳаммад, Насбуър Ройа ли Таҳрижи аҳадисил Ҳидоя, Дорул Кутубул илмийя, Байрут.
75. Аз Зайлайй Фахриддин Усмон бин Али, Табийинул Хакаик фи шарҳи Канзид дақоик, Дорул Кутубул илмийя, Байрут. 2000
76. Аз Зурконий, Абдулбокий бин Юсуф, Шарҳу Муҳтасари Ҳалил, матбаати Муҳаммад Мустафа, Қоҳира, 1307.
77. Фирузободий, Абут Тоҳир Маждуддин Муҳаммад бин Яқуб бин Муҳаммад, ал Қомусул Муҳит, Дорул Маърифа, Байрут, 1044.
78. Гўкберк, Мажит, Фалсафа тарихи, Рамзи нашриёти, Истанбул, 2000
79. Гоннард Р, Мухтасар пул иқтисоди, Университет нашриёти, Истанбул, 1939
80. Гўзибенли Башир, Пул тушунчасига Исломий ёндошувга оид тушунчалар. Исломий илмлар тадқиқот вақфи, Илмий нашриёт.
81. Ҳаммод Назиҳ Камол, Тағойириатун Нукуд вал Аҳком ал Мутаалликоти биҳа фил Фикҳул Ислами, Жидда, 1408/1987.

82. Ҳасан Аҳмад, ал Авроқун Нақдийя фил Иқтисадул Ислами қийматуҳа ва ҳакамуҳа, Дамашқ, 2002.
83. Ҳайъат, ал Фатавал Ҳиндийя, Дорул Фикр, Байрут, 1310.
84. Ҳайъат, ижтимоий билимлар энциклопедияси, Рисола, Истанбул, 1990.
85. Ибн Абидин, Муҳаммад Амин бин Умар, Танbihур Рукуд аъла Масайлун Нукул, ал Мактабутул азҳарийя, Байрут, 2012.
86. Аш Ширваний, Ҳашиятуш Ширваний аъла Туҳфатул Муҳтаж, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2012.
87. Ибн Абидин, Раддул Мухтар аълад Дуррул Мухтар, Дорут Тибаатил Мисрийя, Миср, 1272.
88. Ибн Абидин, Раддул Мухтар аълад Дуррул Мухтар, Дорут Тибаатил Мисрийя, Қоҳира.
89. Ибн Асокир Абул Қосим, Тариху Мадинати Димашқ, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2012.
90. Ибн Ашур, Муҳаммад Тоҳир, ат таҳрир ват танвир, Дору Саҳнун, Тунис.
91. Ибн Жарир ат Табарий, Жамиъул Баён фи Тавлиул Куръан, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2005.
92. Ибн Ҳажар ал Аскalonий, ал Исоба фи тамийизус саҳаба, Дору аламул кутуб, Миср, 2013.
93. Ибн Ҳажар ал Ҳайтамий, Аҳмад бин Муҳаммад бин Али, Туҳфатул Муҳтаж фи Шархул Минхаж, Дору Ихият турасил арабий, Байрут.
94. Ибнүл Қайюм ал Жавзийя, Иъламул Муваккин, Байрут.
95. Ибн Касир, Абул Фида Имомуддин, Тафсирул Куръанил Азийм, Байрут.

96. Ибн Кудома, Абу Мұхаммад Мұваффакүддин абдул-лоҳ бин Аҳмад бин Мұхаммад, ал Мугний, Байрут.
97. Ибн Кудома, Абу Мұхаммад Мұваффакүддин абдул-лоҳ бин Аҳмад бин Мұхаммад, Аш Шархул Кабир аъла Матнил Мукний, Матбаатул Манор, Қохира, 1347.
98. Ибн Манзур, Лисонул Араб, Дорул Фикр, Байрут, 1994.
99. Ибн Нужайм, Зайниддин бин Иброҳим, ал Ашбаҳ ва Назоир, Байрут.
100. Ибн Нужайм, Зайниддин бин Иброҳим, ал Баҳрур Роик шарху Канзид дақоик, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 1997.
101. Ибн Рушд, Абул Валид Мұхаммад бин Аҳмад, Бидоятул Мұжтаҳид ва ниҳаятул мұктасид. Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2000.
102. Ибнүл Ҳумам Камолуддин, Фатхул Қадир, Дорул Кутубул илмийя, Байрут, 2009.
103. Ибнүл Қайюм ал Жавзийя, Аҳқаму Аҳлиз зимма, Дорул Илим, Байрут, 1999.
104. Сезаи Қарақоч, Исломжамиятининг иқтисодий структураси, Тирилиш нашриёти, Истанбул, 2003

105. Қараман Хайриддин, Қиёсий Исломхукуқи, Насл нашриёти, Истанбул, 1991.
106. Кеннеди Маргет, “Interest and inflation free money. Philadelphia, 1995.
107. Қисакурек Нажиб Фозил, Идеология чамбари, Буюк Шарқ, Истанбул, 1976.
108. Людвиг вон Мисиз, Пул ва кредит назарияси, Индианаполис, 1980.

109. Мұхаммад бин Абдуллоҳ, Шархул Мұхтасари Ҳалил, Матбаату Булақ, Миср, 1318.
110. Ибн Обидин Мұхаммад Амин, Раддул Мұхтар, Кутубул илмийя, Байрут, 2011.
111. Ўрхон Эрдоған, Пул сиёсати, Овчи оғсет, Истанбул, 2002.
112. Ўзел Аҳмед, Исломхуқуқида мамлакат түшунчаси, Истанбул, 1984.
113. Пая Мериҳ, Пул назарияси ва сиёсати, Филиз нашриёти, Истанбул, 2002.
114. Серин Вилдан, Пул сиёсати, Мармара Университети, Истанбул, 1982.
115. Сайдідүғли Ҳалил, Иқтисодий терминлар энциклопедияси, Гузем Жан нашриёти, Истанбул, 2002.
116. Шахинқая Сардор, “Давлат саноат ва ишчи банкининг Туркия тараққиёт банки АШгача бўлган тарихи, 1996.
117. Табақўғли Аҳмед, Исломда пул сиёсати хусусида бир мақола, ИСАВ, Истанбул.
118. Зайдон Абдулкарим, Аҳкамус Зиммийин ва мустаъманин фи Дорул Ислам, Муассасатур Рисола, Байрут, 1976.
119. Зайдон Абдулкарим, ал Мадҳал ли Дирасатиши Шариятул Исломийя, Муассасатур Рисола, Байрут, 1999.
120. Зайтунўғли Эрол, Исломва бошқа тизимларда фоиз, ИСАВ, Истанбул.
121. www.acus.org/new-atlanticst/islami-banks-surge-thanks,
122. www.darphane.com.tr/tr/content
123. www.ekodialog.com/uluslararası-ekonomi/bankacılık-islemeler

124. [www.metegundogan.com/borca dayali para sistemi/](http://www.metegundogan.com/borca/dayali/para/sistemi/)
125. www.muhasebedersleri.com/ekonomi/para
126. www.npr.org/templates/story
127. www.tdk.com.tr/index.php?option
128. www.usiad.net/index.option
129. www.egezegen.com/ekonomi/dunyanin-en-buyukekonomileri
130. www.ekonomihukuk.com/para-banka
131. [www.kuruldiyanet.com. tr/cevapara](http://www.kuruldiyanet.com.tr/cevapara)
132. [www.onedio.com/haber/kanli bir tarih](http://www.onedio.com/haber/kanli/bir/tarih)
133. www.dunya.com/finans/haberler
134. www.gazeteduvar.com
135. www.paradurumu.com/paranin-tarihi
136. www.youtube.com/watch?v=TxvG4zOOAFA
137. www.islamreligion.com/articles
138. www.npr.org/template/story/story.php?storyId=102325715
139. www.yenisafak.com/ekonomi/bankalarin-gozu-hazinede-3397812

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Эҳсон Шеножак

**Глобал инқироздан чиқиши:
ИСЛОМИЙ ИҚТИСОД**

Муҳаррир: Абдулла Улугов

Бадиий муҳаррир: Абдумурод Тилавов

Муссаҳҳиха: Сабина Аскарова

Саҳифаловчи: Афзал Аскаров

Нашр.лиц. № 2718-9161-0d10-бас9-5493-6337-8349.

Босишга 15.03.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет босма. Таймс гарнитураси.
Шартли б.т. 11,16. Нашр б.т. 12,0. Адади 5 000 нусха.

Буюртма №4. Баҳоси шартнома асосида.

*“Iqro-Nashr” нашириёти,
Зангиота тумани, Узумзор кўчаси 14-уй.*

“Ideal Polygraph” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Янгиҳаёт тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уй.

